

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВ Т.А
ИСМАТУЛЛАЕВА Х.З.

**«МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ»**

*Педагогика олий ўқув юрттарининг 5140900 - Касб таълими
йўналиши талабалари учун ўқув қўйламча*

ТОШКЕНТ
«IQTISOD-MOLIYA»
2007

Такризчилар: ТТЕСИ. «Йигириш технологияси» федрасининг доценти
С.Л. Матисманов

«Пахтасаноатпум» ИИЧБда лаборатория мудири, техника
фанлари номзоди А.А. Ахмедов

Очилов Т.А

Касб танлашга йўллаш. Олий ўкув юртлари учун ўкув кўлланма /
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. – Т.:
«IQTISOD-MOLIYA» 2007. – 149 б.

Исматуллаева Х.З

АННОТАЦИЯ

Мазкур ўкув кўлланмада физик ўлчов бирликларининг ривожланиши,
пайдо бўлиши, SI ҳалкаро бирликлар тизимининг келиб чикиши ва кабул
килинган бирликлар, ўлчашининг турлари ва услублари, ўлчаш
воситаларининг метрологик хусусиятлари хакида керакли маълумотлар
берилган. Ўзбекистон Республикаси стандартлари, стандартлар ва уларнинг
турлари, ҳамда стандартларни ишлаб чикиш ва тасдиклаш,
сертификатлаштириш хакида маълумот. Ўзбекистон республикасининг
сертификатлаштириш идоралари. сертификатлаштиришнинг конуний
асослари, мувофикалик сертификати ва мувофикалик белгиси, синон
лабораторияларини аккредитлаштириш, чизикли код ишлари батафсил
ёритилган.

Ўкув кўлланма педагогика олий ўкув юртларининг 5140900 - Касб
таълими йўналиши талабалари учун мўлжалланган. Шунингдек ундан шу
соҳа бўйича таълим берувчи касб-хунар коллажларининг ўқитувчилари ва
ўкувчилари ҳамда бошқа мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси бозор иктисодиётига ўтиш даврида мавжуд бўлган барча турдаги саноат корхоналарининг ривожланиши иктисолий кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келади. Яъни, бозорларимизни юкори сифатли, такомиляшган технология ва маҳсулотлар билан тўлдириш иктисолидимизнинг гуллаб яшнашининг ягона шартидир. Республикамиз отдида турган асосий масалалардан бири – ички бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ва жаҳон бозорларида ракобат кила оладиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришdir.

Саноат корхоналарида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг жаҳон бозорларида ракобатбардошлигини ошириш учун биринчи навбатда корхоналарда мавжуд бўлган эски асбоб-ускуналарнинг ўрнига замонавий бўлган хорижий давлатларнинг асбоб-ускуналари билан жихозлаш, ҳамда улардан самарали фойдаланишда маҳсулотларни қадоклаш, саклаш ва транспортда ташиш даврида, қўйилган талабларга риоя килиш, маҳсулот сифатини баркарорлигини таъминлаш лозим бўлади. Шу билан биргаликда давлатлар орасида иктисолий, техникавий, маданий алоқаларни ривожлантириш ва тиклаш, ҳалқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилётган стандартларни уйғунаштириш талаб килинади.

Маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини ошириб бориш натижасида унинг ишлаб чиқариш даражасининг яхшиланишига эришиш мумкин. Маҳсулот сифатидан давлатнинг техник тараққиётни ва ривожланганлигига баҳо берса бўлади.

Иктисолидимин ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири, систематик равиша маҳсулот сифатини ошириб боришидир. Маҳсулот сифатини ошириш, ассортиментларини кенгайтириш ва истеъмолчилар талабини кондириш хозирги бозор иктисолидимининг муҳим вазифаларидан бири хисобланади. Маҳсулот сифат даражасини таъминлаш учун стандартлар ва техник шартларнинг меъёрий талабларига boglik холда систематик назорат ишларини олиб бориш лозимди.

Шу билан биргаликда маҳсулот сифат даражасини яхшилашда стандартларнинг илмий-техник даражасини ошириши, стандартлар ва техник шартларни мунтазам янгилаб бориш, маҳсулот сифати ва юкори техник даражасини кафолатлаш лозим.

Бозор иктисолидимидан бошкаришнинг янги шартлари маҳсулот сифатига янги талаблар қўймокда. Бу янада муҳимрок бўлиб, тўқимачилик маҳсулотлари аҳолининг доимо ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини кондириши керак.

Ҳар бир йўналиш, ҳар бир саноат корхоналари ишлаб чиқаришдаги янгиланишнинг аниқ йўлига эга бўлиши лозим. Маҳсулот сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш маҳсулотни дунё бозорларига чиқаришни таъминлайди.

Истаган маҳсулот сифатини, шу жумладан тўқимачилик материаллари сифатини баҳолаш учун, ҳамда материалларнинг рационал кайта юнланиши ва қўлланилиши имкониятларини аниқлашда, уларнинг муҳим хоссаларига қўйиладиган меъёрий талабларни асослаш муҳимдир.

Махсулот сифатини баҳолаш натижалари нафакат жами хоссалари даражасига ва етарли ўлчашдаги аниклигига, балки бу хоссаларига бўлган талаб даражасига боғлик.

Ундан ташқари, маълум бир максадлар учун ишлатилишган ёки кайта ишланадиган махсулотларнинг етарли даражада асосланган сифат кўрсаткичларини танлашдир.

Юкори сифатли махсулотни яратиш, таъминлаш ва режалаштириш замонавий баҳолаш услублари ва сифат кўрсаткичларининг стандартлари бўйича билимларни талаб этади. Мазкур ўкув кўлланманинг асосий максади, «Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш» фани бўйича керакли маълумотларни бериш ва амалиётда услубларнинг кўлланилишини кўрсатишдир.

Ушбу «Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш» фанидан ўкув кўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган давлат стандартларидан фойдаланийди.

1.1. АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Инсониёт пайдо бўлиши билан ўлчаш ишларига эхтиёж түғилган. Ўлчашларсиз фан ва техника тарақкий этиши мумкин эмас. Ҳаётимизда учраб турадиган ҳар бир иш ҳамда фаолиятда ўлчаш усуллари ва воситалари ёрдамида уларнинг бирлигини таъминлаш ва талаб этилган аникликка эришиш метрология фани орқали амалга оширилади. Метрология фанининг ривожлана бориши билан шу сўхага оид бўлган таъриф ва ибораларни ўрганишга эхтиёж түғилди.

«Метрология» - ўлчашлар, уларнинг бирлигини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда керакли аникликка эришиш йўллари ҳақидаги фандир.

“Метрология” сўзи грекча сўздан олинган бўлиб, “метрон”-ўлчаш, “логос” - таълимот маъносини англатади, яъни, ўлчаш таълимоти демакдир.

«Катталиктар»- сифат жихатидан ажратилиши ва микдор жихатидан аникланниши мумкин бўлган ходисалар, моддий тизим, модданинг хусусиятидир.

«Ўлчаниладиган катталиктар»-ўлчаш вазифасининг асосий максадига мувофик ўлчаниши лозим бўлган, ўлчанадиган ёки ўлчангандай катталиктар.

«Катталиктар ўлчами»-муайян микдорий обьект, тизим, ходиса ёки жараёнга тегишли бўлган катталиктарнинг микдорий аникланганлиги.

«Катталиктарнинг қиймати»-катталиктар учун кабул килинган бирликларнинг маълум бир сони билан катталиктарнинг ўлчамини ифодалаш.

«Чин қиймат»-маълум катталиктарни сифат ва микдор жихатдан идеал тавсифлай оладиган катталиктар қиймати.

«Ҳақиқий қиймат»-синон орқали топилган қиймат чин қийматга шу даражада якинки, берилган масалада бунинг ўрнида фойдаланиши мумкин.

«Кўрсаткич»-берилган катталиктарни ўлчашда ёрдамчи сифатида караладиган катталиктар.

«Катталиклар тизими»-катталикларнинг бирлари мустакил, бошкалари эса мустакил катталикларнинг функцияси деб кабул килинадиган принципларга мувофик ташкил этилган катталиклар тўплами.

«Асосий катталиктар»-тизимга кирадиган ва тизимнинг бошка катталикларидан мустакил деб шартли равишда кабул килинган катталиктар.

«Хосилавий катталиктар»-тизимга кирадиган ва бу тизимнинг асосий катталиклари орқали аникланадиган катталиктар.

«Катталиктарнинг ўлчов бирлиги»-шартли равишда 1 га тенг қиймат берилган ва ўзи билан бир тури катталикларни микдор жихатдан ифодалаш учун кўлланиладиган, белгилангандай ўлчамли катталиктар.

«Катталиклар бирликлари тизими»-берилган катталиклар тизими учун кабул килинган принципларга мувофик тузилган катталикларнинг асосий ва хосилавий бирликлари мажмуни.

«Катталиктар · бирликлари тизимининг асосий бирлиги»-асосий катталиктининг берилган бирликлар тизимида иш бирлиги.

«Катталиктар бирликлари тизимининг хосилавий бирлиги»-асосий бирликлар ёки асосий ва аникланган хосилавий бирликлар билан боғловчи тенгламага мувофик ташкил топган, катталиклар тизимининг хосилавий катталик бирлиги.

«Катталиктининг тизимдан ташкари бирлиги»-кабул килинган бирликлар тизимига кирмайдиган катталик бирлиги.

«Катталиктининг каррали бирлиги»-тизимли ёки тизимдан ташкари бирликдан бутун сон марта катта бўлган катталик бирлиги.

«Катталиктининг улуши бирлиги»-тизимли ёки тизимдан ташкари бирликдан бутун сон марта кичик бўлган катталик бирлиги.

«Хатқаро бирликлар тизими»-ўлчовлар ва тарозилар бўйича бош конференция кабул килган ва тавсия этган бирликлар көгерент тизими.

«Метрология бўйича миллий идора» - давлатда ўлчашлар бирлигини таъминлаш ишлари бўйича раҳбарликни амалга ошириш ваколатига эга бўлган берилган давлат бошкарув идораси - Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамаси хузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон давлат маркази (Ўзстандарт Агентлиги).

«Ўлчашлар бирлиги» - ўлчаш натижалари конунлаштирилган бирликларда ифодаланиб, уларнинг хатоликлари берилган эктимоллик билан белгиланган чегарасидан чикмайдиган ўлчашларнинг холати.

«Ўлчов аниқлаги» - хакикий изланаётган ўлчов кийматларини якинликдан таърифлашдир. Шунинг учун метрологиянинг асосий масаласи аниқ бир аниқликда ифодалаш ва керакли бирликда таъминлашдир.

«Ўлчаш воситаси» - техник воситалар бўлиб; метрологик хоссаларини ўлчаш учун кўлланилади.

«Бирлик эталони» - ўлчаш воситаси бўлиб, бошка ўлчаш воситаларига узатиш максадида ва физик ўлчов бирликларини саклаш учун ишлатилади.

«Давлат эталони» - этalon, Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган ўлчов бирликлари учун миллий идора томонидан тан олинганилиги.

«Метрологик хизмат» - бирлик ўлчамида таъминлашга йўналтирилган юридик шахсларнинг ва уларнинг иш фаолиятида метрологик хизмат ва давлат идораларининг тармоклари.

«Давлат метрологик назорати» - метрология конун-коидаларига риоя килишни текшириш ваколатига эга бўлган давлат метрологик хизмати.

«Ўлчаш воситаларини текшириш» - жараёнлар жами бўлиб, техник шартларда белгиланган ўлчаш воситаларига боғликликни давлат метрологик хизмат идоралари томонидан аниқлаш ва тасдиқлаш.

«Ўлчаш воситаларини калиброчка қилиши» - жараёнлар жами бўлиб, кўлланилишга ярокли бўлган ўлчаш воситаларининг яроклилиги ва метрологик хоссаларининг хакикий кийматларини тасдиқлаш ва аниқлаш ишлари калибрли лабораторияда бажарилиши.

«Ўлчаш воситаларини тайёрлашга рухсатнома» - хужжат, давлат метрологик идоралари томонидан кўрсатилган фаолият тури билан шуғуланиш ҳуқукига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга берилган гувоҳнома.

«Ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаши» - уларнинг хоссаларини батафсил тадқикот килиш асосида бирлик ишлаб чиқаришда ўлчаш воситаларининг қўлланилиши учун метрологик хизматнинг номрориги.

«Метрологик хизмат, марказ, лабораторияларни аккредитациялаши» - бирлик ўлчашларни таъминлаш бўйича белгиланган жойда аккредитациялашириш ишлари метрологик хизмат, марказлар ва лабораторияларда ўтказилиши.

«Ўлчаш воситаларини калиброчка қилиш ҳуқукига эга бўлган юридик шахсларнинг метрологик хизматини аккредитациялашириши» - метрологик хизмат юридик шахслари томонидан ўлчаш воситаларини калибрлаш ишлари белгиланган жойларда ўтказилади.

«Ўлчашни баъзарини услубларини метрологик аттестациялаши» - ўлчаш хатоликларининг хусусиятларини тадқик этиш ва баҳолаш.

«Давлат метрологик назорати» - ўлчаш воситаларининг типини тасдиқлаш ва текшириш, рухсатномани тайёрлаш, созлаш, сотиш ва уларни шекарага бериш ишлари давлат метрологик хизмати томонидан амалга оширилади.

«Ўлчашлар бирлигини таъминлаши» - ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг худудида амал килинадиган конун хужжатлар, стандартлар ва бошка меъёрий хужжатларга мувоффик ўлчашлар бирлигига эришишга ва саклаб туришга йўналтирилган хизматларни ва идораларнинг фаолияти.

«Ўлчашлар бирлигини таъминлаши тизими» - ўлчашлар бирлигига эришиш ва уларни саклаб туриш учун Ўзбекистон Республикасининг халк ҳўжалик мажмуасини самарали иқтисодий ривожланиш талабларига боғлик бўлган илмий асосланган, техниковий тўғри келадиган ва иқтисодий маъқул бўлган меъёрлар, коидалар ва тадбирлар тизими.

Метрологияни конунлаштириш ишлари хакикий конун ва Ўзбекистон Республикаси конунлаштирилган актларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Давлатининг ўлчашлар бирлигини таъминлаши давлат тизими (ЎзЎДТ) - ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича давлат томонидан бошқариладиган соҳаларда метрология бўйича миллый идора томонидан мамлакат худудида тасдикланган ва жорий этиладиган талаблар, коидалар, низомлар, меъёрлар ва ишларни ўтказиш тартибини белгилайдиган ўзаро боғланган ва ўзаро алокадор бўлган халкаро, давлатлараро ва миллий меъёрий ва услубиятли хужжатларнинг мажмуасидир.

Инсон табиатининг ривожланиши асосан ўлчашдан бошланди. Ўлчашлар математика, физика ва механика фанлари каби айник фанларидан бири бўлиб қолди. Улар олдида турган вазифа-айник бир миқдорий

муносабат имконияти ва табиатнинг объектив ифодаланувчи конунларини очиб беришдир.

Метрологиянинг буюк асосчиларидан бўлмиш И.Менделеев метрология йўналишида шундай ибораларни киригган эди: «Фаннинг шу вактдан бошлаб ривожланиши асосан ўлчашдан бошланди».

Инглиз метрологиясининг асосчиларидан бири бўлмиш Ж. Томсон хам бу соҳада ўзининг таърифини берган экан: «Ҳар бир нарса шу даражада аникики, уни кандай йўл билан яратишдан катъий назар».

Барча саноат тармоклари — тўқимачилик ва енгил саноатидан то оғир машинасозлик, ядро энергетикасигача, худди технологик жараённи ўрганишдек; уларни бошкариш ва текшириш. ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тузилиши ва сифати хам кенг микдорда ёйилган ўлчаш тизимларисиз бўлиши мумкин эмас.

Хозирги вактда тезлик билан илмий-техник тараккиётнинг ўсиши ва стандартлаштиришнинг ўрни, асосий занжири бўлмиш техник жихатдан бошкариш тизими ва илмий боскичда барча маҳсулотнинг сифати лойихаланган, уларнинг тузилиш хоссалари катта ахамият касб этади.

Стандартлаштиришни хаётда актив восита сифатида умумдавлат техник сиёсатидан ўтказиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш воситаси, иссиқлик ва энергияга таянган холда, янги ресурсларни эҳтиёт килиш фан ва техникада ютукларга олиб келиши мумкин. Республикаизда стандартлаштириш ташкилий ва моддийликка таянган холда, умумдавлат конун кучи ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил килиш" тўғрисида 1992 йил 2 марта 93-сон карорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамаси хузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Ўзстандарт Агентлиги - стандартлаштириш бўйича миллий идора хисобланади.

Мамлакатда метрология ва стандартлаштиришни бошкариш вазифасини Вазирлар Махкамаси кошида ташкил этилган стандартлаштириш агентлигига юқлатилди. Бу республикаизда стандартлаштириш ва метрологиянинг янада хам ривожланишига олиб келди. Ўзстандарт Агентлигининг асосий вазифалари куйидагичадир:

а) маҳсулотнинг сифат кўрсаткичини стандартлаштириш ва биринчи навбатда корхоналараро маҳсулотни стандартлаш масаласини умумий жихатдан хал этиш, ундан ташкари, материаллар, хомаки маҳсулотлар, тайёр маҳсулот сифатини ривожлантириш, корхоналараро стандартлаштириш масаласини ташкил килиш, маҳсулотни ягона услублар асосида ишлаб чиқариш, стандартлаштиришни давлат назорати остида олиб боришдир;

б) маҳсус саноат корхоналарини бирхиллаштириш ва агрегатлаштиришни кенг ривожланишда таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнини умумий жихатдан комплекслаштириш ва автоматлаштиришдир;

в) техник ва ўлчаш асблобларини яхшилаш, физик ўзгармас ўлчашда стандартлаштириш, қўйилган тизимда давлат ўлчов бирлигини ташкил

килини, давлат эталонлари бўйинча бирлик гизимини яратиш ва уни татбиқ килини, шу билан биргаликда умум ва маҳсус ўлчаш техникаларини давлат назорат остига олиш ва бу техникаларга ишни амалга ошириш, ҳамда бирлик ўлчамини таъминлаштириш:

г) ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларидаги стандартлаштириш ишлари бўйича координатиляш, белгиланган бирлик тизимини лойихалаш ва технологик хужжат асосида расмийлаштириш, кўйилган ва тасдиқланган давлат режаси асосида стандартлаштириш, техник ва стандартлаштириш шаронитини хисобга олиш ва уни рўйхатдан ўтказиштириш:

д) республика корхоналари стандартлаштириш ишлари бўйича бошка давлатлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, стандартлаштириш ва метрология бўйича шу давлатларнинг иш тажрибаларини ўргаништириш:

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Метрология кандай фан ва унинг асл маъноси нима?
2. Метрологик катталиклар ҳакида маълумот беринг?
3. Ўлчов бирлиги, аниклиги ва воситасига таъриф беринг?
4. Ўзбекистон Республикасининг ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими ҳакида маълумот беринг?
5. Метрологиянинг асосчилари кимлар?
6. Ўзстандарт Агентлигининг асосий вазифалари нималардан иборат?

Эслаб колин!

Метрология, катталик, катталик ўлчамни, катталиknинг киймати, чин киймат, ҳакиқий киймат, кўрсаткич, катталиклар гизими, асосий катталик, ҳосилавий катталик, каррали, улушли, ўлчов аниклиги, бирлик эталони, давлат эталони, ўлчаш воситаси.

Ўкув материаллари таъминоти

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон иктисадий ислоҳатларни чукурлаштириш йўлида. Т.Ўзбекистон, 1995.
2. Крылова А.Н. Основы метрологии. стандартизации и сертификации. М.:Аудит, 1998, ЮНИТИ.
3. П.Р.Исматуллаев, З.Т.Тўхтамуродов, А.Х.Абдуллаев, Р.А.Сайдазова. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришга мукаддима. Ўкув кўлланмаси. Конструктор ИЧБ. Тошкент, 1995.
4. Шишкун И.Ф. Метрология, стандартизация и управление качеством. М.:Изд.Стандартов, 1990.

4.2. МЕТРОЛОГИК ТАЪМИНОТНИНГ АСОСИЙ МАКСАДИ

Ўзстандарт Агентсиги давлат тизимининг коидаларини куйидагича амалга оширади:

а) маҳсулотнинг яратилиш ва фойдаланниш даврининг ҳамма боскичларида сифатин ва бозор муносабалари шаронтларида унни ракобатбардошлик қоблиятини ошириш;

б)агрегатлар, килемлар, деталларнинг ўзаро алмашнунвчанилигини таъминлаш;

в) ўлчаш натижаларининг керакли аниклиги, объективилиги ва ишончлигини таъминлаш асосида илмий-тадқиқот ва тажрібавий лойихалаш ишлари, ҳамда синовлар унумини ошириш;

г) савдо-сотик ва ахолина майший хизмат кўрсатиш билан боғлик ўлчов ишларини бажариш;

д) соғликни саклаш, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза килиш масалаларини ҳал килиш.

Метрологик таъминот даражаси маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир этади. Натижада, бу таъсир самарадорлигини ошириш максадида метрологик таъминот масалаларига алоҳида ахамият берилади.

Ўзстандарт Агентлигининг асосий максадлари куйидагилардан иборат:

1) белгиланган ҳукукий тартиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳукуклари ва манфаатларини ўлчаш натижаларининг ишончли бўлмаганлиги туфайли салбий оқибатлардан химоя қилиш;

2) ўлчаш воситаларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, сотиш ва ижарага бериш масалалари бўйинча давлат бошқарув идоралари ва хўжалик субъектлари орасидаги муносабатларни йўлга кўйиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг ҳалқ ҳўжалиги мажмуасини барча соҳаларида ўлчашлар бирлигига ва талаб этилган аниклигига эришишни таъминлаш асослари ва шаронтларни яратиш;

4) ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимнинг коидалари ва тадбирларини, ҳалкаро ҳамкорликда техникавий тўсикларни бартараф этиш максадида ҳалқаро ташкилотларни ва бошка давлатларни шунга ўхшашиб тизимларининг тавсиялари билан уйгунлаштириш;

5) метрология фаолияти соҳасида ҳалкаро ва минтақавий миқёсда ҳамкорликни таъминлаш, ўлчашлар, киёслаш, калибрлаш, синаш, сертификатлаштириш ва метрологик идораларни ва хизматларни аккредитлаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги давлатлараро битимларни бажариш учун шаронтларни яратиш;

6) хўжалик субъектлари даражасида Ўзстандарт Агентлиги талабларини сифат тизимларини, ҳамда корхоначар ва ташкилотларда амал килаётган бошка тизимларининг талаблари ва коидалари билан уйгунлаштириш.

Метрологик хизмат бўйинча Ўзстандарт Агентлигининг асосий вазифаларини куйидагилардан иборат:

1) Халкаро бирликлар тизимини жорйд этиш ва унга риоя килиш асосида ва Ўзстандарт Агентлигинг метрологик мөъёрлари, коидалари ва тадбирларини, ўлашшар бирлигини таъминлаш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва аккредитлаштириш бўйича халкаро ташкилотлар ва миллий тизимлар тавсияномалари билан уйгуналаштириш асосида Ўзбекистон Республикасининг давлатларо муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг халк хўжалиги мажмуасининг ажралмас кисми сифатида Ўзстандарт Агентлигинг ривожлантиришини олдиндан айтиб бериш;

3) ўлашшар бирлигини; талаб этилган аниклигини, ишончлилигини таъминлаш, ҳамда ўлаш услубларини, ўлаш воситаларини, унумдорлиги ва ишончлилигини оширишни мукаммаллаштириш асосида илмий ва техникавий потенциални, миллий иктисадни ривожлантиришда қатнашиш;

4) бозор муносабати шароитларида ўлчашларни маъкул бўлган тартибда ташкил этиш ва маҳсулот яратишнинг барча боскичларida метрологик таъминлаш асосида маҳсулот сифати ва ракобатбардошлигини таъминлаш.

5) жамоат манфаатларининг барча соҳаларида, шу жумладан савдо, соғликни саклаш, меҳнат хавфзислигини, маҳсулот ва технологияларни, атроф-мухитни мухофаза килишни хисобга олган ҳолларда ўлаш натижаларининг керакли ишончлилик билан ўрнатиш ва таъминлашни юридик ва хуқукий асосларини яратиш.

Ўзстандарт Агентлигининг максадлари ва вазифаларини амалга ошириш турил ихтисос ва мулк шаклидаги барча даражадаги хўжалик субъектларини хисобга олган ҳолда мамлакатни халк хўжалиги мажмуасини метрологик таъминлаш йўли билан бажарилади.

Ўзстандарт Агентлигининг асосий вазифаларини бажариш куйидагича амалга оширилади:

- катталик бирликларининг давлат эталонлари ва юкори аниклиддаги ўлаш воситаларини яратиш ва мукаммаллаштириш, катталик бирликларининг ўлчамларини эталонлардан барча ўлаш воситаларга узатиш мөъёрларини ва коидаларини белгилаш максадида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- ўлашшар бирлигини таъминлашнинг асосий низомлари, коидалари, талаблари ва мөъёрларини стандартлаштириш, Ўзстандарт Агентлигининг хукукий, мөърий ва услубли асосини яратиш ва саклаб туриш;

- жамиятни ишончсиз ўлашшарнинг салбий оқибатидан химоя килишни таъминлаш учун метрологик мөъёрлар ва коидаларни ишлаб чикиш ва тасдиқлаш;

- фан, маълумот ва ахборотдан, ҳамда метрологик идоралардан, техникавий, меҳнат ва моддий-молиявий манбалардан ташкил топган метрологик инфра тузилмани тузиш ва бошқариш.

Ўзстандарт Агентлиги куйидагилардан ташкил топади ва амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикасида қўлланилишга рухсат этилган катталик бирликларининг тизими;
- мамлакат иктисадини ривожлантириш талабларига мувофик бўлган аниклиқда бирликларни қайта тикланишини таъминлайдиган катталик бирликларининг давлат эталонлари мажмуи ва энг юкори аниклиқдаги бошлангич ўлчаш воситаларидан;
- катталиклар бирликларининг ўлчамларини киёслаш схемалари асосида эталонлардан барча ўлчаш воситаларига узатиш тизими билан;
- вазириклар, муассасалар, корхоналар миқёсида ишлаб чикиладиган, ҳамда тасдиқланадиган ва Ўзбекистон стандартлаш-тириш агентлиги низомлари, меъёрлари, қоидалари ва талабларини амалга оширишини таъминлайдиган меъёрий ва услубли хужжатлар мажмуаси билан;
- ўлчаш воситалари турини синаш, метрологик аттестациялаш, сертификатлаштириш, уларнинг давлат реестрини юритиш йўли билан;
- ўлчаш воситаларининг қиёсланиши, калибрлаши, солишиштиришини ташкил этиш ва амалга ошириш, ўлчашларни бажариш услубларини метрологик аттестациялаш билан;
- модда, материаллар таркиби ва хоссаларини тавсифлайдиган катталиклар бирликларини қайта тикланишини таъминлайдиган моддалар, материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини яратиш, тасдиқлаш ва фойдаланиш билан;
- модда ва материалларнинг физик ўзгармас хоссалари тўгрисидаги стандарт маълумотлардан фойдаланиш билан;
- метрологик идоралар, ишлар ва ходимларни аккредитлаштириш, рухсатнома бериш ва сертификатлаштириш йўли билан;
- метрологик ахборотни таснифлаш ва кодлаш тизими ва ахборотли технологияларни жорий этиш билан;
- давлат ва бошқа метрологик идораларининг метрологик текшируви ва назорат орқали.

Ўзстандарт Агентлигининг илмий асоси метрология бўлиб, бу ўлчашлар, уларнинг бирлигини таъминлаш услублари ва воситалари ва талаб этилган аниклигига эришиш усуслари тўгрисидаги фан.

Ўзстандарт Агентлигининг техникавий асоси Ўзбекистон Республикасининг ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими масалаларини ечишини таъминлайдиган техникавий воситалар мажмуасидир ва ўз ичига куйдагиларни олади:

- катталиклар бирликларининг давлат эталонларини;
- эталонлардан ишчи ўлчаш воситаларига киёслаш схемасига мувофик катталиклар бирликларини узатиш воситаларини;
- моддалар, материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини;
- хўжалик субъектларининг фаолиятини метрологик таъминотида фойдаланладиган ўлчаш ва ёрдамчи ускунасини.

Ўзстандарт Агентлигининг меъёрий асоси Ўзбекистон Республикасининг ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизимининг

хужжатлар мажмуасидир, хамда Ўзстандарт Агентлиги қоидаларини амалга оширишни таъминлайдиган мөърий ва услубий хужжатлариридир.

Ўзстандарт Агентлигининг ахборот асосини, илмий-тадқиқотлар ва ютуклар, қоидалар, низомлар, талаблар, тавсияномалар ва бошка метрология бўйича ахборотни ўз ичига олган илмий, мөърий, услубли ва маълумотли материяллардир.

Ўзбекистон Республикасининг ўлчашлар бирлиги таъминлаш давлат тизимининг ташкилий асоси Ўзбекистон Республикасининг метрологик хизматидир. У давлат метрологик хизмати ва юридик шахсларнинг метрологик тузилмасидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича ишларни мувоғиклаштириш метрология бўйича Миллий идора - Ўзстандарт Агентлиги амалга оширади.

Ўзстандарт Агентлиги бошчилик киладиган давлат метрологик хизмати куйидагилардан иборат:

- давлат эталонлари Маркази;
- метрологик хизматнинг Бош маркази;
- стандарт намуналарнинг Бош маркази;

-Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш-тириш ва маҳсулот сифатини бошқариш соҳасидаги тадқиқотлар ва мутахассислар тайёрлаш институти;

- худудлардаги давлат метрологик хизматининг идоралари - Корақалпогистон Республикасидаги, вилоятлардаги ва шаҳар-лардаги стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ҳудудий марказлари.

Давлат метрологик хизматига ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган бошка хизматлар киритилиши мумкин.

Ўзстандарт Агентлиги қошидаги давлат эталонларининг Маркази Ўзбекистон Республикасининг этalon базасини ривожланишини ва мукаммаллаштиришини асосий йўналишларини аниклаш ишларини, катталиклар бирликларининг давлат эталонларини яратиш, саклаб туриш, асрар ва қўллаш ишларини ўтказади.

Метрологик хизматнинг бош маркази ўлчашлар бирлигини таъминлашни илмий-услубий, техник-иктисодий, ташкилий, мөърий асосларини ишлаб чиқишни, метрология соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширади.

Метрология бўйича Давлат бошқариш фаолияти - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ўзстандарт Агентлиги хисобланади. Ўзстандарт Агентлигига қуйидагилар бўйсинади:

1. Метрология бўйича худуд ва тармоклараро координациялаш фаолияти.
2. Яратиш қоидаларини белгилаш, тасдиқлаш, саклаш ва физик ўлчов бирликларининг эталонларини қўлланилиши.
3. Воситалар, услублар ва ўлчаш натижаларига умумий метрологик шартларни аниклаш.
- 4: Давлат метрологик назорат ва надзорни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси барча худудида мажбурий кучга эга бўлган, бошка давлат бошқариш идоралари билан биргаликда метрология масалалари бўйича меъёрий актларни кабул килиш.
6. Метрология бўйича илмий ва муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш.
7. Метрология бўйича Ўзбекистон Республикаси халкаро шартномаларга риоя этишини назоратдан ўтказиш.
8. Метрология масалалари бўйича халкаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиши.

Метрологик хизматнинг давлат идоралари, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарларнинг стандартглаштириш, метрология, сертификатлаштириш марказлари Ўзстандарт Агентлиги тасдикланган СМШМ тўғрисидаги Низомга мувофиқ ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича мувофиқлаштириш ишларини, O'zDst 8.002 бўйича давлат метрологик текширув ва назоратига тегишли доирасида бириктирилган худудида метрологик текширув ва назоратни амалга оширадилар.

Халқ хўжалиги мажмуасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш учун давлат бошқарув идоралари ва юридик шахслар ўз фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бирлашмаларда, ташкилотларда ва корхоналарда бош, таянч ва метрологик хизматларини ташкил этадилар.

Корхоналарда ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича ўтказиладиган ишлар, фаолиятининг асосий турларига таълтуклидир.

Барча дараражадаги метрологик хизматлари ўз ишларини Ўзбекистон Республикасининг ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизимининг Давлат метрологик хизмати идоралари билан келишилган меъёрий хужокатларига ва улар тўғрисидаги низомларга мувофиқ ташкил этадилар.

Метрологик хизмат бўлими ўз ишларини улар ҳакидаги низомлар асосида олиб боради: ушбу низомлар идора бошликлари қарори билан ташкил этилган хизматларнинг намунавий низомлари асосида тузилади ва бошлиқ томонидан тасдикланади. Ўзстандарт Агентлиги тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдикланади.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Ўзстандарт Агентлиги Давлат тизими қоидаларини кандай амалга оширади?
2. Ўзстандарт Агентлигининг асосий мақсадлари нималардан иборат?
3. Метрологик хизмат бўйича Ўзстандарт Агентлигининг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Ўзстандарт Агентлиги бошчилик киладиган Давлат метрологик хизмати ҳакида маълумот беринг.

Эслаб колинг!

Метрологик хизмат, Халқаро бирликлар, катталик, метрологик идоралар, давлат эталонлари, давлат эталонлари маркази, метрологик хизматнинг Бош маркази, стандарт намуналарининг Бош маркази.

Ўқув материаллари таъминоти

1. Крылова А.Н. Основы метрологии, стандартизации и сертификации. М.:Аудит, 1998, ЮНИТИ.
2. П.Р.Исматуллаев, З.Т.Тұхтамуродов, А.Х.Абдуллаев, Р.А.Сайдазова. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш мұқаддима. Ўқув күлланмаси. Конструктор ИЧБ, Тошкент, 1995.
3. Шишкін И.Ф. Метрология, стандартизация и управление качеством. М.:Изд.Стандартов, 1990.
4. П.Р.Исматуллаев, А.Н.Максудов, А.Х.Абдуллаев, Б.М.Ахмедов, А.А.Аззамов. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. «Ўзбекистон», Тошкент,2001.

1.3. ФИЗИКАВИЙ КАТТАЛИКЛАРНИНГ БИРЛИКЛАР ТИЗИМИ

Физикавий катталикларнинг бирликлар тизимининг ривожланишини 4 даврга бўлиш мумкин.

1-давр: эрамиздан аввалги 283-263 йилларда Миср ўлчов тизими пайдо бўлган. Бу ўлчов тизимидаги бир канча ўлчов бирликлари Ўзбекистон худудидаги ўлчов бирликларига мос келади. Масалан, саржин-2160 мм, аршин-720 мм, тирсак-540 мм оёқ юзи (кафти)-360 мм, кафт (кўл кафти)-90 мм, бармок-22,5 мм ва хоказо.

Миср бирликлари Осиё давлатларига, Хиндистонга, Европа давлатларига ҳам таркалган.

Ўлчовларни, воситаларни ва ўлчаш усулларини яратишида Марказий Осиёда, яъни Богдода «Байтул ҳикма» («Донишмандлар уйи»)нинг буюк олимлари Ал-Хоразмий, Ахмад Фарғоний, Ибн-Сино, Абу-Райхон Берунийлар ижод килишган. Уларнинг метрология фанига қўшган хиссалари жуда катта бўлган.

Ал-Хоразмий ва Ахмад Фарғонийларнинг хандаса (геометрия) илмидан ёзган асарлари узок йиллар давомида гарб давлатларида дарслек сифатида кўлланилиб келинган.

Ахмад Фарғонийнинг юлдузларни кузатиш бўйича ясаган асбобидан бир канча юз йиллар астрономлар фойдаланиб келишган.

Ахмад Фарғоний дунёда биринчи бўлиб, дарёдаги сув сатхини ўлчайдиган «Миқёси Нил» ўлчаш асбобини яратиб, Мисрдаги Нил дарёси сатхининг ўзгаришини кузатиб, йиллик ёгин миқдорини олдиндан белгилаш мумкинлигини аниклаган. Натижада экиладиган экинларнинг турлари танланган. Агар сув сатхи асбобнинг маҳсус белгисидан юкори бўлса, сув талаб килувчи ўсимликлар экилган. Агар паст бўлса, кам сув талаб килувчи экинлар экилган. Бу асбоб кургокчилик йилларидағи кийинчиликларнинг олдини олишда катта хизмат килган. Агар сув кўп бўлса, тошкінларнинг олдини олишда ёрдам берган.

Мирзо Улуғбекнинг астрономик ўлчашлари (1018 юлдузларнинг холатини аниклаган) хозирги замонавий асбоблардан фойдаланиб

аннеланган шатижадан 5-бЧИ ракамида фарк килади. Айрим ўлчамларыда фарк йүклиги олимларни хайратта солиб келмоқда.

2-давр: XIV-XVI · асрларда Англияда бирлекларни бир-бирига болғанган холда ишлатилади.

Масалан: курукликда узунлик бирлиги килиб дюйм, фут, ярд, миль ишлатилган.

$$1 \text{ дюйм} = 0,0254 \text{ м} = 25,4 \text{ мм}$$

$$1 \text{ фут} = 12 \text{ дюйм} = 0,3048 \text{ м}$$

$$1 \text{ ярд} = 3 \text{ фут} = 0,9144 \text{ м}$$

$$1 (\text{Инглиз}) \text{ миль} = 1760 \text{ ярд} = 1609,344 \text{ м}$$

Шу даврларда Туркистанда узунлик бирлиги килиб «кадам» ишлатилади.

$$1. \text{ кадам} — 0,75 \text{ м}$$

$$2. \text{ тош} - 8000 \text{ кадам} \times 0,75 = 6000 \text{ м} = 6,0 \text{ км}$$

$$3. \text{ чакирик} — 1200 \text{ кадам} \times 0,75 = 0,9 \text{ км}$$

$$4. \text{ шар} - 4000 \text{ кадам} \times 0,75 = 3,0 \text{ км}$$

$$5. \text{ ёғоч} — 12000 \text{ кадам} \times 0,75 = 9,0 \text{ км}.$$

XIX асрга кадар хар хил моддаларнинг массасининг бирлиги килиб арпа донининг массаси олинган.

$$1. 1 \text{ арпа донининг массаси} — 0,04095 \text{ г.}$$

$$2. \text{ Мискол} = 100 \text{ арпа дони} \times 0,04095 = 4,095 \text{ г.}$$

$$3. \text{ Қадок} = 100 \text{ мискол} \times 4,095 = 409,5 \text{ г.}$$

$$4. \text{ Кумуштош} = 250 \text{ мискол} \times 4,095 = 1023,7 \text{ г.}$$

$$5. \text{ Олтнтош} = 500 \text{ мискол} \times 4,095 = 2047,5 \text{ г.}$$

$$6. \text{ Пуд} = 4000 \text{ мискол} \times 4,095 = 16,38 \text{ кг.}$$

$$7. \text{ Ботмон} = 10 \text{ пуд} = 163,8 \text{ кг.}$$

8. Киммат баҳоли тошлар «Карат» бирлиги билан ўлчангандан 1 карат=0,2 г=200 мг.

Сувларни ўлчаш.

$$1 \text{ кулок сув} — 11,5 \text{ л/с}$$

$$1 \text{ тегирмон сув} — 5 \text{ кулок} \times 11,5 = 58 \text{ л/с}$$

$$1 \text{ саноч сув} — 30 \text{ литр}$$

$$1 \text{ хўплам} — 15-20 \text{ мл}$$

$$1 \text{ ош кошиқ} - 15 \text{ Мл}$$

$$1 \text{ ашир} — 6 \text{ литр.}$$

3-давр: XVIII асрда Француз олимлари Лаплас, Лагранж, Монж биринчи бўлиб метр тизимини (м ва кг) таклиф этишади.

Метр тизими билан узунликни, юзани, хажмни, массани ўлчаш мумкин бўлади. Ўша даврда узунлик бирлиги «метр» деб ер меридианининг 40 млн.дан бир кисми кабул килинган.

1 м килиб, платинадан тимсол (намуна) ясалган.

Массасининг бирлиги «кг» деб 4°C хароратдаги 1 dm^3 дистилланган сувнинг массасини кабул килишган.

Шу массасига баробар килиб платинадан кадак тош ясалган бўлса, унинг диаметри 39 мм га тенг бўлган.

Бирлик «кг» га ҳам платинадан тимсол (прототип) ясалган. 1872 йил .
Халқаро комиссия томондан «кг» ва «м» прототиплари қабул килинган.

1875 йил 37 давлатлар шу тимсолларни қабул килғанлар. Россия эса (1919 йилдан бошлаб) 1927 йил бутунлай татбиқ этган.

Айрим давлатларда метрик тизимга асосланган ҳолда алоҳида соҳалар .
учун метрик тизимнинг карралари ёки улушлари ишлатила бошланган.

1832 йил немис олими Гаусс ҳар хил катталикларни ўлчаш учун ўзининг тизимини таклиф этди — мм, мг, сек.

Шу бирликлар орқали айрим катталиклар учун ҳосила бирликларни тузади, яъни — тезлик, босим, кувват, иш ва ҳ.к.

Фан ва техниканинг ривожланиши билан Гаусс тизимига асосланган бир канча бирликлар яратилди. Чунки Гаусс тизими майда эди. 1881 йил Халқаро электротехника комиссияси СГС (см, г, с) тизимини қабул қилади. Бу тизим бўйича асосан 2 ҳосила катталиктнинг бирлиги қабул килинади. Яъни «иш» бирлиги килиб «эрг» ни қабул килинади. «Куч» бирлиги килиб «дина» қабул килинади.

$$1 \text{ эрг} = 10^{-7} \text{ жоуль};$$

$$1 \text{ дина} = 10^{-5} \text{ ньютон}.$$

Кувват СГС тизимида эрг/сек билан ўлчанади.

Босим эса — дина/см²=1 бар деб белгиланган. Лекин СГС тизими билан электрик ва магнит катталикларини ўлчашнинг имконияти бўлмаган.

МКГКС тизими - механик катталикларни аниқлаш учун бўлиб, метр (м), килограмм-куч (кг), секунд (с).

СГС тизими - механик катталикларни ўлчаш учун бўлиб, узунлик (см), вакт (с), вазн (г) дир. Бу тизим 1832 йилда қабул килинган.

1901 йил Италия олими Джоржи МКСА (м, кг, с, ампер) тизимини таклиф этади. Бу тизим бўйича электромагнит катталикларини ўлчаш имконияти яратилган.

Ундан ташқари асосий бирлик тизими уч кисмга бўлинади:

МКСА тизими - электр ва магнит катталикларини ўлчаш учун бўлиб, 1901 йилда италиялик олим Жоржи тавсиясига биноан қабул килинган. Метр (м), секунд (с), ампер (А), килограмм (кг).

Ҳозирги кунда тизимдаги бирликлар билан бир каторда қўлланиш учун ишлатиладиган бирликлар ҳам мавжуд.

МТС тизими - механик катталикларни аниқлаш учун бўлиб, метр (м), тонна (т), секунд (с) дир. Бу тизим 1927 йил Францияда қабул килинди.

Физик ўлчов тизимининг бирлик катори- сон тизимидан ташқари бирлик. Бир тизимдан бошқа бир тизимга сурилишини халқаро ораликларда бирхиллаштириш керак бўлади.

XIX асрдан бошлаб Европа давлатларида МКГКС - м, кг куч, с ва МТС - м, тн, с бирликлари техникада кенг ишлатила бошлаган.

Мавжӯд бўлган бирликлар тизимининг бирортаси ҳам барча соҳадаги катталиқ бирликларини умумлаштира олмаган.

Фан ва техниканинг ривожланиши билан барча соҳани умумлаштирувчи янги бирликлар тизимини яратиш зарурияти келиб чиқади, яъни бирликлар яратишнинг 4^{нн} даври бошланди.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Физикавий катталиклар бирлик тизимининг ривожланиши ҳакида маълумот беринг?
2. Бирлик тизимлари бўйича қисқача мазмунини келтиринг?
3. XIV-XVI асрларда қандай бирликлар ишлатилган?
4. XIX асрдан бошлаб Европа давлатларида қандай тизим бирликлари ишлатилиб келган?
5. Немис олими Гаусс ҳар хил катталикларни ўлчаш учун ўзининг қандай тизимларини таклиф этган?

Эслаб қолинг!

Давр, қадам, арпа донининг массаси, сувларни ўлчаш, масса, килограмм, тизим, босим, куч, иш, эрг, ҳосила бирликлари.

1.4. SI ТИЗИМИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

1954 йил ўлчовлар ва тарозилар бўйича Халқаро X-Бош конференцияси янги бирликларга куйидаги талабларни қўяди.

- илм, фан, техника бўйича барча соҳалар камраб олиниши керак;
- физикавий ҳосила бирликларни тузиш учун асос бўлсин;
- ишлатиаётган бирликларнинг кулай туридан фойдаланилсин;
- қабул қилинган бирликлар этalon орқали катта аниқлик билан текширилсин.

Ушбу конференция йигилишида 1956 ва 1958 йилларда таклиф этилган бирликлардан 6 та асосий, 2 та қўшимча ва 27 та ҳосила бирликларнинг рўйхати тузилган. Халқаро бирликлар тизимини “SI” деб аталган.

«SI» тизими бўйича қабул қилинган асосий ва қўшимча
(халқаро) бирликлар

1-жадвал

T/p	Катталиклар	Ўлчам бирликларининг номи	Русча белгиси	Халқаро белгиси
1.	Узунлик	Метр	м	м
2.	Оғирлик	Килограмм	кг	кг
3.	Вакт	Секунд	с	с
4.	Электр токининг кучи	Ампер	А	а

5.	Термодинамик харорат	Кельвин	Е	к
6.	іргұлғық күчи	Кандела	кд	сд
7.	Модда міндори	Моль	міёү	мол
Күшімча бирликлар				
1.	Ясси бурчак	Радиан	рад.	рад
2.	Фазовий бурчак	Стерадиан	ср	ср

1960 йил ўлчов ва тарозилар XI-Бош конференцияси “SI” тизимини кабул қилған. Бунда 7 та асосий, иккита күшімча бирликлар тасдикланған. Хосила бирликларнинг 18 тасига ном берилған. Шундан 16 таси йирик олимлар номи билан аталған (Ом, Ампер, Паскаль, Ньютон, Вольт ва хоказ) колған иккитаси «Люкс» ва «Люмен» деб аталған.

SI тизиминің ағзасы

1. Бу халқаро бирликлар тизими, демек халқаро адабиётлардан, техникадан фойдаланишда қулайлық яратылды.
2. Бу тизимнинг универсаллығы, яғни хамма соҳада ишлатиш мүмкін.
3. Бирликларни текшириш катта аникликлар билан бажарылади.
4. Хамма хосила бирликлар асосий ва күшімча бирликлардан келиб чықади.
5. Күч билан масса аник ажратылған.

SI тизимидаң ташқары бирликлар

SI тизимидаң ташқары бирликлар 4 хил бўллади:

1. SI тизими билан баробар ишлатилиши мүмкін бўлган бирликлар:

- а) Масса бирлиги — тонна;
- б) Ясси бурчак бирлиги — градус, минут, секунд;
- в) жаҳм бирлиги — литр;
- г) Вакт бирлиги — минут, кун, хафта, ой, йил, аср.

2. Максус соҳаларда ишлатиладиган бирликлар:

- а) кишлек хўялалигида майдон — гектар;
- б) Оптикада, оптик күчи бирлиги — диоптрия;
- в) Физикада энергия бирлиги — электронвольт (эВ);
- г) Электротехникада тўлиқ кувватнинг бирлиги — Вольт Ампер (ВА).

3. SI тизими билан вакътинча ишлатиш мүмкін:

- а) Кемалар катновида узунлик бирлиги — денгиз мили (миль) (1 миль=1852 м);
- б) кимматбаҳо тошлар учун масса бирлиги—Карат (кар)=0,2 г;
- в) Тўқимачилик саноатида чизикли зичлик - Текс (1 текс=г/км);

4. Ишлатишдан олиб ташланган бирликлар:

- а) кг/см² — босим=1 бар= 10^5 Па;
- б) мм симоб устуни=1,33 Па;
- в) мм сув устуни=9,8 Па;
- г) от кучи, кувват бирлиги=736 Вт;

Халқаро бирликлар тизимининг асосий, күшимида ва хосила бирликларининг келтирилган тарифлари қуидаги чадир:

метр - вакуумда ёргулукнинг $1/299792458$ сен ичидаги ўтиш йўлига тенг ўлчов ва тарозилар XVII Баш конференциясида 1983 йил қабул қилинган;

килограмм - оғирлик бирлиги бўлиб, халқаро килограмм прототипининг микдорига тенг (диаметри ва баландлиги 39 мм бўлган, цилиндр шаклидаги платина-иридийли котишасидан тайёрланган тошнинг массасига тенг). Ўлчов ва тарозилар III Баш конференциясида 1901 йил қабул қилинган;

2-жадвал

Т/р	Кўпайтирувчи	Олд кўшимча		
		Номи	Русча	Халқаро
1	10^{12}	тера	Т	Т
2	10^9	гига	Г	Г
3	10^6	мега	М	М
4	10^3	кило	к	к
5	10^2	гекта	г	х
6	10^1	дека	да	да
7	10^{-1}	дэци	д	д
8	10^{-2}	санти	с	с
9	10^{-3}	мили	м	м
10	10^{-6}	микро	мк	μ
11	10^{-9}	нано	н	н
12	10^{-12}	пико	п	П

секунда – цезий-133 атоми асосий ҳолатининг икки ўта юпка сатхлари орасидан бир-бираига ўтишига мувофиқ келадиган нурланишнинг 9192631770 даврига тенг. Ўлчов ва тарозилар XII Баш конференциясида 1965 йил қабул қилинган;

ампер - вакуумда бир-бираидан 1 м масофада жойлашган, чексиз узун ва ўта кичик кўндаланг кесимга эга икки параллел ўтказгишдан ток ўтганда ўтказгишнинг ҳар 1 м узунлигига $2 \cdot 10^7$ Н кучи ҳосил киладиган ўзгармас ток кучидир. Ўлчов ва тарозилар IX Баш конференциясида 1948 йил қабул қилинган;


кельвин - сувнинг учланма нуқтаси бўлиб, термодинамик ҳароратининг 1/273,16 улушига тенг. Ўлчов ва тарозилар XIII Баш конференциясида 1967 йил қабул қилинган;

моль - микдори 0,012 кг бўлган C^{12} углеродда қанча атом бўлса, ўз таркибида шунча тузилиш элементларидан ташкил топган тизимнинг модда микдоридир. Ўлчов ва тарозилар XIV Баш конференциясида 1971 йил қабул қилинган;

кандела - ёргулук манбасидан шу йўналишда $540 \cdot 10^{-12}$ ГС монократматик нурланиш чиқарадиган ёргулук кучи. Шунда ёргулукнинг энергетик кучи 1,683 Вт/стераудан бўлади. Ўлчов ва тарозилар XVI Баш конференциясида 1979 йил қабул қилинган.


Халқаро бирликлар тизимининг иккита күшимиңа бирликлари мавжуд: ясси ва фазовий бурчаклар.

Ясси бурчак - бирлиги радиан (рад.) бўлиб, айлананинг радиус узунлигига teng ёй хосил килувчи икки радиус орасидаги бурчак қимати. 1 радиан $57^0 17' 44,8''$ га teng;



$$\alpha = \frac{\ell}{r}$$

Фазовий бурчак - бирлиги стерадиан бўлиб, учи сфера марказида жойлашган ва сферанинг радиус квадратига teng юзали сиртни ажратувчи бурчак. 1 сп. – $65^0 32''$ га teng;



$$\Omega = \frac{S}{R^2}$$

Фазовий бурчак кўйидаги тенглама ёрдамида ифодаланилади:

$$\Omega = 2\pi(1 - \cos \frac{\alpha}{2}),$$

бу ерда; α - конус учи ва сфера ичидаги фазовий бурчак билан хосил бўлган ясси бурчак..

SI тизимидағи хосила бирликлар - физикавий катталиклар орасидаги боғликлекни ўрнатувчи конун асосида хосил бўлади. Бунинг учун асосий ва күшимиңа бирликлардан фойдаланилади. Масалан, тезлик бирлиги кўйидаги тенгламадан олинади;

$$V = \frac{\ell}{t},$$

бу ерда: V-тезлик; ℓ - узунлик, м; t- вақт, с.

Халқаро бирликлар тизимидағи мухим хосила катталик бирликларининг берилган таърифлари кўйидагичадир:

частота – 1 с да битта тўла тебранишнинг частотаси- герц;

куч – 1 кг микдорли жисмга 1 m/s^2 тезланиш берувчи куч (Н);

босим – 1Н кучнинг 1 m^2 юзага перпендикуляр таъсир килиши (паскаль);

энергия – 1Ж ишга эквивалент бўлган энергия (жоуль);

кувват – 1 с да 1.Ж иш бажарадиган двигателънинг қуввати (ватт);

электр заряди – 1 с вақт ичидаги 1 А токни хосил килувчи ўтказгичнинг кўндаланг кесимидаги ўтган электр заряди (кулон);

электр қаршилиги - учларидаги потенцияллар фарқи 1 В бўлганда ундан 1 А ўзгармас ток ўтгандаги ўтказгич қаршилиги (Ом);

электр кучланиши - ўтказгичдан 1 А ток ўтганда 1 Вт қувват ёжратган ўтказгич учларидаги потенциаллар фарқи (вольт);

электр сигими – 1 Кл заряд берганды потенциаллы 1 В ва ўзгарган ўтказгичнинг сигими (фарад);

ёргулук – 1 лм ёруғлик оқими тушган 1m^2 сиртнинг ёритилганилиги (Люкс);

магнит индукция оқими - магнит индукцияси 1 Тл бўлганда ва унинг йўналишига перпендикуляр жойлашган 1m^2 юзадан ўтаётган магнит оқими (вебер).

Фан ва техника соҳасида хисоблаш, ўлчаш ва шунга ўхшаш математик амалларни бажаришда катталикларнинг кийматлари сонлар билан ифодаланади. Хисоблаш осон ва қулай бўлиши учун кийматли ракамлар сонини қисқартириш мумкин. Бунинг учун Халқаро бирликлар тизимидағи кийматларни 10 сонига кўпайтириб, уларни тегишли мусбат ёки манфий даражага кўтариш натижасида бирликларни каррали ва улушки кийматлари хосил қилинади.

Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда физик ўлчов бирликлари, Халқаро бирлик тизими (SI) ўлчамларининг кўлланилиши рухсат этилади. Физик ўлчов бирликларининг номи, белгиланиши, уларнинг ёзилиш коидаси ва кўлланилиши Ўзстандарт Агентлигининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси томонидан тасдиқланади. Шу билан биргаликда Вазирлар Мажхамаси Халқаро бирликлар тизимига кирмаган бирликларнинг кўлланилишига рухсат беради.

Эталонларнинг яратилиш тартиби, тасдиқлаш, саклаш ва кўлланиши Ўзстандарт Агентлиги томонидан белгиланади.

1. Ўзбекистон Давлат метрологик хизмати ва давлат назорати.

2. Ўлчаш бирликларини таъминлаш тизими.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг асосий коидаларини, тузилиш хусусиятлари ва тузилмасини белгилайди ва ушбу тизимнинг меъёрий хужжатларининг асоси бўлиб хисобланади.

SI Халқаро бирликлар тизими 1965 йил 1 январдан тўқимачилик материалшунослигига тола ва илларнинг йўғонлигини (чизиқли зичлиги) ўлчаш учун қабул қилинди, яъни ГОСТ 10878-74 стандарти бўйича «текс» деб номланди.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Халқаро X-Бош конференцияси янги бирликларга қандай талабларни кўйди?

2. SI Халқаро бирликлар тизими качон қабул қилинган?

3. SI тизими бўйича қабул қилинган асосий ва кўшимча бирликлар нималардан иборат?

4. SI тизимининг афзаллиги нима?

5. SI тизимидан ташқари бирликларга нималар киради?

6. Метр бирлигининг таърифини келтиринг?

7. Килограмм бирлигини изоҳланг?

8. Ампер бирлиги тушунчасининг таърифини беринг?
9. Кандела бирлигининг таърифини беринг?
10. SI тизимидағи хосила бирликлар ҳакида маълумот беринг?.

Эслаб қолинг!

SI Халкаро бирликлар тизими, катталиклар, масса, ясси бурчак, ҳажм, вакт бирлиги, от кучи, кувват, метр, секунд, ампер, Кельвин, моль, кандела, SI тизимидағи хосила бирликлар.

Ўқув материаллари таъминоти

1. Крылова А.Н. Основы метрологии, стандартизации и сертификации. М.:Аудит, 1998, ЮНИТИ.
2. П.Р.Исматуллаев, З.Т.Тўхтамуродов, А.Х.Абдуллаев, Р.А.Сайдазова. Стандартлаштириш, метрология ва сертифиқатлаштиришга муқаддима. Ўқув кўлланмаси. Конструктор ИЧБ, Тошкент, 1995.
3. Шишкин И.Ф. Метрология, стандартизация и управление качеством. М.:Изд.Стандартов, 1990.
4. П.Р.Исматуллаев, А.Н.Максудов, А.Х.Абдуллаев, Б.М.Ахмедов, А.А.Аъзамов. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. «Ўзбекистон», Тошкент,2001.
5. Международные и региональные организации по стандартизации и качеству продукции. Справочник. М,:Изд.Стандартов,1990.
6. Шишкин И.Ф. Теоретическая метрология. М.: Изд.Стандартов, 1991.
7. О.Ш.Хакимов. Теоретическая метрология. Ташкент,ТДТУ,1996.
8. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
9. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.- «Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.

1.5. ЎЛЧАШ

Объектлар ҳакида ва бутун ер юзидан микдорий маълумотларни олиш факат ўлчаш йўли билан, яъни маҳсус техник воситалар ёрдамида аникланади. Шундай килиб, ўлчаш натижасида аникланган катталикин ўлчашда бирлик қиймати орқали ифодаланади. Ўлчаш йўли билан олинган қийматларни тўғри бўлиши учун унинг «ҳакиқий қиймати» олиниади. Амалиётда ўлчаш ишлари турлича фарқланади: вактнинг ўлчам қийматларига боғлиқлик характеристи, сонли қийматнинг олиниш усули, ўлчашнинг аник натижаларини аниклаш, ўлчаш воситаларини қўллаш бўйича олинган натижаларни кайта ишлаш, ишнинг мураккаблиги ва ўлчам қийматларининг хатолиги. Ҳозирги вактда метрологияда физик ўлчовларни аник ўлчаш учун маҳсус ўлчаш турлари қабул қилинган. Улар:

куйидагилардан иборатдир: статик ўлчаш – маълум вакт давомида ўлчанаётган киймат доимий қолади; динамик ўлчаш – маълум вакт давомида ўлчанаётган киймат ўзгариб боради. Масалан, статик ўлчаш бир хил босимда, динамик ўлчаш эса ўзгарувчан босимда бажарилади. Ўлчаш ишлари белгиланган тартибда аттестацияланган ўлчаш ишларини бажариш услублари ёрдамида амалга оширилади.

Ўлчаш ишлари асосан ўлчаш воситалари ёрдамида амалга оширилади. Ўлчаш воситалари кўлланилиши бўйича ўлчашлар, қайта ўзгарувчан ўлчашлар, ўлчаш асбоблари, ўлчаш курилмалари ва ўлчаш тизимларига бўлиниади.

Ўлчанаётган катталик «Q»нинг сон микдори «A» куйидаги формула билан аникланади:

$$A = \frac{Q}{U}$$

бу ерда: Q-ўлчанаётган катталик;

U-катталиknинг бирлиги.

Ўлчашнинг бир қанча таърифлари мавжуд бўлиб, уларга куйидагилар киради:

«**Ўлчаш**» –синов йўли билан асбоб-ускуналар ёрдамида физик катталикларни аниклашдир;

«**Ўлчашлар**» – асосан бир кўринишили ва кўп кўринишиларга бўлиниади. Физик ўлчов бирликлари факатгина бир ўлчовга акс эттирилса, унда бир кўринишили ўлчаш дейилади. Мисол учун: турли оғирликдаги тошлар;

«**Мутлақ ўлчаш**»– бир ёки бир неча асосий катталикларни бевосита ўлчашларга ва доимийлик кийматларини кўллашга асосланган ўлчаш;

«**Нисбий ўлчаш**»– катталиknинг бирлик вазифасини бажарувчи номдош катталика кисбатини ёки катталикини бошлангич деб кабул килинган номдош катталика кисбатан ўзгаришини ўлчаш;

«**Ўлчашлар мажмуи**»– бир неча номдош катталикларни бир вактда ўтказиладиган ўлчашлар, бунда катталикларнинг изланяётган кийматлари бу катталикларининг турли бирикмаларини ўлчашда олинадиган тенгламалар тизимини очиш йўли билан аникланади.

«**Ўлчаш объекти**»– бир ёки бир нечта ўлчанадиган катталиклар билан тавсифланадиган жисм (тизим, жараён, ходиса).

«**Ўлчаш соҳаси**»– фан ва техниканинг бирор соҳасига хос ва ўзининг хусусиятлари билан ажralиб турадиган катталикларни ўлчашлар мажмуи.

«**Ўлчаш тури**»– ўлчашлар соҳасининг ўзига хос хусусиятларга эга ва ўлчанадиган катталикларнинг бир жинслиги билан ажralиб турадиган кисми.

«**Ўлчаш усули**»– ўлчашлардан фойдаланиб, ўлчанадиган катталикинунинг бирлиги билан солиштириш усули ёки усуллари мажмуи.

«**Катталик**» деб сифат томонидан кўпгина физиковий объекtlарга (жараён, тизим) нисбатан умумий бўлиб, микдор томонидан хар бир объект учун хусусий бўлган хоссадир. Масалан: масса катталигини олсак, у барча

нарсаларда (дафтар, қалам, одам ва бошқалар) мавжуд, лекин уларнинг массаси ҳар хил.

«Асосий катталиқ»-шартли равишида тизимдаги бошқа катталикларга нисбатан мустакил қабул қилиниб олинган катталиқ. Масалан: узунлик, вакт, масса ва ҳоказо.

«Хосилавий катталиқ»-тизимга кирадиган ва тизимнинг бир қанча асосий катталиклари орқали таърифланадиган катталиқка айтилади. Масалан: тезлик, босим, куч, кувват ва бошқалар.

«Катталикнинг бирлиги»- сон қиймати 1 га teng бўлган катталиқ. Масалан: 1 м, 1 ампер, 1 кг ва бошқалар.

Ҳозирги пайтда республикамиздаги ўлчаш өситаларида 200 дан оптиқ катталикларни ўлчаш мумкин.

1.5.1. Ўлчаш соҳалари

Асосий ўлчаш соҳаларига куйидагилар киради:

1. Геометрик катталиклар -бурчак, узунлик, юза, ҳажм ва ҳоказоларни ўлчаш;
2. Механик катталиклар -масса, куч, мустаҳкамлик, чўзилиш, босим ва ҳоказоларни ўлчаш;
3. Моддаларнинг оқими, ҳажми, сатҳи ва ҳоказоларни ўлчаш;
4. Физик-кимёвий -газ, суюклик зичлиги, ёпишкоқлик, жисмларнинг намлиги ва ҳоказоларни ўлчаш;
5. Иссиклик -харорат, иссиклик ва ҳоказоларни ўлчаш;
6. Вакт, частотани ўлчаш;
7. Электр ва магнит катталиклари -ток кучи, кучланиш, кувват, электр каршилиги, магнит майдонини ва ҳоказоларни ўлчаш;
8. Радиоэлектрон -сигналларни ўлчаш;
9. Акустик катталиклар -ҳаво, газ, сув ва қаттиқ жисмларда, шовқин даражаси ва ҳоказоларни ўлчаш;
10. Оптиқ катталиклар-материалларнинг оптиқ ҳусусиятлари (оклиги, тиникилиги, ранги, ялтироқлиги) ни ўлчаш;
11. Ионли нурланишни ва ядер доимийликларини ўлчаш, ионли нурланишнинг дозиметрик кўрсаткичлари, ионли нурланишнинг спектрал кўрсаткичлари, радионуклидларнинг фаоллигини ўлчаш.

1.5.2. Ўлчашнинг турлари ва усуслари

Ўлчашнинг икки хил тури мавжуд:

1. Лабораториявий ўлчаш.
2. Техник ўлчаш.

«Лабораториявий ўлчаш»-аниқ бўлади ва ўлчашнинг хатолиги аникланади ва хисобга олинади. Бу ўлчаш илмий-тадқикот ишларида кўлланилади.

«Техник ўлчаш»-бу ўлчашда асбоб ҳатоси аникланмайди, аммо асбоблар тасдиқланган хатолик чегарасида ишлатилади. Ишлаб чиқариш

шароитида хом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг кўрсаткичлари техник ўлчаш ёрдамида аниқланади.

Ўлчанаётган катталиктинг сон қиймати куйидаги ўлчаш усуслари билан аниқланади:

Бир каррали ўлчаш- бир маротаба бажарилган ўлчаш. Масалан: вақт, савдода маҳсулот массаси ёки ҳажмини ўлчаш.

Кўп каррали ўлчаш-бир каррали ўлчашнинг «п» баробар таҳорланиши. Масалан: илпартининг мустаҳкамлигини аниқлаш:

Статик ўлчаш-ўлчаш вақти давомида катталик ўзгармайди деб кабул қилинган катталиктин ўлчаш. Масалан: меъёрий ҳароратда узунлик, ер юзасини ва ҳоказоларни ўлчаш.

Динамик ўлчаш-ўлчамлари ўзгарувчан катталиктин ўлчаш, яъни ўлчанаётган катталик вақт давомида ўзгариб туради. Масалан: ўзгарувчан босимни ўлчаш, ҳақиқатдан олганда барча катталиклар вақт ичидагина бўлса ҳам ўзгаришлар таъсирида бўлади. Агар жуда ҳам сезигир асбоблар билан катталик ўлчанса, фаркни аниқлаш мумкин. Шунинг учун статик ва динамик ўлчашларга шартли равишда ажратилади.

Бевосита ўлчаш-олинаётган катталиктинг қиймати бевосита ўлчаш йўли билан олинади. Масалан: чизигич ёрдамида узунликни ва тарози ёрдамида массаси ўлчаш.

Билвосита ўлчаш-излангаётган катталик билан функционал боғланган бошка катталикларни бевосита ўлчаш орқали аниқлаш. Масалан: цилиндрдаги жисмнинг ҳажмий массаси-зичлиги ($\text{мг}/\text{мм}^3$)ни аниқлаш бўлиб, бунда жисмнинг массаси ва цилиндрнинг ўлчамларини ўлчаш керак.

Таққослаш усули-ўлчов бирлигини таққослаш усули бўлиб, маълум катталиктин ўлчаш учун ўлчов катталиги мавжуд. Ўлчанадиган катталик ўша ўлчов катталиги билан таққосланади. Масалан: қадоқ тошлар ёрдамида масса аниқланади.

Нолга келтириб ўлчаш-ўлчанаётган катталик таққослаш асбобини нолга келтириш билан аниқланади. Масалан: электровлагомерда намликтин аниқлаш, ПО-2 асбобида каноп намунасини тайёрлаш.

Дифференциал усул-бу усул айирмали усул деб айтилади. Бунда ўлчанадиган катталик маълум катталик ўртасидаги айрма билан аниқланади.

Контактли ўлчаш усули-асбобнинг сезигир элементи ўлчаш обьектига (жисмга) тегизиб ўлчаш усули. Масалан: диаметр, узунлик ва ҳароратни ўлчаш.

Контактсиз ўлчаш-ўлчаш асбобининг сезигир элементи обьектга тегизмасдан ўлчаш. Масалан: масофани радиолакатор билан ўлчаш.

1.5.3. Ўлчаш воситаларининг конструктив тузилиши

Ҳозирги вақтда республикамиз саноат корхоналарида жуда кўп асбоб-ускуналар мавжуддир. Шу сабабли олингаётган ўлчов қийматларини камрок хатолик билан ҳосил бўлишини амалга оширмокчи бўлсак, эски асбоб-ускуналар ўрнига корхоналарни хорижий давлатларнинг замонавий типдаги

асбоб-ускуналари билан таъминлаш зарур: Ҳар қандай ўлчаш асбобларида ишлашдан олдин, биринчи навбатда унинг тузилиши, хўжжати ва ишлаш услуги билан танишиб чикиш керак бўлади. Булар маҳсус стандартларда ва йўрикномаларда кўрсатилган.

Ўлчаш воситалари хусусиятлари бўйича куйидаги турларга бўлинади:

I. Ўлчаш воситалари метрологик мақсадлар бўйича З ҳил бўладилар:

1) Этalon ўлчов, этalon асбоблар-булар бирламчи эталонлар деб аталади. Бу эталонлар давлат ва ҳалқаро миқёсда сакланади.

2) Намунавий ўлчов, намунавий асбоблар-булар иккиламчи эталонлар деб аталади. Бу бирламчи эталонлар билан солиштирилади ва ишчи ўлчаш воситаларига узатилади.

3) Ишчи ўлчов, ишчи асбоблар бевосита амалий ишларда ишлатилади.

II. Ўлчаш воситаларининг конструктив тузилиши.

Ўлчаш воситаларининг конструктив тузилиши 4 ҳил бўлади:

1) Ўлчаш асбоблари.

2) Ўлчаш ускуналари.

3) Ўлчаш тизими.

4) Ўлчаш мажмуаси.

Ўлчаш ишлари асосан асбоб-ускуналар ёрдамида амалга оширилади ва улар куйидаги турларга бўлинади:

1. Кўрсатувчи асбоблар – катталикларни ўлчаш вактида натижалар шкаланинг кўрсатишидан олинади. Масалан, узиш машиналари, термометрлар, торцион тарози ва ҳоказо.

2. Солишиширувчи асбоблар – синов йўли билан олинган натижаларни ўлчов ёки этalon билан солишириш натижасида хосил килинади. Масалан, тарозиларда қадоклаш билан массани аниклаш.

3. Ўзиёзар асбоблар - ўлчанаётган катталикин автоматик равишда харакатдаги тасмага ёзib туради. Масалан, термограф, гигрограф, кардиаграмма ва ҳоказо.

4. Йиғувчи асбоблар - вакт давомида ўлчанаётган катталикларни жамлаб кўрсатади. Масалан, газламаларнинг сув, ҳаво ўтказувчанлиги ва ҳоказо.

5. Бошқарув асбоблари – технологик жараёнда ўрнатилган катталикин автоматик равишда бошқариб туради. Масалан, куритиш ускунаси АК-2 ҳароратни $105\pm2^{\circ}\text{C}$ да бошқаради.

Ўлчаш ускуналари-бир жойда жойлашган бир канча катталикларни ўлчаш. Масалан: электротехник материалларнинг солишишим қаршилигини - ўлчайдиган ёки пахта толасининг узунлигини аниклашда ишлатиладиган ускуналардир.

Ўлчаш тизими-ишлатилиш мақсади бўйича 3 ҳил бўлади:

а) хабар берувчи ўлчаш тизими;

б) назорат килувчи ўлчаш тизими;

в) бошқарувчи ўлчаш тизими.

Үлчаш мајсмуаси-асосий ва ёрдамчи үлчаш воситалари ва ЭХМ билан «үлчаш, ахборот бериш тизимида» аник масаланы бажаради.

III. Үлчаш воситаларининг автоматлаштирилган даражаси.

Үлчаш воситалари автоматлаштирилганлик даражаси бўйича 3° хил. бўлади:

1) Автоматлаштирилмаган үлчаш воситалари-оддий үлчаш асбоблари. Масалан: ипнинг мустаҳкамлигини РМ-3 асбобида, ипнинг буралиши КУ-500 асбобида аниқлаш ва ҳоказо.

2) Автоматлаштирилган үлчаш воситалари-үлчаш жараёнининг бир кисми автоматлаштирилган. Масалан: куритиш ускунаси АК-2, бунда ҳарорат автоматик равиша куритиш режаси сақланиб туради.

3) Автоматик үлчаш-үлчаш жараёнининг барчаси автоматлаштирилган. Масалан: «Устер» асбобида ипларнинг нотекислиги, мустаҳкамлиги ва узайишини үлчаш.

IV. Үлчаш воситаларини стандартлаштириш даражаси.

Үлчаш воситалари стандартлаштириш даражаси бўйича икки хил бўлади:

1) Стандартлаштирилган үлчов воситалари-давлат ёки тармок стандартининг талаби бўйича ишлаб чиқарилган үлчаш воситалари.

2) Стандартлаштирилмаган үлчов воситалари-бунда маҳсус масалани ечиш учун ишлатиладиган ноёб үлчаш ускуналари, уларни стандартлаштиришга эҳтиёж йўқ. Бундай асбоблар давлат синовидан ўтмайди, фақатгина метрологик аттестация қилинади.

Үлчаш воситалари үлчанаётган физикавий катталикларга қараб асосий үлчаш воситалари ва ёрдамчи үлчаш воситаларига бўлинади. Масалан: пахта толасининг узунлигини аниқлашда Жуков асбоби асосий бўлса, №1 ва №2 қисқичлар, тарози, В.Е.Зотиков хисоблаш доираси ёрдамчи үлчаш воситаларига киради.

Үлчашнинг учта аксиомаси мавжуд:

1-аксиома-дастлабки маълумотсиз үлчашни бажариб бўлмайди;

2-аксиома-ҳар қандай үлчаш такқослаш демакдир;

3-аксиома-үлчаш амалидан олинган натижга тасодифийдир.

Аник үлчов қиймати үлчаш ишларидаги ҳақиқий қиймат дейилади. Үлчаш систематик хатолик орқали, ахборот минимумига тасодифий бўлган кўрсаткичлар хатолиги бўйича ҳақиқий үлчамдаги қиймат олинади. Ҳақиқий қийматни аниқлашдаги хатоликка үлчашдаги хатолик хусусияти дейилади. Кўрсатилган үлчашдаги қийматларга, чегаранланган фарки билан ҳақиқий үлчашдаги қиймат тенг бўлиши керак; бунга меъёрий үлчашдаги қиймат дейилади. Бу икки меъёрий ва ҳақиқий қийматларнинг бир-биридан фарки тайёрланиши шароити ва кўлланилишидадир.

Үлчаш ўзининг хатолигини зътиборга олган ҳолда бир канча разрядларга бўлинади (үлчаш 1,2 ва юқори) ва унинг асосий синфларга бўлинганлигига үлчаш хатолиги дейилади. Үлчаш асбобларини текшириш ишларида разрядлар берилади ва бунга намунали текшириш дейилади.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Ўлчаш ва ўлчашлар тушунчасини изохланг?
2. Ўлчаш катталикларининг таърифларини келтиринг?
3. Ўлчашлар мажмуйига таъриф беринг?
4. Ўлчаш соҳаларига нималар киради?
5. Ўлчаш турлари ҳакида маълумот беринг?
6. Статик ва динамик ўлчаш нима дегани?
7. Таккослаш усулини изохланг ва мисол келтиринг?
8. Ўлчаш воситаларининг конструктив тузилиши?
9. Нолга-келтириб ўлчаш. Мисол келтиринг.
- 10.Дифференциал усул. Мисол келтиринг?
11. Ўлчаш ускуналари деганда нималарни тушунасиз?
12. Ўлчаш воситаларининг автоматлаштирилган даражаси. Мисол келтиринг.
13. Ўлчаш воситаларининг стандартлаштириш даражаси нима?
14. Ўлчаш аксиомалари кандай?

Эслаб қолинг!

Статик, динамик, ўлчаш, ўлчашлар, нисбий ўлчаш, бевосита ўлчаш, ўлчашлар мажмуи, ўлчаш обьекти, ўлчаш соҳаси, ўлчаш тури, катталик, таккослаш усули, нолга келтириб ўлчаш, дифференциал усул, контактли ва kontaktсиз усул, даража, аксиома.

Ўкув материаллари таъминоти

1. Крылова А.Н. Основы метрологии, стандартизации и сертификации. М.:Аудит, 1998, ЮНИТИ.
2. П.Р.Исматуллаев, З.Т.Тўхтамуродов, А.Х.Абдуллаев, Р.А.Сайдазова. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришга мұқаддима. Ўкув кўлланмаси. Конструктор ИЧБ, Тошкент, 1995.
3. П.Р.Исматуллаев, А.Н.Максудов, А.Х.Абдуллаев, Б.М.Ахмедов, А.А.Аззамов. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. «Ўзбекистон», Тошкент,2001.
4. Шишкин И.Ф. Теоретическая метрология. М,: Изд.Стандартов, 1991.
5. О.Ш.Хакимов. Теоретическая метрология. Ташкент,ТДТУ,1996.
6. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.

1.6. ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МЕТРОЛОГИК ХУСУСИЯТИ

Тўқимачилик ва енгил саноат соҳасидаги синаш асбобларининг асосий метрологик кўрсаткичларига уларнинг шкаласи, асбобнинг хатоликлари, аниқлиги ва сезгирилги киради.


Хар бир ўлчаш асбобларидан фойдаланишдан аввал уларнинг метрологик кўрсаткичларни, яъни уларнинг шкала бўлимлари кийматини, ўлчаш чегарасини, ўлчаш хатосини ва ундан фойдаланиш услубини аниклаб олиш керак.

Асбобнинг ўлчанган натижаларни кўрсатувчи кисмини шкала деб аталади.


Шкалалар тузилиши бўйича ҳар хил белгиланади: чизикча, нукта, штрих, рақам ва х.к.

Шкаладаги иккита бўлим орасидаги узунлик (а) шкаланинг бўлим киймати (C)ни беради, яъни $a=C$ бўлади.


Асбобнинг шкала бўлимлари ўлчанган натижаларни олишга қулай бўлиши керак. Асбобларда шкала чизиклари узунлиги, йўғонлиги бўйича ҳар хил бўлади.



а




б



в



г



д

а — агар ўқиш майдони кичик бўлса, қулай;

б — нокулай шкала;


в — кўп тарқалган;

г - қулай шкала;

д - чизиклари йўғон, аниқлиги кичик.


Асбоб шкаласидан олинган натижаки асбобнинг мили бўйича ўқилади.

Асбоб миллининг қалинлиги шкала бўлимлар орасидаги масофадан кичик бўлиши керак, акс холда ўлчаш хатоси катта бўлади. Шкала устидаги миллинг ҳолати олинадиган натижанинг аниқлигига таъсир килади.



Милнинг 1-кўринишида натижага аниклиги ўртача, 2-кўринишида яхши, 3-кўринишида ёмон бўлади.

Шкаладан натижани ўкишда милнинг тўғрисидан қараш керак. Агар ён томонларидан ўқилса, натижага нотўғри бўлади. Бу ҳодисани ўлчашдаги «параллакс» деб аталади.



Ўлчаш натижасида доимо хатоликлар бўлади. Ўлчаш хатоликлари кўйидагича табақаланади:

1) Ўлчаш хатоликлари ўлчаш шароитига кўра икки хил бўлади:

а) Статик хатоликлар – статик ўлчаш шароитларига хос бўлган ўлчашлар натижасининг хатолиги;

б) Динамик хатоликлар – динамик ўлчаш шароитларига хос бўлган ўлчашлар натижасининг хатолиги.

2) Ўлчаш хатоликлари келиб чикиши бўйича икки хил бўлади:

а) асосий хатоликлар;

б) кўшимча хатоликлар.

Нормал шароитда ишлайдиган асбобларда хосил бўладиган хатолик асосий хатолик дейилади.

Нормал шароит ГОСТ 10681-75 бўйича лабораториядаги ҳарорат $t=20\pm2^{\circ}\text{C}$, нисбий намлик $w=65\pm2\%$ бўлиши керак.

Кўшимча хатолик — нормал шароитдан фарқли бўлган шароитда катталиктни ўлчашдан хосил бўладиган хатоликдир.

3) Ўлчаш хатоликлари ифодаланишига қараб, икки хил бўлади:

а) Мутлоқ хатолик;

б) Нисбий хатолик.

а) Мутлоқ хатолик ўлчанаётган катталик бирлиги билан ифодаланади.

$$a_s = A - A_v$$

бу ерда: a_s - ҳақиқий мутлоқ хатолик;

A - ўлчаш натижаси;

A_x — катталиктининг ҳақиқий киймати.

б) Нисбий хатолик — мутлук хатоликнинг катталиктининг ҳақиқий кийматига нисбати билан хисобланади:

$$\delta_x = \frac{A_x - A_r}{A_r} \cdot 100 = \frac{A - A_r}{A_r} \cdot 100\%;$$

4) Ўлчашнинг натижасига таъсир этадиган хатоликлар 3 хил бўлади:

- а) Мунтазам хатоликлар;
- б) Тасодифий хатоликлар;
- в) Кўпол хатоликлар.

Мунтазам хатоликлар ўлчанаётган катталикка вакт ичидаги бир хилда таъсир килади. Мунтазам хатоликлар услубий, асбобий ёки субъектив бўлиши мумкин.

Ўлчаш усулини назарий жиҳатдан аник асосланмаганлиги натижасида услубий хатолик келиб чиқади.

Ўлчаш асбобларйнинг конструктив камчиликлари туфайли келиб чиқадиган хатолик асбобий хатолик деб аталади.

Субъектив хатоликлар синов ишларини олиб борувчи шахснинг айби билан чиқадиган хатоликлар.

Тасодифий хатоликлар хисобга олиб бўлмайдиган ҳар хил омиллар таъсирида ҳосил бўлади. Бу хатоликларни такрорий тажриба билан аникланади.

Кўпол хатоликлар — кузатувчининг нотўғри ёзиши, хисоблаши ва асбобнинг нотўғри ишлашидан ҳосил бўлади.

Кўпол хатолар олинган нитижалар ичидаги яққол кўринади.

Уларни маҳсус формуласалар билан нормаллиги ёки нононормаллиги текширилади.

Синов натижасида олинган энг катта кўрсаткич қўйидаги формула билан текширилади.

$$U_1 = \frac{M_{\max} - \bar{M}}{\sigma}$$

бу ерда: M_{\max} - катта кўрсаткич; \bar{M} - ўрта арифметик кўрсаткич; σ - ўрта квадрат оғиш миқдори.

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (M_i - \bar{M})^2}{n-1}}$$

Синов натижасида олинган энг кичик кўрсаткич қўйидаги формула билан текширилади.

$$U_2 = \frac{\bar{M} - M_{\min}}{\sigma}$$

бу ерда: M_{\min} - энг кичик кўрсаткич.

Агар U_1 ва U_2 жадвалда бериладиган «U» коэффициентидан (95 фоиз эҳтимолликда тажриба сонига нисбатан олинади) катта бўлса, у холда U_1 ва U_2 кўрсаткичлари нононормал деб хисобланади ва уларни умумий

күрсаткычлардан олиб ташланади, натижә қолған күрсаткычлар бүйича аникланади.

«U» міндерининг « \hat{U} » га нисбатан ўзгариши (эхтимоллык коэффициенти $\beta=0,05$).

n	3	5	10	15	20	25
U	1,41	1,87	2,29	2,49	2,62	2,72

1.6.1. АСБОБЛАРНИНГ ВА ЎЛЧАШНИНГ АНИКЛИГИ

Асбобларнинг ва ўлчашларнинг түгри ўлчанғаллыги нафакат нисбий хатолик билан аникланади, балки уларнинг аниклик күрсаткычи билан ҳам ифодалаш мумкин.

Аниклик күрсаткычи күйидаги формула билан топилади:

$$T_x = \frac{1}{\delta_x} = \frac{A_x}{a_x 100},$$

бу ерда: A_x -хәкүккүй ўлчанаётган қыймат;

a_x - мұтлоқ ҳәкүккүй хатолик.


ГОСТ 798-74 билан аниклик күрсаткычи «T» бүйича аниклик синфи топилади.

Аниклик синфи 0-5 гача ўзгаради. Энг паст аниклик синфи $T=0$ теңг. Энг юкори аниклик синфи эса $T=5,0$ теңг бўлади.

Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш жараёнларни назорат қилувчи асбобларнинг аниклик синфи 0,5; 1,0; 1,5 бўлиши мумкин.

Асбобларнинг сезирлиги

Ўлчанаётган катталик (A) ни маълум кичик міндор (ΔL)га силжишига асбобнинг сезирлиги деб аталади. Силжиш-бурчак ёки чизик бўйича аникланади.



Чизик бўйича сезирлик –

$$S = \frac{\Delta L}{\Delta A} \left[\frac{\text{мм}}{\text{бүрл}} \right] \quad (1)$$

ёки бурчак бўйича сезирлик –

$$S = \frac{\Delta \alpha}{\Delta A} \left[\frac{\text{град}}{\text{бүрл}} \right] \quad (2)$$

$\Delta \alpha$ -бурчак, град.

Формула (1), (2) дан мәлүмки, агар ўлчанаётган күттәлик кичик микдорда, милицинг силжиши күттә бўлса, асбобнинг сезирлиги юкори бўлади.


Асбобларнинг сезирлиги уларнинг хатолиги билан боғлик. Агар асбобнинг сезирлиги кичик бўлса, унда асбобнинг хатолиги күттә бўлади.

Ўлчашнотижалари бўйича график чизилади (4):

1) Асбобнинг ва ўлчашнинг мутлоқ хатоликлари;


2) Асбобнинг ва ўлчашнинг нисбий хатоликлари.

1) Асбобнинг ва ўлчашнинг мутлоқ хатоликлари:



$a_n = C$ — асбобда берилган номинал хатолик; a_x — ўлчаш билан топилган ҳакиқий хатолик.

2) Асбобнинг ва ўлчашнинг нисбий хатоликлари:



δ_n — асбобнинг нисбий хатолиги, фоиз

$$\delta_n = \frac{a_n}{A_n} \cdot 100 = \frac{C}{A_n} \cdot 100$$

бу ерда: C - шкалаларнинг бўлим қиймати;

A_n -номинал катталик, асбоб шкаласидан олинади.

Ўлчашнинг нисбий хатолиги, фоиздаги формула ёрдамида аникланади.

$$\delta_x = \frac{a_x}{A_x} \cdot 100$$

Асбобларда ўлчаш сифатини баҳолаш учун проф. А.В.Леонтович куйидаги мезонларни тавсия этади.

Агар нисбий хатолик

$\delta_x \leq 1$ фоиз бўлса, ўлчаш сифати — яхши.

$\delta_x = 1 \div 5$ фоиз бўлса — ўртacha.

$\delta_x \geq 5$ фоиз дайн катта бўлса, ўлчаш сифати паст.

Лаборатория асбобларида ўлчаш нисбий хатолиги $\delta_x = 1 \div 5$ фоизгача бўлиши керак.

Техник ўлчовларда $\delta_x = 5 \div 10$ фоизгача рухсат этилади.

1.6.2. ЎЛЧАШ БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

Ўлчаш бирлигини таъминлашдаги конунлаштирилган асосий ишлар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Метрология хакидаги» ва 2000 йил 26 майдаги «Қўшимча киритиш ва ўзгартириш» хакидаги қабул килинган конунларида батафсил келтирилган.

Ўлчаш бирлигини таъминлаш бўйича асосий илмий ишлар метрология - ўлчаш хакидаги фан хисобланиб, замонавий метрология ўзига учта асосий бўлимларни бириктиради:

- **назарий метрология** бўлими, метрологиянинг фундаментал асосларини ишлаб чиқади;

- **конунлаштирилувчи метрология** бўлими, давлат талаблари таркибига боғлик бирликлар, ўлчаш услублари, ўлчаш воситалари, ўлчаш лабораториялари ва метрология бўйича миллий идора фаолиятига боғлик бўлади;

- **амалий метрология** бўлими, назарий метрологияни яратиш ва конунлаштирилувчи метрология ҳолатларини амалий қўллаш масалаларини ўрганади.

Республикада ягона бирликларни қўллаш мулкчиликнинг қандай шакли бўлишидан қатъий назар мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасида ўлчаш бирлигини таъминлаш тизими (ЎБТТ) O'zDst 8.001-98 давлат стандартида батафсил келтирилган ва белгиланган.

Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг техник асослари куидагичадир:

- ўлчов бирликларини саклаш ва қўллаш учун миллий эталонлар комплекси;

- ўлчаш воситаларини қўллашдаги белгиланган конун тизими ва ўлчашни бажаришдаги услугуб;

- ўлчаш воситаларига таълукли бўлган барча эталонлардан бирлик ўлчамларини узатиш тизими.

Республикадаги барча метрологик хизмат ишлари метрология бўйича Миллий идора - Ўзстандарт Агентлиги томонидан амалга оширилади.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Тўқимачилик ва енгил саноатда синаш асбобларининг асосий метрологик кўрсаткичларига нималар киради?

2. Ўлчаш хатоликлари неча хил бўлади? Мисол келтиринг.

3. Ўлчаш хатоликларининг келиб чиқиши хакида маълумот беринг.

4. Субъектив хатолик қандай ҳосил бўлади?
5. Тасодифий хатолик қандай келиб чикади?
6. Қўпол хатолик деганда нимани тушунасиз?
7. Ўлчаш аниқлигини изоҳлаб беринг.
8. Асбонинг сезигирлиги деганда нимани тушунасиз?
9. Проф. А.В.Леонтовичнинг асбобларда ўлчаш сифатини баҳолашдаги мезонлари қандай?

Эслаб қолинг!

Хатолик, статик ва динамик хатолик, шкала, субъектив хатолик, тасодифий хатолик, қўпол хатолик, ўлчаш аниқлиги; асбоб сезигирлиги, нисбий хатолик, мезон, назарий метрология, конунлаштирилган метрология, амалий метрология.

Ўқув материаллари таъминоти

1. П.Р.Исматуллаев, З.Т.Тўхтамуродов, А.Х.Абдуллаев, Р.А.Сайдазова. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришга муқаддима. Ўқув кўлланмаси. Конструктор ИЧБ, Тошкент, 1995.
2. Шишкин И.Ф. Метрология, стандартизация и управление качеством. М.:Изд.Стандартов, 1990.
3. П.Р.Исматуллаев, А.Н.Максудов, А.Х.Абдуллаев, Б.М.Ахмедов, А.А.Аъзамов. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. «Ўзбекистон», Тошкент,2001.
4. Шишкин И.Ф. Теоретическая метрология. М.: Изд.Стандартов, 1991.
5. О.Ш.Хакимов. Теоретическая метрология. Ташкент,ТДТУ,1996.
6. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
7. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.

II-КИСМ. СТАНДАРТЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

2.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг СТАНДАРТЛАШТИРИШ ДАВЛАТ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизимининг асосий конун-коидалари O'zDst 1.0-99 стандартида батафсил келтирилган.

Ҳар бир стандартда стандартлаштиришнинг асосий вазифа ва мақсади, стандартлаштириш ишларининг ташкил этилиши ва асосий конун-коидалари, меъёрий хужжатларнинг тоифаси, стандарт турлари, ҳалқаро ҳамкорлик бўйича асосий коидалар, стандарт ва техникавий шартларнинг кўлланилиши, стандартларга ва ўлчов воситаларига нисбатан давлат назорати белгиланади.

Бу стандартлаштириш давлат тизимининг стандарт коидалари барча давлат, жамоа, акционерлик, қўшма ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлар, концернлар, уюшмалар, акционер жамиятлари ва бошка бирлашмалар томонидан, уларнинг идоравий мансублиги ва мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси вазирларлари ва давлат бошқаришнинг бошқа идоралари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган фуқаролар томонидан бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўлланилиши шарт.

Стандартлаштириши - мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан тартиблаштиришга йўналтирилган илмий-техникавий фаолият.

Меъёрий хужжасат - ҳар хил фаолият турлари ва унинг натижаларига дахлдор коидалар, умумий конун-коидалар ёки тавсифларни ўзида камраб олган хужжатdir.

Стандарт – кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви асосида ишлаб чиқилган ва маълум соҳаларда энг мақбул дараҷали тартиблаштиришга йўналтирилган, фаолиятининг ҳар хил турларига ёки натижаларига тегишли бўлган умумий ва такрор кўллаш учун коидалар, тавсифлар, талаблар ва усууллар белгиланган ва тан олинган идора томонидан тасдикланган хужжат.

Ҳар бир яратилган стандартлар фан, техника ва тажрибаларнинг умумлаштирилган натижаларига асосланиши ва жамият учун юкори дараражадаги фойдага эришишга йўналтирилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Давлат стандарти (O'zDst)-стандартлаштириш бўйича давлат идораси ёки бошка тегишли хукукга эга бўлган республика идораси Ўзстандарт Агентлиги томонидан тасдикланган стандарт.

Техникавий шартлар -буортмачи билан келишилган ҳолда ишлаб чиқарувчи томонидан ёки буортмачи ва ишлаб чиқарувчи билан биргаликда ёки буортмачи билан тасдикланган, муайян маҳсулотга (хизматга) бўлган техникавий талабларни белгиловчи меъёрий хужжат.

Маҳсулотга техникавий хужжатлар тўплами ишлаб чиқилаётганда техникавий шартлар шу тўпламнинг ажралмас кисми хисобланади.

Корхона стандартти (KS)- маҳсулотга, хизматга ёки жараёнга корхонанинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва унинг томонидан тасдиқланган стандартдир.

Стандартлар мажсуми - ўзаро боғланган стандартлаштириш обьектларига келишилган талабларни белгиловчи ва маълум илмий-техникавий ёки ижтимоий иқтисодий муаммолари ечимини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашга қаратилган, умумий мақсад билан бирлашган ва ўзаро боғланган стандартлар тўплами.

Халқаро стандарт - стандартлаштириш билан шуғулланадиган халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доирасига яроқли бўлган стандарт..

Минтақавий стандарт - стандартлаштириш билан шуғулланадиган минтақавий ташкилот қабул қилинган ва истеъмолчиларнинг кенг доирасига яроқли бўлган стандарт.

Миллий стандарт - стандартлаштириш билан шуғулланувчи миллий идора томонидан қабул қилинган на истеъмолчиларнинг кенг доирасига яроқли бўлган стандарт.

Халқаро, минтақавий ёки чет мамлакатнинг миллий стандарти тўғридан-тўғри кўлланилиши O'zDst 1.7-2002 стандартига биноан амалга оширилади.

Ўйғунлаштирилган стандартлар – маҳсулот, жараён ва хизматларнинг ўзаро алмашинувчалиги ва тақдим этилган ахборотни ёки синаш натижаларини ўзаро тан олишни таъминлайдиган стандартлаштириш билан шуғулланувчи турли идоралар билан биргаликда қабул қилинган ва бир хил обьектларга тегишли бўлган стандартлар.

Бирхиллаштирилган стандартлар – мазмунан ўхшаш, аммо тақдим этилиши шакли жиҳатидан бошқача ўйғунлашган стандартлардир.

Бирхиллаштириши - муайян эҳтиёжни кондириш учун зарур бўлган энг мақбул ўйчамлар сонини ёки маҳсулот, жараён ва хизмат турларини танлаш.

Стандартлаштириши объекти – стандартлаштирилдиган нарса (маҳсулот, жараён, хизмат).

Стандартлаштириши соҳаси - ўзаро боғланган стандартлаштириш обьектлари мажмуидир.

Хавфсизлик - зарар етказиши мумкин бўлган ножӯя хавф-хатарнинг йўклигидир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиши - атроф-муҳитни маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларнинг нокулай таъсиридан химоя қилиш демакдир.

Маҳсулотни ҳимоя қилиши – маҳсулотдан фойдаланиш, транспортда ташиш ва саклаш вақтида уни иқлим ёки бошқа нокулай шароитлар таъсир қилишидан саклашдир.

Мослашувчаник – маҳсулотлар, жараёнлар ёки хизматларнинг ўзаро номақбул таъсир кўрсатмайдиган тарзда биргаликда, топшириқдаги шароитларда белгиланган талабларни бажариш учун фойдаланишга яроқлилиги демакдир.

Ўзаро алмашинуучанлик - бир хил талабларни бажариш мақсадида бир хил буюм, жараён, хизматдан фойдаланиш ўрнига бошка бир хил буюм, жараён, хизматнинг яроқлилигидир.

Бир турдаги маҳсулотлар түркүми деб маҳсулотнинг функционал йўналтирилганлиги, кўлланиш соҳаси, конструктив-технологик сифати ва асосий сифат қўрсаткичларининг номларини билдирадиган энг катта даражадаги йиғиндисига айтилади.

Халқаро стандартлаштириши - барча мамлакатларнинг тегишли идоралари эркин ҳолда иштирок этиши мумкин бўлган стандартлаштиришdir.

Минтақавий стандартлаштириши - иштирок этиши дунёдаги фақат битта географик ёки иктисодий регионга қарашли мамлакатнинг тегишли идоралари учунгина очик бўлган стандартлаштиришdir.

Миллий стандартлаштириши - муайян бир мамлакат доирасида ўтказиладиган стандартлаштиришdir.

Давлат назорати - корхоналар, лавозимдор шахслар ва фуқароларни стандартларнинг мажбурий талабларига ҳамда маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматлар сифатига, шунингдек сертификатлаштирилган техникавий шартларга риоя этишини назорат қилиш ваколатига эга бўлган давлат идорасининг фаолиятиdir.

2.1.1. СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Стандартлаштиришнинг мақсадлари куйидагилардан иборат:

- маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларнинг (кейинчалик – маҳсулот) сифати ва номлари масаласига давлат ва исьтемолчиларнинг манфаатини химоя қилиш, кишилар соғлиги ва ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш;
- фан ва техниканинг ривожлантирилиши билан ахоли ва ҳалқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ равишда маҳсулот сифатини ошириш;
- маҳсулотнинг бир-бирига мослиги ва ўзаро алмашинуучанлигини таъминлаш;
- кишилар моддий ресурсларининг тежалишига, иктисодий қўрсаткичларни яхшиланишига кўмаклашиш;
- савдода техникавий тўсикларни бартараф қилинишига, жаҳон бозорида рақобат қилиш қобилиятининг таъминланишига эришиш;
- табиий ва технологик ҳалокатлари ва бошка фавқулодда вазиятлар рўй беришини хисобга олган ҳолда ҳалқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашdir.

Стандартлаштириши вазифалари. Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- исьтемолчи ва давлатнинг манфаати йўлида маҳсулотнинг сифати ва номларига нисбатан энг мақбул талабларни кўйиш;

- давлат, республика фуқаролари ва чет эл эҳтиёжи учун тайёрланган маҳсулотга, керакли талабларни белгиловчи меъёрий хужжатлар тизимини ва уни ишлаб чикиш қўидаларини яратиш, ишлаб чикиш ва кўллаш, шунингдек хужжатлардан фойдаланишини назорат килиш;
 - стандарт талабларининг саноати ривожланган чет мамлакатларнинг халқаро, минтақавий ва миллий стандартлари талаблари билан уйғунлашувини таъминлаш;
 - бир-бирига мосликнинг барча (конструктив, электрик, электромагнитли, маълумот, дастур ва бошк.) турларини, шунингдек маҳсулотнинг ўзаро алмашувчалигини таъминлаш;
 - параметрик ва турлар ўлчамли қаторларини, таянч конструкцияларни, буюмларнинг конструктив жиҳатдан бир хил килинган модуллашган блокли таркибий қисмларини аниқлаш ва кўллаш асосида бирхиллаштириш;
 - маҳсулот, унинг таркибий қисмлари; буюмлари, хом ашё ва материаллар кўрсаткичлари ва тавсифнинг келишиб олиш ва боғланиш;
 - материал ва энергия сифимни камайтириш, кам чиқинди чиқариш технологияларни кўллаш;
 - маҳсулотнинг эргономик хоссаларига талабларнинг белгиланиши;
 - метрологик меъёр, коида, низом ва талабларнинг белгиланиши;
 - стандартлаштириш бўйича халқаро тажрибадан фойдаланишини кенг авж олдириш, мамлакатнинг халқаро ва минтақавий стандартлаштириша иштирок этишини қучайтириш;
 - хорижий мамлакатларнинг талаблари Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондира олган ҳолларда уларнинг халқаро, минтақавий ва миллий стандартларининг мамлакат стандартлари ва техникавий шартлар тарикасида тўғридан-тўғри кўллаш тажрибасини қенгайтириш;
 - технологик жараёнларга талабларни белгилаш; маҳсулотни стандартлаштириш ва унинг натижаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик килиш юзасидан ишларини ташкил килиш;
 - техник-иктисодий ахборотни таснифлаш ва кодлаш тизимини яратиш ва жорий этиш;
 - синовларни меъёрий-техник жиҳатдан таъминлаш, маҳсулот; сифатини сертификалаш, баҳолаш ва назорат килиш.
- Ўзбекистон Республикасининг стандартларини ишлаб чиқиши, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби O'zDst 1.1-99 билан белгиланади.
- Техникавий шартлар O'zDst 1.2-99 да белгиланади.
- Корхоналар стандарти O'zDst 1.3-99 да белгиланган тартибда ишлаб чиқарилади, келишиллади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади.

2.1.2. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ ТУРЛАРИ

Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида кўлланилаётган асосий стандартлар:

- а) техникавий шартлар стандарти;
- б) тажриба услубининг стандарти;
- в) жойлаштириш, тахлаш ва саклаш стандарти;
- г) ўлчаш асбоблари ва воситаларни аниклаш услублари бўйича стандартлари;
- д) тўғри эксплуатациялаш ва созлаш стандарти;
- е) технологик жараённи ташкил қилиш бўйича стандарт.

Техникавий шартлар стандарти – маҳсулотга қўйилган техник талаби ва тайёрланиши, ташиш ва ишлатилиши, тўғри қабул қилиш, сифат кўрсаткичларини услублар асосида текшириш, уларни саклаш, қабул қилиш ва жўнатиш учун қўйилгандир.

Мисол учун: О'zDst 604-2001. Пахта толаси. Техник шароит.

Тажриба услублари учун стандарт - тажриба ишлари учун намуналар танлаш ва олиш, уларни текшириш, ўлчаш ва уларнинг сифат кўрсаткичларини бахолаш.

Мисол учун: О'zDst 618-94. Пахта толаси. Пахта толасининг пишиб этилганлигини аниклаш стандарти.

Ташиши, саклашга риоя қилиш бўйича стандарти – талаб маркировкаси бўйича аникланган маҳсулот гурухи маҳсулот хусусиятларини харидорларга тўлик хабар бериш учун кўлланилиши, маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини саклаш вактида техник-эстетикани хисобга олмок керак.

Мисол учун: О'zDst 841-97. Пахта толаси. Жойлаштириш, саклаш ва уни тахлаш.

Ўлчаш асбобларини текшириш учун стандарти - қўйилган асбобларнинг тўғри ва аник таъминланиш услубини текширишини ўтказишидир.

Мисол учун: ГОСТ 8.061-73. Шкалаларни текшириш қурилмаси.

Ишлатилиши ва созлаш қоидаси бўйича стандарти - берилган шароит ва режимга берилган гурух ёки турдаги маҳсулотнинг ишга кобилиятлиги, унинг эксплуатацион хусусиятларини кафолатлашнинг умумий қоидасини кўриб чиқиши. Баъзи бир холда, стандартлаш кийин бўлган маҳсулотни эксплуатация килиш жойида монтаж ва демонтаж услуби оркали кўриб чиқилади.

Технологик жараённи ташкил қилиш стандарти — технологик жараёнда маҳсулотни берилган гурух ёки йўналиш бўйича таъминлаш учун технологик воситаларни ишга тушириш ва уни текшириш, ундан ташқари ривожланган ишлаб чиқаришда ягона сифатли маҳсулот билан таъминлашни татбиқ этишидир.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Стандарт тушунчасининг таърифи бёрилсин?
2. Корхона стандарти ҳақида маълумот беринг?
3. Минтақавий стандартлаштириш деганда нимани тушунасиз?
4. Миллий стандартлаштиришга тушунча беринг?
5. Ўйгунаштирилган стандартлаштириш таърифини беринг?
6. Давлат назорати дёғанда нимани тушунасиз?

Эслаб қолинг!

Стандартлаштириш, стандартлар мажмуи, стандарт, меъёрий хужожат, халқаро стандарт; минтақавий стандарт, миллий стандарт, уйгунаштирилган стандарт, бирхиллаштирилган стандарт, стандартлаштириш обьекти, стандартлаштириш соҳаси.

Ўқув материаллари таъминоти

1. O'zDst 1.1-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Республика стандартларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

2. O'zDst 1.2-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Техникавий шартларни ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

3. O'zDst 1.3-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Корхона стандартларини ишлаб чиқариш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

4. O'zDst 1.4-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Стандартлар ва техникавий шартлар билан таъминлаш тартиби.

5. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.

6. Ўз ДСТ ИСО 9001:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.

7. Уз ДСТ ИСО 9002:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.

8. Уз ДСТ ИСО 9003:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях.

9. РСТ Уз 5.0-98 НСС Уз. Основные положения.

10. Ўз ДСТ 5.5:1998. НСС Уз. Основные термины и определения.

11. РСТ Уз 16.0-98 СА Уз. Основные положения.

12. РД Уз 51-062-97 НСС Уз. Порядок подготовки и проведения сертификации. Общие требования.

13. РД Уз 51-069-98 НСС Уз. Правила применения знака соответствия.

14. Ўз РХ 51-104:2000 НСС Уз. Порядок проведения инспекционного контроля сертифицированной продукции.

15. Международные и региональные организации по стандартизации и качество продукции. Справочник.-М.: Издательство стандартов, 1990.

2.2. СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ҚОНУН-КОИДАЛАРИ

Стандартлаштириш билан шуғулланадиган миллий идора Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш соҳасидаги ишларни кўйидаги қонун-коидаларга асосан ташкил этади: ихтиёрийлик, ошкоралик, байналминаллик, барча манбаатдор томонларнинг иштироки; техникавий даражанинг ва самарадорликнинг хисобга олиниши, асоссиз ҳар хилликнинг кискартирилиши, стандартларнинг тўликлиги ва уйғуллиги.

Стандартларни ишлаб чиқиша кўйидагиларни: стандартлаштирилган ўзаро боғланган объекtlарга қўйилган талабларни келишиб олиш ва стандартлаштириш бўйича меъёрий хужжатларни амалда жорий этиш муддатларини уйғуллаштириш йўли билан шу объекtlарни тўлиқ ва ҳар томонлама стандартлаштириш; меъёрий хужжатларга киритиладиган талабларнинг мақбуллигини тъминлаш лозим.

Замонавий фан ва техника ютуклари, чет эл ва мамлакатимизнинг илғор тажрибасига мувофиқлаштириб, мунтазам текшириш ва стандарт талабларини янгилаш йўли билан стандартдаги кўрсаткичларни ўз вактида ўзgartириб туриш керак.

Стандартлар факат шундай талабларни жорий этиш керакки, улар маҳсулот хоссасини ва ундан фойдаланиш хусусиятига оид томонларни аниглаш лозим.

Стандартларда объектив ғавишда текширилиши мумкин бўлган талаблар киритилади.

Стандартлар маҳсулотни сертификатлаштириш мақсадлари учун ярокли бўлиши керак.

Стандарт талабларининг бир хил маънода тушунилишини тъминлаш учун у аник ва яккол ифода этилиш лозим.

Стандартлаштириш ишларини ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил килиш" тўғрисида 1992 йил 2 мартағи 93-сон карорига мувофик Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги стандарлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзстандарт Агентлиги - стандартлаштириш бўйича миллий идора хисобланади.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишлар Ўзстандарт Агентлиги томонидаи стандартлаштириш бўйича техника қўмиталари (ТК), корхоналар, бирлашмалар ва бошқа манбаатдор ташкилотларнинг бўлажак режалари (дастурлари) тузиладиган йиллик режалар бўйича амалга оширилади.

Республика стандартлаштириш режасига биринчи навбатда миллий стандартлар талаблари билан уйғулланишини, кишиларнинг ҳаёти ва

соғлиги учун хавфсизликни, атроф-мухитнинг муҳофаза килинишини, истеъмолчилар ҳуқуқининг ҳимоя килинишини, миллий социал-иктисодий ва илмий-техникавий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган стандартларни ишлаб чикиш киритилади.

Ўзбекистон Республикаси стандартлари ва техникавий шартларни ишлаб чикиш, одатда ҳар бир манфаатдор қорхона ва ташкилотларнинг муҳтор вакили бўлган мутахассислардан ташкил топган техникавий кўмиталар (ТК) кучи билан ёки стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Техник кўмиталар ўз фаолиятини стандартлаштириш бўйича техникавий кўмита ҳакидаги Намунивий низом асосида ишлаб чикилган «Техник кўмиталар»нинг низомига мувофиқ таянч ташкилот эса «Стандартлаштириш бўйича таянч ташкилот тўғрисида»ги Намунивий низом асосида амалга оширилади.

Техник кўмиталар ва таянч ташкилотлар жорий қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси стандартларининг лойиҳаси ва техникавий шартларининг ишлаб чикилиши юзасидан тузилган шартномага мувофиқ уларнинг сифати ва ўз муддатида олиб борилиши учун жавобгардир.

Ўзстандарт Агентлиги, Ўзбекистон Республикасининг курилиш давлат кўмитаси, Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитаси, Соғликни саклаш вазирлиги (бириктирилган соҳалари бўйича) республика стандартлари кўриб чикадилар, тасдиқлайдилар, уларнинг кўлланилиш муддатини чўзадилар ва бекор қиласидилар ҳамда унга ўзгартиришлар киритадилар.

Республика стандартлари ва уларга ўзгартиришлар тасдиқланиш даражасидан қатъий назар Ўзстандарт Агентлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ўзстандарт Агентлиги республикада стандартлаштириш бўйича ишларга умумий услубий раҳбарликни таъминлайди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил килиш ва мувофикаштириш учун зарурат бўлган холларда, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, уюшмалари, концернлари ва бошка хўжалик тузилмаларидан бўлинмалар (хизматлар) ва (ёки) фан ва техникавинг тегишли соҳаларидаги юкори илмий-техникавий имкониятларга эга бўлган ташкилотларда стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотларида тузилади.

Корхона раҳбарлари корхоналарда стандартлаштириш бўйича ишларнинг ташкил этилиши ва бу ишларнинг бажарилиши ахволи учун бевосита жавобгардир.

Корхоналар зарур бўлганда стандартлаштириш бўйича бўлинмалар (хизматлар) конструкторлик-технологик ёки илмий-тадқикот бўлими, лаборатория, бюро ташкил этади, улар корхонада стандартлаштириш бўйича ишларга ташкилий-усулий ва илмий-техникавий раҳбарликни амалга оширади, стандартлаштириш бўйича илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ва бошка ишларни бажарадилар, корхонанинг бошка

бўлинмалари томонидан ўtkазилаётган стандартлаштириш ишларини бажаришда хам катнашадилар.

Корхоналар, мусассасалар, ташкилотларда стандартлаштириш бўйича олиб бориладиган ишлар асосий ишлар турига киради.

Стандартлаштириш соҳасидаги мөъёрий хужжатларнинг тоифалари, стандартларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси худудида стандартлаштириш обьектларига кўйилган талабларни белгиловчи мөъёрий хужжатларнинг кўйидаги тоифалари кўлланилади:

Мустакил давлатлар хамдўстлигининг давлатлараро стандартлари (ГОСТ);

Ўзбекистон давлат стандартлари (O'zDst);

Техникавий шартлар (TSh);

Корхоналар, бирлашмалар, фирмалар, концернлар ва бошка хўжалик субъектларининг стандартлари (KS);

Халқаро, минтақа ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари (ИСО, МЭК ва бошқалар).

Миллий стандартлаштириш обьектларига:

- ягона техникавий тилни кўшиб хисоблаганда умумтехникавий обьектлар, умумий машинасозликда кўлланиладиган буюмларнинг намунавий конструкциялари (маҳкамалаш воситалари, асборлар ва бошқалар), материаллар ва моддаларнинг хусусияти ҳақидаги ишончли маълумотлар, техникавий-иктисодий ахборотни таснифлаш ва кодлаш;

- аниқ мақсадга йўналтирилган давлат илмий-техникавий ва социал-иктисодий дастурлари на лойиха обьектлари;

- республикага (ёки муайян корхоналарга) маҳсулот ёки технологиянинг ракобат килиш кобилиятини оширишини таъминлаш имконини берадиган фан ва техника ютуклари;

- республикада ички эҳтиёжини кондириш учун, шунингдек ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар киритилади.

Стандартларнинг талаблари ва техникавий шартлари халқаро, минтақавий ва саноати ривожланган хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари талаблари билан уйғулаштирилиши лозим.

Стандартлар ва техникавий шартларни тасдиқловчи ташкилотлар стандартларнинг талаблари асосланганлиги учун стандартлар ва техникавий шартларни ишлаб чикувчи билан баробар жавобгар хисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг стандартларини ишлаб чикиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби O'zDst 1.1-99 стандартига биноан белгиланади.

Техникавий шартлар O'zDst 1.2-99 стандарти бўйича белгиланган тартибда ишлаб чиқилади, келишилади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўtkазилади.

Корхонлар стандарти O'zDst 1.3-99 да белгиланган тартибда ишлаб чиқилади, келишилади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўtkазилади.

Махсулот-стандартлари на ҳақиқавий шартларини ишлаб чиқиши янги махсулотни яратиш (янгилаш) бўйича ишларнинг таркибий қисми хисобланади.

Стандартлар ва ҳақиқавий шартлар фан ва техниканинг тегишли соҳаларида чет элларда ва мамлакатимизда эришилган энг юкори ютуқларини, чет мамлакатларнинг ҳалқаро, минтақавий ва миллий стандартлари, талабларини хисобга олиб, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик, технологик ва лойиҳалаш ишларининг натижаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши ва республикани иктиносидий ва социал ривожлантириш учун энг мақбул қарорлар кабул қилиш назарда тутилиши лозим.

Зарурат түғилганда, ишлаб чиқарувчи буюртмачи билан келишилган ҳолда ёки буюртмачининг ўзи муайян стандартлар ва ҳақиқавий шартларни ишлаб чиқиши юзасидан техникавий вазифаларни тасдиқлади.

Стандартлар ва ҳақиқавий шартларда махсулот сифатига нисбатан мажбурий ва тавсия этиладиган талаблар (техникавий тавсиялар) белгиланади.

Махсулот сифатига социал жиҳатдан ўзаро боғлик бўлган, унинг ахоли ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизлигини, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, махсулотнинг бир-бирига мослиги ва ўзаро алмашувчалигини таъминлайдиган, шунингдек назорат қилиш белгиси ва усуllibарининг мажбурий талабларга тўғри келиши, ҳамда бажарилиши керак бўлган талаблар сирасига киради.

Буюртмачи (истеъмолчи)да зарурат түғилгудек бўлса, у манфаатини химоя қилишни таъминлайдиган талаблар доирасини кенгайтириши мумкин бўлади.

Махсулотларнинг ва хизматларнинг истеъмол ва бошқа тавсифлари, шунингдек стандартларнинг мажбурий талабларидан кўра кўрсаткичларининг юқорирок даражасини белгилайдигай тавсифлари, яъни корхоналарнинг республикада ва хориждаги иктиносидий манфаатларини химоя қилиш ва мустаҳкамлаш максадида тавсия килинадиган истеъмол ва бошқа тавсифларга таъликуклидир. Тайёрловчи ва истеъмолчи (буюртмачи) шартнома тузилаётганда тавсия этилаётган талабларни кўллаш зарурлигини аниклайдилар. Улар шартномага киритилгандан сўнг келишуви томонлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Тузилаётган шартномаларда стандартлар ва техникавий шартларнинг мажбурий талаблари салбий томонга оғиб кетишга йўл кўйилмайди.

Техникавий шартлар ва стандартларда мажбурий талабларга доир бўлимда баён этилган, масалан, синов усуllibарини, жойлаштириш, транспортда ташиш, тамғалаш на бошқаларни белгилайдиган, бошқа стандартларга ҳавола килинган тақдирда, ишора килинган стандартларнинг талаблари қўлланиши учун мажбурий бўлиб қолади.

Агар махсулотнинг мажбурий талабларига мувофиқлиги амалдаги стандартларга мўлжалланган тартибда тасдиқланмаса ёки сертификатлаштириш дозим бўлган махсулот сертификатлаштирувчи синовлардан ўтмаган бўлса, истеъмол килиниши мумкин эмас.

Хориждан келтирилаётган ва ахолига чиқарилаётган маҳсулот Ўзбекистон Республикасида кўлланилаётган стандартлар ва техникавий шартларнинг мажбурий талабларига жавоб бериши, шунингдек, сертификатлаштириши лозим бўлган маҳсулотни тегишли сертификатлар билан ёки Ўзстандарт Агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси, курилиш давлат қўмитаси, Соғликни саклаш вазирлиги (уларнинг ваколати доирасида) худудий идораларнинг холосаси ёки тегишли сертификати билан тасдиқланиши лозим.

Стандартлар ва техникавий шартларнинг мажбурий талаблари идоравий бўйсунишидан ва мулкчиликнинг кайси шаклда бўлишидан қатъий назар барча давлат, кооператив, ижара, уюшма, қўшма ва бошқа корҳона хамда ташкилотлар, шунингдек республика худудида ишибилармонлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларга ҳам таъллуклидир.

Стандартлаштиришнинг мажбурий талаблари ва техникавий шартларнинг бузилишига йўл қўйган корхоналар ва мансабдор шахслар амалдаги конунларга биноан жавобгарликка тортиладилар.

Стандартлар ва техникавий шартлар маҳсулотнинг ахоли ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизлиги, атроф-мухитни муҳофаза килиш, барча ресурсларни тежаб-тергаш ва бошқалар бўйича техникавий конуний меъёрларга амал қилинишини таъминлаш лозим.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга техникавий шартлар ва корхона стандартлари талаблари ушбу маҳсулотга давлатларо ва миллий стандартларнинг мажбурий талабларига карама-карши бўлмаслиги ва ўша стандартларда кўрсатилган талаблардан паст бўлмаслиги шарт.

Лозим бўлган такдирда маҳсулотнинг асосий техникавий-иктисодий кўрсаткичларини, унинг номлар (турлар)ининг оқилона таркиби ва бошқа талабларини аник белгилайдиган бир турдаги маҳсулот гурухига стандарт ишлаб чиқилиши мумкин.

Асос бўлувчи стандартлар ташкилий-техникавий жараёнларнинг бажарилиши, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва маҳсулотни кўллаш жараёнлари тартибини (коидаларини), шунингдек фаолиятини муайян соҳасида ишларни ташкил этишнинг асосий (умумий) коидаларини. белгилайди.

Умумтехникавий стандартлар маҳсулотнинг техникавий жиҳатдан бир-бирига мос бўлиши ва ўзаро алмашинувини таъминлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва маҳсулотни кўллашнинг умумтехникавий талабларини, шунингдек меҳнат хавфсизлиги, атроф-мухитни химоя килиш (экология), зарарли таъсирлардан (шовқин, тебраниш ва бошқалардан) химоя килиш, намунавий технологик жараёнлар, маҳсулот сифатини назорат килиш (синаш) усуслари, хужожатларни бирхиллаштириш талабларини белгилайди.

Маҳсулотнинг аник тури (белгиси, андозаси ва бошқалар)га техникавий шартлар стандартлари маҳсулот сифатига хар томонлама талаблари белгилайди.

Техникавий шартларнинг миллий стандартлари оммавий ёки серияли тарзда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун ишлаб чиқилади.

Техникавий талабларнинг стандартлари маҳсулотнинг тўғри фойдаланишини, буюмларнинг пишиклиги (узок муддатга чидаши), техникавий мослашувчанлиги ва ўзаро алмашинувчанлигини, машиналар, ускуналар ва асбобларнинг бирхиллигини, маҳсулотнинг рақобатбардошлик қобилияти оширилишини таъминлайдиган асосий кўрсаткичлар меъёри ва талабларини белгилайди.

Назорат усуслари (синовлар, тахлил килишлар, ўлчовлар, таърифлашлар) стандартлари маҳсулотининг битта ёки бир нечта турдош гурухлари учун ишлаб чиқилади. Стандарт синаш ишларида намуналарни танлаш тартибини, бу маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш бирлигини таъминлаш мақсадида унинг истеъмол килиш (фойдаланиш), таърифларини назорат килиш (синаш, тахлил килиш, таърифлаш, ўлчаш) усусларини, шунингдек маҳсулотни яратиш, назорат килиш, сертификатлаштириш ва фойдаланиш чогида синаб кўриш усусларини белгилайди.

Стандартларнинг тузилиши, баён этилиши, расмийлаштирилиши ва мазмуни O'zDst 1.5-99 талабларига, техникавий шартлар эса O'zDst 1.2-99 га тўғри келиши керак.

Республика стандартлари, техникавий шартлар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилажтан хизматлар учун корхона стандартлари ва уларга ўзгартиришлар Ўзстандарт Агентлиги ташкилотларида бепул давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Стандартлар, техникавий шартлар ва уларга ўзгартиришлар давлат тилида ва миллатлараро муносабат тилида давлатлар рўйхатига тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтмаган стандартлар, техникавий шартлар ва уларга ўзгартиришлар ҳақиқий эмас деб хисобланади.

Ўзстандарт Агентлигига республика стандартларини нашр килиш ва қайта нашр килиш, шунингдек Мустакил давлатлар ҳамдўстлигининг давлат стандартлари (ГОСТ)ни Ўзстандарт Агентлиги белгиланган тартибда нусхалари тасдиқланган холда давлат ва рус тилларида нусхаларни кўпайтишишнинг танҳо хукуки, зарурат туғилган холда меъерий хужоатларнинг нусхаларини кўпайтириш хукуки Ўзстандарт Агентлиги томонидан корхоналарга ва ташкилотларга берилиши мумкин.

Кўрсатилган хукукни поймол қилган шахслар Ўзбекистон Республикасида амал килаётган конунларга биноан жавобгарликка тортилади.

Корхоналарнинг стандартларини, техникавий шартларини нашр килиш ҳамда улар билан таъминлашни бу хужоатларни тасдиқлаган корхоналар маҳсулот етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш учун O'zDst 1.4-99 стандарт бўйича шартномаларга биноан амалга оширади.

Ўзстандарт Агентлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга республика стандартлари, корхона стандартлари ҳамда техникавий шартлар, коидалар, раҳбарлик хужоатлари ва стандартлаштириш бўйича тавсияномалар тўғрисида ҳар йили ахборот бериб туради.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш.
2. Республика стандартлаштириш режаси.
3. Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий хужжатларнинг тоифалари.
4. Ўзбекистон Республикасида стандартларни ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш.
5. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш тизими асосий турдаги стандартлари.

Эслаб колинг!

Ихтиёрийлик, ошкоралик, байналминаллик, техникавий шартлар, корхона, бирлашма, фирма, концерн, ва хўжалик субъектлари стандартлари, стандартлаштириш обьектлари.

Ўқув материаллари таъминоти

1. O'zDst 1.1-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Республика стандартларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
2. O'zDst 1.2-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Техникавий шартларни ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
3. O'zDst 1.3-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Корхона стандартларини ишлаб чиқариш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
4. O'zDst 1.4-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Стандартлар ва техникавий шартлар билан таъминлаш тартиби.
5. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.
6. Ўз ДСТ ИСО 9001:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
7. Ўз ДСТ ИСО 9002:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
8. Ўз ДСТ ИСО 9003:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях.
9. РСТ Уз 5.0-98 НСС Уз. Основные положения.
10. Ўз ДСТ 5.5:1998. НСС Уз. Основные термины и определения.
11. РСТ Уз 16.0-98 СА Уз. Основные положения.
12. РД Уз 51-062-97 НСС Уз. Порядок подготовки и проведения сертификации. Общие требования.
13. РД Уз 51-069-98 НСС Уз. Правила применения знака соответствия.

14. Ўз РХ 51-104:2000 НСС Уз. Порядок проведения инспекционного контроля сертифицированной продукции.

15. Международные и региональные организации по стандартизации и качество продукции. Справочник.-М.: Издательство стандартов, 1990.

2.3. СТАНДАРТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

Стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назоратини Ўзбекистон Республикасининг конун актларига мувофик равишда маҳсус вакил килинган давлат идоралари ушбу идоралар тўғрисидаги коидаларга кўра белгиланган ваколат доирасида амалга оширадилар.

Республика назоратининг бош вазифаси стандартларнинг, техникавий шартлар ва метрологик коидаларниг бузилишини бартараф килиш ва унинг олдини олишдан иборатdir.

Меъёрий ва техникавий хужжатлар, маҳсулотлар, шу жумладан хорижда чиқариладиган ва хориждан келтириладиган маҳсулот, мудофаа учун зарур бўлган маҳсулот, жараёнлар, хизматлар, амалдаги конунларга биноан бошқа объектлар давлат назорати объектлари ҳисобланади.

Республика назорати куйидаги шаклларда амалга оширилади:

-стандартлар ва техникавий шартларнинг мажбурий талабларига амал килишини текшириш;

-маҳсулот сифати;

-юзага чикиши мумкин бўлган хавфли технологиялар, объектлар, буюмлар ва моддаларни ишлаб чикиш ва кўлланишга рухсатнома олиш;

-ишлаб чиқарувчининг хоҳиш-истаги ёки истеъмолчининг талабига кўра стандартлар ва техникавий шартларнинг барча талабларига мувофикалигини текшириш.

Давлат назорати ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда бошқарув идоралари, истеъмолчи жамиятлар, суғурта жамиятлари (уюшмалар) биргаликда харакат киладилар, Ўзбекистон Республикасининг хукукини химоя килиш идоралари билан уларга юклangan вазифаларни бажаришга кўмаклашадилар.

Биргаликда харакат килиш стандартларни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ахоли ҳаётининг хавфсизлиги, саломатлиги ва мол-мulkнинг хавфсизлигини таъминлаш, атроф-мухитни муҳофаза килиш максадида амалга оширилади.

Давлат назорати идораларининг лавозимдор шахслар ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун конунда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат назорати ташкилотлари бошқарув идоралари ва Ўзбекистон Республикаси жамоатчилигига маҳсулот сифати тўғрисида вакти-вакти билан ахборот бериб турадилар.

Стандартларни ишлаб чиқши, қелишиб олиш, тасдиқлаш ва руйхатдан ўтказиш. Ўзбекистон Республикаси стандарти (бундан кейинн-

стандарт) стандартлаштириш бўйича техникавий · кўмиталар (ТК), стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар, вазирликлар, идоралар, ўюшмалар, концернлар, давлат, ширкат, пурратчи, акционер, кўшма корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади.

Стандартни ҳар хил ташкилот мутахассисларининг ишчи гурухлари томонидан ишлаб чиқишга йўл қўйилади.

Стандартларнинг бир нечта ташкилот томонидан ишлаб чиқилишида етакчи ишлаб чиқарувчи ташкилот (ижрочилар· рўйхатидан биринчи) ҳамкорлигида иш бажарувчи ҳар бир ташкилот билан кўламини аниклади.

Етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот бутунлай стандарт лойиҳасини ўз вактида ишлаб чиқишга, ҳамкорликда иш бажарувчи ташкилотлар эса, унга топширилган ишнинг вактида бажарилишига жавобгар хисобланади.

Хорижга чикариладиган маҳсулотнинг стандарти ГОСТ 1.22-85 талабларига мувофик ишлаб чиқилади.

ИСО ва МЭК стандартлари асосларида стандартларни ишлаб чиқиши, келишиш ва тасдиқлашда ушбу стандарт шартлари қўзда тутилади.

Стандарт лойиҳасининг мазмуни ва техникавий-иктисодий жиҳатдан асослаб берилганлигига, кўрсаткичларнинг, меъёр ва талабларнинг фан ва техниканинг ҳозирги даражасига тўғри келишига стандартни ишлаб чиқувчи ва тасдиқловчи ташкилот жавоб беради.

Стандарт республика худудида кимга карашли эканлиги ва мулк шаклидан катъий назар, стандарт бўйича ишлаб чиқилган маҳсулотларни чикариладиган ва истеъмол киладиган ҳамма корхона ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Ҳар бир стандартга киритиладиган ўзgartiriш асосий стандарт учун белгиланган тартибда мажбурий келишиб олиниши, тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Умумий стандартларнинг тузилиши, мазмuni, баён этилиши ва расмийлаштириши O'zDst 1.5-99 га мувофик бажарилади.

Стандартни ишлаб чиқиши тартиби. Стандартни ишлаб чиқиша ташкилий-усулий бирликка эришиш мақсадида, ҳамда стандартни ишлаб чиқиш босқичлари бажарилишини назорат килиш учун 4 босқич жорий этилади.

1-босқич-зарурат туғилганда стандартни ишлаб чиқиша техникавий топширик ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

2-босқич-стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш (биринчи таҳrir) ва уни фикр-мулоҳазалар олиш учун юбориш;

3-босқич-фикр-мулоҳазалар устида ишлаш, стандарт лойиҳасини (охирги таҳририни) ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашга тақдим этиш;

4-босқич-стандартни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш;

Техникавий топширик ишлаб чиқилган ҳолда O'zDst 1.2-99 талабларига биноан бажарилади.

2.3.1. СТАНДАРТ ЛОЙИХАСИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ (БИРИНЧИ ТАХРИРИ) ВА УНИ ФИКР МУЛОҲАЗАЛАР ОЛИШ УЧУН ЮБОРИШ

Стандарт лойиҳаси ТҚ иш режасига, тасдикланган стандартлаштириш, янги маҳсулот турларини яратиш режасига, манфаатдор ташкилотлар таклифи ва ишлаб чиқувчи корхоналарнинг ташаббусига биноан ишлаб чикилади.

Стандарт лойиҳасини ишлаб чикиш билан бир вактда 8-бўлимга мувофик, стандарт лойиҳасига тушунтириш хати тузилади ва лозим топилса стандартни жорий килиш бўйича асосий ташкилий-техникавий тадбирлар режасининг лойиҳаси ишлаб чикилади (кейинчалик-асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси).

Бир хил стандартлаштириш обьектларига бир неча стандартларни биргаликда ишлаб чикиш, келишиб олиш, тасдиклашда битта тушунтириш хатини тузишга йўл қўйилади.

Агар стандарт лойиҳаси ишлаб чикилаётганда муомаладаги ўзаро боғлик бўлган меъёрий хужожатларни (МХ) кайта кўриб чикиш, ўзгартириш ёки бекор килиш лозим топилган бўлса, у ҳолда етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот МХни кайта кўриб чикиш, ўзгартириш ёки бекор килиш юзасидан асосли таклифлар тайёрлаб, уларни асосий тадбирлар лойиҳасига киритиши керак.

Стандарт лойиҳасини, тушунтириш хатини, асосий тадбирлар режаси лойиҳасини фикр-мулоҳаза олиш учун юборишдан олдин, лозим топилса дастлаб илмий-техникавий (илмий) кенгашда (шўъбада) ёки етакчи ишлаб чиқувчи ташкилотнинг техникавий кенгашида буюртмачи ташкилот (асосий истеъмолчи)нинг вакили иштирокида караб чикилади.

Стандарт лойиҳаси тушунтириш хати ва асосий тадбирлар режаси билан биргаликда кўпайтирилади ва куйидаги рўйхат бўйича хамма манфаатдор ташкилотларга фикр-мулоҳаза олиш учун юборилади.

1) буюртмачи-ташкилот (асосий истеъмолчи)га ёки унинг стандарт лойиҳасини келишиш бўйича таянч килиб тайнланган ташкилотларидан бирига;

2) давлат назорат бўлимига, касаба уюшмаси ташкилотига транспорт, соғлиқни саклаш вазирликларига, атроф-муҳитни муҳофаза килиш қўмитасига, агар стандарт лойиҳасида уларнинг ваколатига тегишли шартлар кўйилган бўлса;

3) биринкирилган маҳсулот ёки фаолият юзасидан стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотларга (агар улар стандарт лойиҳасининг ишлаб чиқарувчиси бўлмаса);

4) стандартларни жорий киладиган ва жорий килишни таъминлайдиган ташкилот ва корхоналарга;

5) стандарт лойиҳасининг ишлаб чикилиши билан боғлик равишида кайта кўриб чикиш, ўзгартириш, бекор килиш лозим топилган тақдирда бир-бири билан боғлик бўлган амалдаги МХ, тасдиклаган ташкилотларга.

Корхона ва ташкилотлар тақдим этилган стандарт лойиҳасини кўриб чикканда сўнг ўз фикр мулоҳазаларин тузадилар ва уни бевосита ишлаб чиқувчи ташкилотга стандарт лойиҳасини қабул килган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан юборадилар.

2.3.2. ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР УСТИДА ИШЛАШ, СТАНДАРТ ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, КЕЛИШИШ ВА УНИ ТАСДИКЛАШГА ТАҚДИМ ЭТИШ

Етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот олинган фикр мулоҳазаларга асосан фикр-мулоҳазалар мажмууни тузади.

Юборилган мулоҳазалар етакчи ишлаб чиқувчи ташкилотнинг ихтиёрига кўра кўриб чиқилади ва фикр-мулоҳазалар мажмуига кўшилади.

Етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот ва бирга бажарувчи ташкилот мажмуига биноан стандарт лойиҳасининг сўнгги таҳрири ишлаб чиқилади, ҳамда тушунтириш ва асосий тадбирлар режаси лойиҳасини аниқлайди.

Ишлаб чиқувчи ташкилот билан бошқа манфаатдор ташкилотлар орасида стандарт лойиҳаси ёки асосан тадбирлар режаси лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар бўлса, етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот келишмовчиликларни мухокама килиш учун кенгаш ўтказади.

Кенгашга кўриб чиқилаётган стандарт лойиҳаси бўйича ва карор қабул килиш ваколати берилган асосий манфаатдор ташкилотлар ва буюртмачилар (асосий истеъмолчилар)нинг вакиллари таклиф килинади.

Кенгаш катнашчиларининг ҳайъати кўриб чиқиладиган масалаларни хар томонлама мухокама килиниши ва карор қабул килишини таъминлаши керак.

Етакчи ишлаб чиқувчи ташкилот кенгаш катнашчиларига мунозарали масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар мажмуидан кўчирмалар юборади. Кенгаш таклифномаларни унинг катнашчиларига кенгаш бошланишига камида 10 кун колганда оладиган килиб юборилади.

Кенгаш карори унинг катнашчилари имзо чеккан баённома билан расмийлаштирилади.

Баённомада ёки унга илова килинган алоҳида рўйхатда кенгашнинг хар бир иштирокчисининг фамилияси, исми, отасининг исми ва мансаби (ташкилотнинг номини кўшиб) кўрсатилади.

Стандарт лойиҳасининг аниқланган таҳрирда айрим бандлар бўйича келишмовчилик бўлса, у холда кенгаш баённомасида ана шу банд бўйича ташкилотларнинг вакиллари алоҳида фикрда эканлиги кўрсатиб кўйилади.

Бошкалардан фарқли фикрлар айрим варакаларда ёки бевосита баённомада баён этилиши ва ўз фикрига эга бўлган вакиллар томонидан имзоланиши керак.

Кенгашда қабул килинган карорга биноан, стандарт лойиҳасининг сўнгги таҳрири тузилади ҳамда тушунтириш хати ва асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси аниқланади.

Стандарт лойихасининг сўнгги таҳририни тасдиқлашга топширишдан олдин ишлаб чикувчи ташкилот буюртмачи ташкилотга (асосий истеъмолчига) ёки унинг стандартлаштириш бўйича таянч хисобланадиган ташкилотларидан бирига келишиб олиш учун жўнатади.

Бундан ташқари, агар стандарт лойихасида давлат назорати касаба уюшмаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғликни саклаш вазирлиги фаолияти доирасига таъллукли талаблар кўйилган бўлса, лойиха ушбу органлар билан ҳам келишиб олиши керак.

Стандарт лойихасида умумий техникавий шартлар ёки умумий техникавий талаблар стандартларига, шунингдек касаба уюшмалари, давлат назорти идоралари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлик саклаш вазирлиги қоидалари ва мөъёrlарига хавола килинган бўлса, стандарт лойихаси бу ташкилотлар билан келишмайди.

Хорижга чиқариладиган маҳсулотларнинг стандартлари ГОСТ 1.22-85 бўйича келишиб олинади.

Ишлаб чикувчи ташкилот стандарт лойихасининг сўнгги таҳририни бир вактнинг ўзида келишиладиган барча ташкилотларга тушунтириш хати, асосий тадбирлар режаси лойихаси ва келишмовчиликни (кенгаш ўтказиладиган тақдирда) муҳокама қилиш юзасидан кенгаш баённомасининг кўчирмаси билан кўшиб жўнатилади.

Стандарт лойихаси келишиб олиш стандарт лойихаси келиб тушган кундан бошлиб 15 кундан ошмаган муддатда амалга оширилади.

Стандарт лойихаси, тушунтириш хати ва асосий тадбирлар режаси лойихаларидан фикр ва мулоҳазалар бўлса, ушбу мулоҳазалар техникикисодий далил билан юкорида кўрсатилган муддатда ишлаб чикувчи ташкилотга юборилади.

Стандарт лойихаси юзасидан фикр ва мулоҳазалар белгиланган муддатда келиб тушмаса, лойиха келишилган хисобланади.

Стандарт лойихасининг келишилганилиги тасдиқлаш лойиханинг асл нусхаси ва 2-нусхаси «Келишилди» деган белги остида раҳбар (раҳбар ўринбосари) имзо чеккан алоҳида хат билан расмийлаштирилади.

Стандарт лойихасида кўшимча имзолар кўйилишига ёки «Мулоҳазалар билан келишилди» деган ёзувлар бўлишига рухсат этилмайди.

Янги маҳсулотни яратиш (замонавийлаштириш) борасида стандарт лойихаси ишлаб чиқилса, у тақдирда лойиха қабул қилиш хайъати, бадий-техникавий кенгashi ва бошқалар, агарда улар таркибига манфаатдор ташкилотларнинг маъсул вакиллари киритилган бўлса, улар билан келишилади.

Тажриба намунасини қабул қилиш хакидаги далолатнома стандарт лойихасининг келишилганини тасдиқловчи хужжат хисобланади (бадий-техникавий кенгаш баённомаси).

Ҳал этилмаган келишмовчилик бўлган ва келишиб олиш мумкин бўлмаган тақдирда келишмовчиликлар хакида маълумотнома тайёрланиши дозим.

Стандарт лойихаси бўйича ташкилотлар ўргасида давом этадиган келишмөвчиликлар бўйича Ўзстандарт Агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитаси, курилиш давлат кўмитаси, Соғликни саклаш вазирлиги ўзларига юқлатилган фаолият турлари тўғрисида сўнги карорни қабул қиласди.

Стандартга ўзгартириш киритилганда, агар у илгари келишиб олинган ташкилотларнинг манфаатларига дахл килмаса ўзгартириш факат буюртмачи (асосий истеъмолчи) билан келишилади, холос.

Стандартни бекор килиш ёки жорий этиш вактини чўзиш факат буюртмачи (асосий истеъмолчи) билан келишилади.

Келишилган стандарт ёки келишганлик тўғрисидаги хат, етакчи ишлаб чикувчи ташкилотга юбориличи шарт.

Стандарт лойихасининг сўнгги таҳририни тасдиқлашга топширишдан олдин таянч ташкилот ёки стандартлаштириш бўйича техникавий кўмита ўзига бириктирилган маҳсулотлар ёки фаолият соҳаси бўйича стандартни илмий-техникавий ва хукукий экспертизадан ўтказади.

Стандарт лойихаси тасдиқлашга ишлаб чикувчи ташкилот томонидан куйидаги хужжатларни илова қилиб юборилади:

- стандарт лойихасининг сўнгги таҳририга тушунтириш хати;
- асосий тадбирлар режаси лойихаси;
- стандарт лойихасининг 4 та нусхаси, улардан иккитаси биринчи нусхада бўлиши шарт;
- стандарт лойихаси келишганини тасдиқловчи хужжатлар асл нусхаси;
- стандарт лойихаси тўғрисида фикр-мулоҳазалар мажмuni;
- колган келишмовчиликлар хакидаги маълумотнома.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Давлат назоратининг бош вазифаси нималардан иборат?
2. Стандартни ишлаб чикиш тартиби қандай?
3. Стандарт лойихасини ишлаб чикиш қандай амалга оширилади?
4. Стандарт лойихасини тасдиқлаш ишига изоҳ беринг.

Эслаб колинг!

Ўлчов воситалари, меъёрий хужжатлар, техникавий хужжатлар, давлат назорати, техникавий кўмиталар, таҳрири, стандартни ишлаб чикиш боскишлари, фикр-мулоҳаза.

Ўқув материаллари таъминоти

1. O'zDst 1.1-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Республика стандартларини ишлаб чикиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
2. O'zDst 1.2-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Техникавий шартларни ишлаб чикиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

3. О'zDst 1.3-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Корхона стандартларини ишлаб чиқариш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
4. О'zDst 1.4-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Стандартлар ва техникавий шартлар билан таъминлаш тартиби.
5. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.
6. Ўз ДСТ ИСО 9001:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
7. Уз ДСТ ИСО 9002:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
8. Уз ДСТ ИСО 9003:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях.
9. РСТ Уз 5.0-98 НСС Уз. Основные положения.
10. Ўз ДСТ 5.5:1998. НСС Уз. Основные термины и определения.
11. РСТ Уз 16.0-98 СА Уз. Основные положения.
12. РД Уз 51-062-97 НСС Уз. Порядок подготовки и проведения сертификации. Общие требования.

2.4. СТАНДАРТНИ ТАСДИКЛАШ ВА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ

Стандарт уни тасдиқлаган ташкилотнинг қарори билан тасдиқланади.

Стандарт муддати чекланмаган ёки муддати чекланган тарзда тасдиқланади.

Стандартни тасдиқлаш чоғида асосий тадбирлар режаси лойиҳасига биноан ишларни амалга оширишни хисобга олган ҳолда стандартни жорий килиш санаси ёки стандартнинг амал килиш муддати, шунингдек биринчи текширув муддати ва кейинги текширувларнинг қачон бўлиши белгилаб қўйилади.

Стандартда янгидан тасдиқланган стандартларга ҳавола қилинадиган бўлса, стандартни жорий килиш санаси уларнинг жорий этилиши муддатидан олдин бўлмаслиги керак.

Одатда ташкилот техникавий ва умумтехникавий стандартларнинг амал килиш муддати чекланмаган тарзда тасдиқланади.

Махсулотни янгилаш (замонавийлаштириш) борасида алоҳида меъёрланган муддатлар белгиланган бўлса, маҳсулотга стандартларнинг амал килиш муддатлари ана шу меъёрларга биноан белгиланади.

Махсулотни янгилаш (замонавийлаштириш)нинг алоҳида белгиланган меъёрлари йўқ бўлган тақдирда стандартнинг амал килиш муддатларини белгилаш зарурлигини ишлаб чиқувчи ташкилот буюртмачи ташкилот (асосий истеъмолчи) билан келишилган ҳолда белгилайди ва стандартни тасдиқлаган орган тайинлайди.

Амал килиш муддатларін чекланған стандарттнің текширишдан ўтказиш муддаты стандарттні амал килиш муддаты тұгашига 9 ой колганда стандарттнің амал килишінің құзиш, амал килиш муддаттнің чеклашга бархам бериш, стандарттнің бекор килиш бүйічә хужжаттні тасдиқлашга тәжідим этиш зарурлигини хисобға олган қолда белгиланади.

Көлланиш муддаты тұгаши билан стандарт хукукий күчини йүкотади.

Республика стандарттні давлат рўйхатига олишни Ўзстандарт Агентлиги амалга оширади.

Чет элга чиқариладиган маҳсулотта писбатан құшимча талаблар давлат рўйхатидан ўтказилмайды.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун стандарт 4 нусхада топширилиши лозим: асл нусхаси, иккінчи нусхаси ва 2 та қўчирмаси.

Стандарттнинг иккінчи нусхаси асл нусха билан ўхшаш бўлиши ва ундан имкони борича сифатли қўчирмалар тайёрлашни таъминлаши лозим.

Ҳар кандай тайёрланған хужжатлар аник ва равшан бўлиши лозим.

Стандарттні давлат рўйхатидан ўтказиш учун муковалаб топшириш лозим.

Стандарттга зарурат туғилганда киритиладиган тузатишлар машинкада босилган бўлиши ёки кора туш, паста, сиёҳ билан кўлда аник килиб ёзилади, биринчи варактнинг орка томонидан изоҳ берилади, ташкилот раҳбари (раҳбар ўринбосари)нинг имзоси ва ишлаб чиқувчи муҳири билан тасдиқланади.

Стандарт 5 кундан ошмаган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилиш керак.

Стандарттнинг кайси ташкилот томонидан тасдиқланишидан катъий назар, стандарттга ракамли белгини Ўзстандарт Агентлиги беради.

Ўзстандарт Агентлиги асл нусха, иккинчи нусхаси ва иккинчи қўчирманинг биринчи бетига ўзиннинг номи кўреатилган тўрт бурчак мухрини босади, сан. ва давлат рўйхатининг номерини ёзиб қўяди.

Иккинчи нусха ва қўчирманинг бигта нусхаси Ўзстандарт Агентлигидаги колади.

Асл нусха ва қўчирманинг иккинчи нусхаси ишлаб чиқувчига кайтарилади.

Ўзстандарт Агентлиги республика стандартлари давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 15 кун давомидан қўчирманинг бигта нусхасини Республика илмий-техникавий кутубхонасига юборини керак.

2.4.1. СТАНДАРТЛОЙИХАСИГА ТУНДУНТИРИНИНГ ХАТИНИНИНГ ТУЗИЛИШИ, БАЁНИ, РАСМИЙЛАШТИРИЛНИНИ ВА МАЗМУНИ

Тушунтириш хатинининг номидаги стандарттнің конфиденциальностьи ва гўлда номи, стандарт лойиҳаси таҳрирининг тартиб раками ва (ёки) стандарттнің ишлаб чиқини боскини тўғрисидаги маъдудум тарзидан.

Стандарт лойихасига тушунтириш хатининг бўлимлари араб ракамлағига нукта кўйиб белгиланади ва кўйидаги ќетма-ќетлинида жойлаштирилади:

- 1) стандартни ишлаб чиқиш учун асос;
 - 2) стандартни ишлаб чиқиш мақсади ва вазифалари;
 - 3) стандартлаштириш объектининг тавсифи;
 - 4) стандартнинг илмий-техникавий даражаси;
 - 5) стандартни жорий килишининг техник-иктисодий самарадорлиги;
 - 6) жорий қилиш, стандартни харакатга келтириш (амал қилиш мудда и)
- ва стандартни текшириш:
- 7) бошка мөъерий хужжатлар билан ўзаро боғликлиги;
 - 8) фикр-мулоҳаза олиш учун юборилгани тўғрисида маълумот (стандарт лойихасининг биринчисидан ташкари ҳамма таҳрири бўйича);
 - 9) келишилганлиги тўғрисида маълумот (факат тасдиқланаша ошириладиган стандарт лойихасининг охирги таҳририга);
 - 10) ахборотлар манбаи;
 - 11) қўшимча маълумотлар;

Стандарт лойихасининг ҳар бир таҳририга тушунтириш хати тузила ш. Тушунтириш хатида стандарт лойихаси таҳриридаги асосий кўрсаткичларнинг, мөъерларини таърифлар ва талабларнинг бундан олдинги таҳририга нисбатан ўзгартирилиши акс эттирилади ва ўзгартириши нг техник-иктисодий асослари кўрсатилади.

Агар стандартлаштириш режасига киритилмаган стандарт лойихаси ишлаб чиқиладиган бўлса (режадан ташкари мавзу), юкори идорани нг стандартни ишлаб чиқиши асос бўлган йўл-йўри берадиган) хужжатни келтиради.

«Стандартни ишлаб чиқишнинг мақсади ва вазифалари» бўлимида ишлаб чиқилаётган стандартни кўллаш оқибатида таъминланадиган пировард натижалар ва стандартни ишлаб чиқиш жараёнда ҳал килинадиган вазифалар келтирилади.

«Стандартлаштириш объектининг тавсифи» бўлимида стандарт илк маротаба ишлаб чиқарилаётгани тўғрисида маълумот ёки стандартлар. техникавий шартлар ва мазкур стандартлаштириш обьекти бўйича стандарт лойихаси ишлаб чиқила бошлаган пайтда амалда бўлган бошка хужжатлар тўғрисида маълумот келтирилади.

Бўлимда, стандартлаштириш обьектига боғлик равишда стандарт лойихасининг асосий кўрсаткичлари, мөъерлари, тавсифлари, талаблари ва улар мақбуллигининг техник-иктисодий асослари келтирилади Стандарт кайта кўриб чиқиладиган ёки стандартга ўзгартиршлар киритиладиган тақдирда техник-иктисодий асослаш, стандарт кўрсаткичлари, таърифлари ва талабларининг ўзгартирилиши кўрсатилади.

«Стандартнинг илмий - техникавий даражаси» бўлимида стандартнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш натижалари ва талабларни жаҳондаги даражага мувофиқлиги келтирилади; чет элларда ва МДҲдаги айни шундайлар билан киёслаш ва баҳолаш ўтказилгани тўғрисидаги

маълумотлар келтириладі. Керак бўлганда бу маълумотлар тушунтириш хатининг йловасида келтирилади.

«Стандартни жорий килишнинг техник-иктисодий самарадорлиги» бўлимида стандартлаштириш объектининг иктисодий жиҳатдан афзаллиги, тежамкорликка эришишининг асосий манбалари кўрсатилади.

«Стандартни жорий килиш туфайли кўриладиган иктисодий самарадорликни хисоблаш мумкин бўлмаса стандартни жорий этишдан келадиган социал самарадорликни (агар мавжуд бўлса) кўрсатиш керак.

«Стандартни жорий килиш (унинг амалда кўлланилиш муддати) ва стандартни текшириш» бўлимида:

1) асосий тадбирлар режасини бажаришга сарфланган вактни ҳисобга олган холда стандартнинг ишга киритилиши мўлжалланаётган санани асослаш;

2) стандарт лойиҳасининг амал килиш муддати чекланмаган холда тасдиқланиши ёки стандарт амал килишини кўзда тутган холда чегаралаш асосланади, шунингдек стандартни биринчи текширишдан ўтказишнинг мўлжалланаётган муддати ва кейинги текширишларнинг даврийлиги асосланади.

Бошқа меъёрий хужжатлар билан ўзаро боғликлек бўлимида:

1) агар стандарт лойиҳаси стандартлар мажмуига карашли бўлса, унинг стандартлар мажмуига мансублиги;

2) бир турдаги маҳсулот гурӯҳи стандартига мувофиқ ишлаб чикилган стандарт лойиҳаси;

3) муомаладаги стандартлар, шу жумладан, стандарт лойиҳаси билан ўзаро боғлиқ бўлган ИСО, МЭК ва бошқа халкаро ташкилотларнинг стандартлари, техниковий шартлари;

4) кайта кўриб чикиш ва ўзгартиришларни ишлаб чикиш зарурлигини асослаб бериш ёки ишлаб чикилаётган стандартни ишлаб чикиш, тасдиқлаш ва амалда жорий этиш натижасида муомаладаги стандартларни, техниковий ва бошқа хужжатларни бекор килиш кўрсатилади.

Маҳсулотнинг стандартини кайта кўриб чикишда ишлаб чикилаётган ва муомаладаги стандартлар бўйича маҳсулотнинг ўзаро алмашинувчанилиги ва муомаладаги стандарт бўйича ишлаб чикилган буюмлардан фойдаланишини таъминлаш ва тузатиш бўйича чоралар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Агар стандарт лойиҳасининг келишиши талаб килинмаса, тушунтириш хатида стандартнинг келишилиши шарт эмаслиги кўрсатилади ва асослаб берилади.

«Ахборот манбалари» бўлимида стандарт лойиҳасини ишлаб чикиш пайтида фойдаланилган ахборот манбалари тўғрисида маълумот берилади.

Стандарт лойиҳасига тушунтириш хати стандартнинг етакчи ишлаб чикувчи ташкилот корхонанинг (раҳбар ўринбосари), стандарт лойиҳасини ишлаб чикиш раҳбари, шунингдек биргаликда бажарувчи ташкилот раҳбари имзо чекишлиари керак.

Имзолар стандарт лойиҳасига тушунтириш хатининг сўнгги сахифасига кўйилади.

Стандарт лойиҳасига тушунтириш хати алохидат мустакил ракам кўйилган сахифада ва муковасиз бўлиши керак. Ракам сахифанинг ўнг томонидан юкори бурчагига кўйилади.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Стандарт лойиҳасига тушунтириш хати бўлимлари ҳакида маълумот беринг.
2. Стандарт нусхаларига изоҳ беринг.
3. Стандартнинг жорий қилишнинг техник-иктисодий самарадорлиги кандай?
4. Фикр-мулоҳазалар олиш учун юборилганлиги тўғрисидаги маълумотларни келтиринг.
5. Стандарт лойиҳасига тушунтириш хати ҳақида маълумот беринг.

Эслаб қолинг!

Стандарт, стандарт нусхалари, фикр-мулоҳаза, умумтехникавий, ташкилий-техникавий, меъёр, стандарт лойиҳаси, стандартлаштириш обьекти, стандартнинг илмий-техник даражаси.

Ўкув материаллари таъминоти

1. O'zDst 1.1-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Республика стандартларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

2. O'zDst 1.2-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Техникавий шартларни ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

3. O'zDst 1.3-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Корхона стандартларини ишлаб чиқариш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

4. O'zDst 1.4-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Стандартлар ва техникавий шартлар билан таъминлаш тартиби.

5. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.

6. Ўз ДСТ ИСО 9001:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.

7. Ўз ДСТ ИСО 9002:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.

8. Ўз ДСТ ИСО 9003:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях,

2.5. ТЕХНИКАВИЙ ШАРТЛАРНИНГ ЛОЙИХАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Ўзбекистон Республикаси техникавий шартларнинг лойиҳалари ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар (бундан кейин - техникавий шартлар) стандартлаштириш техник кўмиталари (ТК) томонидан ишлаб чиқилади.

Мазкур маҳсулоттага даҳилдор МДҲнинг давлатлараро стандартлари республика стандартлари ва техникавий шартлари мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳамда бошка меъёрий хужжатларда белгилаб қўйилган талабларни кучайтирши зарур бўлганда мазкур тармокнинг иккита ва ундан кўпроқ корхонаси ишлаб чиқарадиган маҳсулотга техникавий шартлар ишлаб чиқилади.

Техникавий шартларда белгилаб қўйилган талаблар мазкур маҳсулотга даҳилдор бўлган амалдаги стандартлар талабидан паст бўлмаслиги, ҳамда маҳсулот (буюмлар, ашёлар, моддалар) стандартлари ва техникавий шартлари талабларига зид келмаслиги керак.

Агарда талабларнинг катта қисми мазкур маҳсулотга таъллукли стандартларда белгиланган бўлса, у ҳолда бу талаблар техникавий шартларда такрорланмайди, балки техникавий шартларнинг тегишли бўлимларида мазкур стандартларга ёки уларнинг бўлимларига ҳавола этилади.

Бу ҳолда стандартнинг айрим бандларига ҳавола қилишга йўл қўйилмайди, ана шу бандларнинг мазмуни эса техникавий шартларда манбага ҳавола этилмай бевосита баён қилинади.

Техникавий шартларда мазкур маҳсулотга доир конструкторлик ва бошка техникавий хужжатлар, ҳамда маҳсулот таркибий қисмларининг техникавий шартларига, шунингдек умумтехникавий хужжатларга ҳам ҳавола қилишга йўл қўйилади.

Техникавий шартларнинг тузилиши, баён этилиши ва расмийлаштирилиши O'zDst 1.2-99 - талабларига хос бўлмоғи керак.

Техникавий шартларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, чеклаш ва чекловни бекор қилиш ҳақидаги карор техникавий шартларни тасдиклаган идора томонидан мазкур техникавий шартларнинг амал қилиш муддати тугашидан камида 3 ой мукаддам қабул қилиниши керак.

Техникавий шартлар мазкур техникавий шартлар ўрнига бошка меъёрий хужжат ишлаб чиқилаётган ёки уни қўлланиши бундан буён максадга мувоғик бўлмай колганда ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш тўхтатилганда бекор қилинади. Техникавий шартларни тасдиклаган идора уларни бекор қиласди.

Агар маҳсулотни буюртмачи (истемолчи)нинг розилиги билан ишлаб чиқариш мумкин бўлса, куйидаги холларда техникавий шартлар ишлаб чиқилмаслигига йўл қўйилади:

1) техникавий топширикка биноан - бир дона ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун;

2) буюм хужжатларининг жумласига кирадиган конструкторлик хужжатларига биноан ушбу буюмнинг таркибий кисмлари учун;

3) техникавий хужжатлар бўйича - битта корхона тўгридан-тўғри берган буюртма бўйича тайёрланадиган, яна ишлов бериладиган моддалар, ашёлар, хомаки маҳсулотлар учун;

4) эталон - намуна ва унинг техникавий баёни бўйича-истеъмол хусусиятлари маҳсулот сифатига хос кўрсаткичларнинг микдор кийматини белгиламай бевосита намуна билан аникландиган ёки бу кўрсаткичлар киймати бир турдаги маҳсулотлар гурухи учун Россия Федерацияси стандартлари билан белгиланган ашёвий халқ, истеъмол буюмлари (мураккаб рўзгорбоп техника ва майший кимё маҳсулотидан ташкари) учун;

5) шартнома бўйича – факатгина хорижга мўлжалланган маҳсулот учун.

2.5.1. ТЕХНИКАВИЙ ШАРТЛАРНИНГ ЛОЙИХАЛАРИНИ КЕЛИШИБ ОЛИШ

Янгидан ишлаб чиқилаётган, қайта кўриб чиқилаётган техникавий шартлар ва уларга доир ўзгартиришлар келишиб олиниши лозим.

Агар маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўл кўйиш ҳақидаги карорни кабул комиссияси кабул килган бўлса, техникавий шартлар лойихаларини мазкур комиссияда келишиб олиш лозим бўлади.

Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи техникавий шартларни буюртмачи (истеъмолчи) билан келишиб олади, ҳамда кабул комиссиясида келишиб олиниши лозим бўлган бошқа хужжатлар билан бирга уни кабул комиссияси иш бошлашидан камінда бир ой аввал кабул комиссияси таркибига вакиллари киритилган ташкилот (корхона)га юборилади.

Техникавий шартлар лойихасини келишиб олиш учун давлат назорати идораларига ва хулоса бериши учун бошқа манфаатдор ташкилотларга юбориш зарур ёки зарур эмаслигини (агар улар кабул комиссиясининг аъзоси бўлмасалар) лойихани ишлаб чиқувчи белгилайди.

Маҳсулотнинг тажриба намунасини (тажриба туркумини) кабул этиш ҳақидаги актнинг кабул комиссияси аъзолари томонидан имзоланиши техникавий шартлар лойихаси келишиб олинганини билдиради.

Агар маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўл кўйиш ҳақидаги карор кабул комиссияси иштирокисиз кабул килинса, техникавий шартлар лойихасини келишиб олиш учун буюртмачига юборилади.

Касаба уюшмалари идоралари давлат назорати, Соғликни саклаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси, қурилиш давлат қўмитаси, ёнгиндан муҳофаза килиш идоралари, транспорт ташкилотлари ва бошқаларнинг ихтиёрига даҳилдор талаблардан иборат бўлган техникавий шартлар лойихалари улар билан келишиб олиниши керак.

Техникавий шартлар лойихасини бошқа манфаатдор ташкилотларга юбориш зарур ёки зарур эмаслиги техникавий шартлар лойихасида ўша

ташкилотларга таъллукли талаблар бўлган тақдирда лойиҳани ишлаб чикувчи белгилайди:

Техникавий шартлар лойиҳаси келишиб олйниши лозим бўлган барча ташкилотларга айни бир ва сада юборилиши лозим.

Махсулотга унинг одамлар хаёти, саломатлиги ва ахоли молмulkининг хавфсизлигини атроф - муҳит муҳофазасини таъминлайдиган, ҳамда давлат назорати идоралари билан келишилган талабларни ўз ичига олган давлатлараро стандартлардан ва Ўзбекистон Республикаси стандартларидан олинган кўчирмалар, уларга хаволалар бўлган, ёки улар белгиланган коидалар ва меъёрларга хаволалар бўлган техникавий шартлар лойиҳаси мазкур идоралар билан келишмаслиги мумкин.

Келишиб олиш ёки хулоса учун тақдим этилган техникавий шартлар лойиҳаси ташкилоти берилгандан кейин 15 кун ичida кўриб чиқилиши керак.

Техникавий шартлар лойиҳаси келишиб олинган келишувчи ташкилот раҳбари (раҳбар ўрнибосари)нинг «Келишилди» ёзуви ёки алоҳида хужжат (қабул комиссиясининг акти, хати, баённома ва х.к.) остига кўядиган имзоси билан расмийлаштирилади, шу билан бирга «Келишилди» графи остига сана ва хужжат раками ёзib кўйилади.

Техникавий шартларга (шунингдек уларни бекор килишга) доир ўзгarterишилар техникавий шартлар учун белгиланган тартибда келишила и. Техникавий шартларга доир ўзгarterишиларни, агар бу ўзгаришилар техникавий шартларни келишиб олган ташкилотларнинг манфаатла шига даҳл килмаса, факат буюртмачи (истеъмолчи) билан келишила и.

Техникавий шартларнинг амал килиш муддати чекланишини бекор килиши муддати тугашидан камида 6 ой муқаддам тасдиқланмоғи керак.

Ишлаб чиқарилиши тўхтатилган маҳсулотнинг техникавий шартларни бекор килмасликка, балки улардан ишлатилаётган маҳсулотнинг эҳтиёт кимларини тайёрлаш ва тузатиш учун фойдаланишга йўл кўйилади. Шу билан бирга техникавий шартлар номи ёзилган варакка «Тузатиш максадлари учун» деб ёзив, амал килиш муддати чеклови бекор килинади.

2.5.2. ТЕХНИКАВИЙ ШАРТЛАР ЛОЙИҲАСИНИ ТАСДИҚЛАШ

Техникавий шартлар ишлаб чиқарувчи (тайёрловчи)нинг буюртмачи билан келишувига мувофик ёки ишлаб чиқарувчи (тайёрловчи) томонидан буюртмачи билан биргаликда, ёки буюртмачи томонидан тасдиқланади.

Техникавий шартлар техника қўмитаси раиси ёки ишлаб чикувчи раҳбарияти имзоланганди слова хати, техникавий шартлар келишилганини тасдиқловчи хужжатлар, қабул комиссияси баённомалари, давлат синовлар ва бошқа синов актлари. технология йўрикномаси ёки ишлаб чиқариш коидалари (озик-овқат ва кимё саноати маҳсулотларига) билан бирга тақдим этилади.

Техникавий шартларни (техникавий шартларга доир ўзгартиришларни) тасдиқлаш хужжатнинг титул варагидаги «Тасдиклайман» графиги остигага корхона раҳбари (раҳбар ўринбосари) кўядиган имзо билан расмийлаштирилади.

Техникавий шартларга доир ўзгартиришларни (техникавий хужжатлар комплектини топшириш хакида шартномада бошка шарт кўйилмаган бўлса) техникавий шартлар асл нусхасини сакловчи тасдиқлади.

Техникавий шартлар буюртмачи (асосий истеммолчи) билан келишиб амат килиш муддаты күпі билан 5 йилгә тасдикланади. Асосланилған тақырыда амат килиш муддати чеклануғайты.

Техникавий шартлар. «|||» индексидан, Ўзбекистон Республикасининг кискартилган номи «Ўз» дан, техникавий шартларни тасдиклайдиган ташкилотнинг шартли раками ифодасидан, техникавий шартлар тартиб ракамидан ва тасдикланиш йилнинг 2 охиригы ракамларидан иборат бўлади.

2.5.3. ТЕХНИКАВИЙ ШАРТЛАРНИ ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТАЗИШ

Мазкур стандартга музофик келишиб олинган ва тасдиқланган техникавий шартлар давлат рӯйхатидан ўтказиш учун техникавий шартларни тасдиқлаган корхона жойлашган худуд бўйича техникавий шартлар давлатларароң стандартларнинг ва Ўзбекистон Республикаси стандартларининг мажбuriy талабларига мувофик ёки мувофик эмаслигини назорат килиш масадида, ҳамда техникавий шартлар хусусида марказлашган ах орот вужудга келтириш масадида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон Республикаси маркази Ўзстандарт Агенлигига тақдим этилади.

Техникавий шартларга доир ўзгаришилар Ўзстандарт Агентлиги идораларида техникавий хужжатлар асл нусхасини сакловчи корхона жойлаштирибди бўйича рўйхатга олинади.

Техникавий шар арга дөг ўзгартырышларни давлат рүйхатидан үзгизиш күн техникий шарттардан күчирма үнга бундан аввалининде, узгартырыншар билан тақдым этилади.

чыкычи корхоналар техникавий шартларни (уларға донир аспектинаң пайтида кеңи билан бир ой ичида давлаттың учынан атқарылады) дейінде дойр Үзгартырышларнинг асл ишесаси, 2-

учим-ти
вас и га ми фик ка олог варагизи;
анын зар зар (Хартыяшында) келишганини тасдикловчи

ка и азмунни ўзгарадиган бўлса, махсулотнинг
шароатида даир ўзгаришнинг билимни имконийликни

Техникавий шартларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тикилган холда тақдим килинади. муковада маҳсулот номи ва техникавий шартлар белгиси кўрсатилиади.

Ўзстандарт Агентлиги идоралари техникавий шартларни (уларга доир ўзгартиришларни) улар олинган пайтдан бошлаб 15 кун ичida Ўзстандарт Агентлиги белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказади, ҳамда техникавий шартлар (уларга доир ўзгартиришлар), маҳсулотнинг каталог варағи рўйхатга олган идорада колади.

Техникавий шартларни ишлаб чикувчи ёки асл нусхасини сакловчи корхона давлат рўйхатидан ўтказилгани хакидаги маълумотларни асл нусха варағига ўтказади.

Куйидаги маҳсулотларнинг техникавий шартлари давлат рўйхатидан ўтказилмайди:

-тажриба намуналари (тажриба туркумлари);

-эсдалик совғалари ва ҳалк бадиий хунармандчилиги буюмлари (кимматбахо металлар ва тошлардан ясалган буюмлар бундан мустасно);

-хом ашё, материаллар, хомаки маҳсулотларнинг технология саноат чикитлари, мустакил равишда етказиб берилиши мўлжалланмаган ёки битта корхонанинг бевосита буюртмаси бўйича тайёрланадиган буюмлар, хомаки маҳсулотлар, моддалар ва ашёларнинг таркиби кисмлари;

-aloҳида бирлик ёки арзимаган бир тўп тарзида ҳар замонда эҳтиёж туғилганда ишлаб чиқариладиган технологик жихатдан куролланиш воситалари, ўлчаш воситалари билан синаш воситалари бундан мустаснодир;

-онда-сонда ишлаб чиқариладиган маҳсулот.

2.5.4. КОРХОНА СТАНДАРТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, КЕЛИШИБ ОЛИШ, ТАСДИҚЛАШ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Корхоналарнинг стандартларини:

четдаги истеъмолчиларга етказиб бериш (сотиш) учун яратилган ва ишлаб чиқарилаётган хизматларга (бундан бўён-ишлаб чиқарилаётга маҳсулотга) факат мазкур корхонада яратиладиган ва кўлланиладиган маҳсулотга, жараёнларга ва ишлаб чиқаришдаги ички хизматларга, шу жумладан:

1) мустакил равишда етказиб бериш обьектлари хисобланмайдиган маҳсулотларнинг таркиби кисмларига, технологик жиҳозлар ва асбоб-куролларга;

2) технологик жараёнларга, ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнларига корхоналарнинг ўзлари ишлаб чиқадилар ва тасдиклайдилар.

Корхона стандартини ишлаб чиқиш, тасдиклаш, нашр қилиш, хисобга олиш, саклаш, кайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби мазкур стандарт талабларини хисобга олган холда корхона томонидан белгиланади.

Янгидан яратилаётган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга корхона стандартларини агар бундай стандартларга талаблар давлатлараро ва республика стандартлари кўрсаткичларидан ортик бўлса ёки мажбурий талабларга амал килинган тақдирда истеъмолчилярнинг каноатлантиrsa корхонанинг ўзи ишлаб чикиши ва тасдиқлаши мумкин.

Корхона стандартларини ишлаб чикиши. Корхона стандартларини ишлаб чикиш ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган корхоналарда амалга оширилади. Зарур бўлиб қолган кезларда корхона буюртмасига биноан корхона стандарти лойиҳаларини ишлаб чикиш ишларини стандартлаштириш бўйича техникавий кўмиталар ёки стандартлаштириш бўйича техникавий ташкилотлар амалга оширади.

Маҳсулотга техникавий ҳужжатлар мажмуасини тайёрлашда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга корхона стандартлари ана шу мажмуанинг ажралмас кисми хисобланади ва техникавий ҳужжатларда уларга ишоралар килинади.

Корхона стандартининг тузилиши, баён этилиши ва техникавий иктисодий жиҳатдан асосланганини, уларнинг фан ва техниканинг ҳозирги ривожланиши кўрсаткичлари, меъёрлари, тавсифлари ва талаблари, ҳамда жаҳон тараққиёти даражаларига мослиги учун корхона стандартларини ишлаб чиқувчилар ва ташкилотлар жавобгардирлар.

Корхона стандартларини тасдиқлаш. Корхона стандартларини корхона раҳбарияти тасдиқлайди.

Корхона стандартларини, одатда, амал қилиш муддати чекланмаганда тасдиқланади.

Корхона стандартининг тасдиқланиши корхона раҳбари (раҳбар ўринбосари)нинг имзоси билан расмийлаштирилади.

Корхона стандартига ўзгартиришлар корхона стандарти учун белгиланган тартибда тасдиқланади.

Корхона стандартларини давлат рўйхатидан ўтказиш. Четдаги истеъмолчиларга етказиб бериш учун ишлаб чиқарилаётган (сотилаётган) маҳсулот учун ва уларга хизматлар кўрсатганлик учун корхона стандартларини давлат рўйхатидан ўтказишни Ўзстандарт. Агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кумитаси, Ўзбекистон Республикаси курилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги ва уларнинг ишлаб чиқувчи жойлашган ердаги минтақавий ташкилотлари амалга оширади.

Корхона стандартларини ва уларга ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун улар тасдиқлангандан 1 ойдан кечикмасдан тақдим этилиши керак.

Корхона стандартларига ўзгартиришлар давлат рўйхатига корхона стандартининг нусхаси билан кўшиб тақдим этилади.

Корхона стандартларини давлат рўйхатидан ўтказишга уларни тасдиқланган ташкилот томонидан уч нусхада-иккинчи нусхаси ва иккита кўчирма нусхаси тақдим этилади.

Корхона стандартлари давлат рўйхатидан ўтказишга жуфтлаб таҳлаб тикилгандар тарзда тақдим этилади. Муковасида маҳсулотнинг номи ва корхона стандартининг тартиб раками кўрсатиб ёзилади.

Рўйхатдан ўтказиш идоралари корхона стандартларини ва уларга ўзгартишларни келиб тушадигандан кейин 10 кун мобайнида рўйхатдан ўтказади.

Рўйхатдан ўтказиш идоралари корхона стандартларининг 2-нусхаси ва нусхаларининг сарлавха варагига ва уларга ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказган идоранинг номи ёзилган тўртбурчак мўхр босадилар ва давлат рўйхати сони ва вактини ёзиб кўядилар.

Корхона стандартлари ва уларга ўзгартишлар рўйхатидан кейин рўйхатдан ўтказувчи идора стандартлар ва уларга киритилган Ўзгартиришларнинг биттадан нусхаси ишлаб чиқкан корхонага кайтариб топширади. Стандартлар ва ўзгартиришлар 2-нусхаси рўйхатдан ўтказган идорада колади. хужжатлар билан биргаликда мажбурий тартибида «А» иловасига биноан маҳсулотнинг каталог вараги ҳам кўшиб тақдим этилади. Стандартга ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан маҳсулотнинг каталог вараги унинг зарурий кисмлари мазмунига ўзгартиш киритилган тақдирда тақдим этилади.

Ўзстандарт Агентлигининг худудий идоралари ҳар уч ойда рўйхатдан ўтган корхона стандартлари хакида маълумотни Ўзстандарт Агентлигига юборади.

Факат мазкур корхонада яратиладиган маҳсулотга, жараёнлар ва хизматларга корхона стандартлари давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Бу стандартларни хисобга олиш тартибини корхона белгилайди.

2.5.5. СТАНДАРТЛАР ВА ТЕХНИКАВИЙ ШАРТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ

Мазкур стандарт вазирликлар, маҳкамалар, ассоциациялар, концернлар, давлат, ширкат, қўшма,ижара.. акционерлик корхоналари, муассасалар, ташкилотлар ва бошка хўжалик субъектларининг (кейинчалик-ташкилотларнинг) давлатлараро стандартлари, Ўзбекистон Давлат стандартлари (O'zDst, кейинчалик-стандартлар), техникавий шартлар (TSh), хориж истеъмолчиларга етказиб бериш учун яратилаётган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун корхона стандартлари (KS, кейинчалик-корхона стандартлари) ҳамда амалдаги. янгидан тасдикланган, алмаштирилган, бекор қилинган стандартлар, техникавий шартлар, корхона стандартлари ва уларнинг ўзгартишлари тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш тартибини белгилайди.

Стандартлар, техникавий шартлар ва корхона стандартларини (ва уларнинг нусхаларини) топшириш пайтигача мавжуд бўлган барча киритилган ўзгартишлар билан расмийлаштирилган талабномалар бўйича ташкилотларга берилиш лозим.

Стандартлар, техникавий шартлар ва корхона стандартларига бериладиган буюртмалар (бир марталик расмий талаблар)ни ташкилотнинг хос иш когозида расмийлаштириш лозим. Буюртманома қудагиларни ўз ичига олиши лозим:

- рўйхат ракамлари ошиб борувчи тартибдаги хужжатларнинг белгиланишларини;
- ҳар бир сўралаётган хужжат нусхаларининг сонини;
- сўралаётган хужжатларнинг кийматини тўлаш тўғрисидаги кафолатли мажбуриятни;
- ташкилотнинг хисоб-китоб раками ва почта реквизит-ларини.

Ташкилотларни стандартлар, техникавий шартлар ва корхона стандартларининг нусхалари билан таъминлаш асл нусхалар ва (ёки) иккинчи нусхалар фондлари асосида амалга оширилиши лозим.

2.5.6. СТАНДАРТЛАР БИЛАЙ ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ

Барча манфаатдор бўлган ташкилотларни стандартлар билан таъминлашни давлатлараро стандартлар ва Ўзбекистон Давлат стандартларини чораклик ахборот кўрсаткичлари (ЧАК)нинг абонемент-иловалари бўйича, ҳамда буюртнома бўйича ва чакана савдо оркали Ўзстандарт Агентлигининг «Стандартлар» магазини амалга оширади.

Доимий абонементни расмийлаштириш учун «Стандартлар» магазини билан обунали хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш лозим.

Абонемент стандартларни олиш учун асосий хужжат бўлиб, нашриётдан чиқаёттан, янгидан тасдикланган ва кайта нашр этилган стандартлар тўғрисидаги маълумотларга эга.

Стандартларни ўз вактида олиш учун ташкилотлар тўлдирилган абонементларни уларда кўрсатилган муддатидан кечикирмай «Стандартлар» магазинига кайтаришлари лозим.

Амалдаги ҳамма стандартлар тўғрисидаги ахборотни давлатлараро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси стандартларининг йиллик кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Янгидан тасдикланган, алмаштирилган, бекор килинган стандартлар, ҳамда амалдаги стандартларга киритилган ўзгартиришлар ҳакидаги ахборотни давлатлараро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси стандартларининг чораклик ахборот кўрсаткичлари ўз ичига олади.

Ушбу (йиллик ва чораклик) кўрсаткичлар «Стандартлар» магазинида расмийлаштирилган обуна бўйича корхоналарга юборилади.

2.5.7. ТЕХНИКАВИЙ ШАРТЛАР ВА КОРХОНА СТАНДАРТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ ТАРТИБИ

Ташкилотларни техникавий шартлар, корхона стандартлари ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар билан таъминлашни асл нусха ёки иккинчи нусхаларни сакловчи ташкилот амалга оширади.

Техникавий шартлар ва корхона стандартлари билан таъминлаш эктиёжларини аниклаш, техникавий шартлар ва корхона стандартларининг нусхаларини кўпайтириш ва манфаатдор ташкилотларга (ўзгартишлар киритиш учун хисобга олинмаган) кўчирмаларни юбориш ишларини ўз ичига олади.

Хисобга олинмаган техникавий шартлар ва корхона стандартларининг юборилаётган нусхаларида «Ўзгартишлар хакида хабар берилмайди» деган муҳр бўлиши лозим.

Асл нусхаларни сакловчи ташкилотларнинг номлари ва манзиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича стандартлаштиришга асос бўлувчи ташкилотларда ёки тармокнинг юкори ташкилотида, ҳамда «Ўзбекистон Республикаси маҳсулотига қўйилган техникавий шартлар ва корхона стандартлари» кўрсатгичида бўлиши лозим.

Асл нусхаларни сакловчи ташкилот буюртманомани олгандан кейин бир ой ичida ташкилотчilarга техникавий шартлар ва корхона стандартларини юборади ва тузилган шартнома асосида мазкур ташкилотларга обуна хизматини ташкил этади.

Асл нусхаларни сакловчи ташкилот обуна хизматига олинган ташкилотларга олдин юборилган техникавий шартлар ва корхона стандартларининг хисобига нусхалари сонидаги ўзгартиришлар хакидаги хабарномани кўшимча буюртманомалар ва тўловларсиз улар давлат рўйхатидан ўтганидан кейин бир ой ичida юборилиши лозим.

Обунали хизмат кўрсатишдан фойдаланувчи ташкилотлар кўлланилмаган техникавий шартлар ва корхона стандартлари бўйича, уларни обунали хизмат хисобидан чиқариш учун асл нусхаларни сакловчи ташкилотни хабардор килишлари мумкин.

Асл нусхаларни сакловчи ташкилот техникавий шартлар ва корхона стандартларининг хисобига олинган нусхаларни техникавий шартлар ва корхона стандартларини келишишда катнашган ҳамма ташкилотларга (буюртмачи-асосий истеъмолчига, ишлаб чиқарувчига, стандартлаштириш бўйича, асосий ташкилотга) текин юборади.

Амалдаги ҳамма техникавий шартлар ва корхона стандартлари бўйича ахборотларни Ўзстандарт Агентлиги томонидан ҳар йили ишлаб чиқариладиган «Ўзбекистон Республикаси маҳсулотига техникавий шартлар ва корхона стандартлари» номли кўрсаткичини ўз ичига олади.

Янгидан тасдиклаган, алмаштирилган, бекор килинган техникавий шартлар ва корхона стандартлари тўғрисидаги ахборотни Ўзстандарт Агентлиги төмонидан ҳар чоракда ишлаб чиқариладиган «Ўзбекистон Республикаси маҳсулотига қўйиладиган техникавий шартлар ва корхона стандартлари» номли ахборот кўрсаткичларида келтирилади. Ушбу кўрсаткичлар «Стандартлар» магазинида расмийлаштирилган обуна бўйича ташкилотларга юборилади.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Техникавий шартларда белгиланган талабларни кўрсатинг.
2. Техникавий шартларнинг амал килиш муддати канча?
3. Техникавий шартларни тасдиклаш кандай амалга оширилади?
4. Корхона стандартларни тасдиклаш кандай амалга оширилади?
5. Корхона стандартларини белгилашни изохланг.

Эслаб қолинг!

Техника қўмиталари, техникавий шартлар, техникавий хужжатлар, эталон, техникавий шартларнинг лойихалари, техникавий шартларнинг асл нусхаси.

Ўкув материаллари таъминоти

1. O'zDst 1.1-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Республика стандартларини ишлаб чикиш, келишиб олиш, тасдиклаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
2. O'zDst 1.2-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Техникавий шартларни ишлаб чикиш, келишиб олиш, тасдиклаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
3. O'zDst 1.3-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Корхона стандартларини ишлаб чиқариш, келишиб олиш, тасдиклаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
4. O'zDst 1.4-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Стандартлар ва техникавий шартлар билан таъминлаш тартиби.
5. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.
6. Ўз ДСТ ИСО 9001:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
7. Уз ДСТ ИСО 9002:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
8. Уз ДСТ ИСО 9003:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях.
9. РСТ Уз 5.0-98 НСС Уз. Основные положения.
10. Ўз ДСТ 5.5:1998. НСС Уз. Основные термины и определения.
11. РСТ Уз 16.0-98 СА Уз. Основные положения.
12. РД Уз 51-062-97 НСС Уз. Порядок подготовки и проведения сертификации. Общие требования.

2.6. ХАЛҚАРО ВА ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ

Стандартлаштиришнинг асосий мақсади ахолининг соглиги, ҳаёти ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини ташки атроф-муҳит таъсирларидан химоя килишдир.

Хозирги пайтда метрология, сертификатлаштириш, стандартлаштириш бўйича конун-коидалар ва мөъёрларни яратиш билан шуғулланадиган кўпгина халқаро стандартлаштириш ташкилотлари мавжуддир. Шўлар жумласига улар ичida энг кўп аниқ бўлган ва тан олинган ташкилотларга стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот (ИСО), Халқаро электротехник комиссияси (МЭК), конунлаштирилувчи метрология бўйича Халқаро ташкилот (МОЗМ) ва Европа иктисодий комиссияси (ЕЭК) киради.

Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот 1946 йил 14 октябрда Европа иктисодий комиссиясининг ташабуси билан ташкил этилган бўлиб, бу конференцияда 25 та давлат иштирок этди. Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг уставига боғлик ҳолда, стандартлаштиришни ташкил этишнинг мақсади, жаҳон масштабида халқаро алмаштириш ва ўзаро ёрдам, шу билан биргаликда илмий, техник ва иктисодий фаолиятда ҳамкорлик килишни кенгайтириш ва осонлаштириш мақсадида стандартлаштиришни ривожлантиришдир.

Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг асосий фаоллиги халқаро стандартларни яратиш ва уларни кўпайтириш, ҳамда кенг кўламда тарғиб этишдир. Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг хужжатлари уч хил инглиз, француз ва рус тилларида чоп этилади. Халқаро стандартлаштиришнинг лойиҳаларини яратиша ишчи идоралар, яъни техник кўмиталар томонидан амалга оширилади.

Техник кўмиталарнинг ичидаги барча саволлар кўпчиллик овоз билан хал килинади. Стандарт лойиҳалари стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг Совети томонидан тасдиқланади, ундан кейин хаякаро стандартлар стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг барча аъзолари, ҳамда бу ташкилотнинг марказий котибияти томонидан чоп этилади ва тарқатилади.

Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг уставига биноан Бош Ассамблея, Совет ва унинг кўмиталари, президент ва вице-президент, бош котиб, марказий котибият, техник бўлимлар ва техник кўмиталар тузилади.

Бош Ассамблея – стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг конунлаштирилган идораси хисобланаби, ўз атрофида кўмита-аъзолари томонидан белгиланган ва тасдиқланган делегатлардан ташкил топган. Коидага асосан, улар уч йилда бир маротаба чакирилади. Бош Ассамблеянинг сессиясида стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг иш фаолияти, иш якуни муҳокама қилинади ва кейинги иш фаолияти белгиланади.

Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг мавқеи йилдан йилга ортиб бормоқда. стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот

халқаро стандартлари күрсаткичларни бирхиллаштиришга ёз бўлиб, жаҳон фани ва амалиётининг замонавий юксалишига ўз хиссасини кўшмоқда. Бунинг хисобига стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг маҳсулотга бўлган стандартлари жаҳон бозорларида юкори талаб даражасига эришилмоқда.

Шу сабабли, кўпгина халқаро стандартларни яратишда бошка фаолиятдаги метрологлар ва мутахассисларнинг иштирокини талаб этади, ҳамда стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот конунлаштирилган метрология бўйича Халқаро ташкилот, Халқаро электротехник комиссия ва бошка халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Стандартлаштириш бўйича шугулланадиган Халқаро ташкилотнинг техник кўмиталари барча илмий-техник, иқтисодий ва социал фаолиятда Халқаро стандартларнинг лойиҳаларини яратиш билан шугулланади. Энг кўп эътибор кимё, нефт-кимё, машинасозлик, кишлек хўжалиги ва озиқовкат саноати, металлургия ва тог ишлари, машинасозлик транспортига, қурилишга катта эътибор беради. ИСО 9000, ИСО 9001 ва ИСО 9004 стандартлар ракамида Ўзбекистон Давлат стандартлари сифатида қабул килинган. 11000 дан ортиқ стандартлар Ўзстандарт Агентлигининг сўровийўрикнома жамғар масида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда.

Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот аъзолари стандартлаштириши бўйича Миллий ташкилотлар дейилади. Аъзолари бўлиб, ҳар бир мамлакатдан бир киши иштирок этади. Бош Ассамблеянинг йигилишида стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот аъзолигига ҳар бир ташкилотдан учтагача делегат иштирок этади. Бунга боғлиқсиз равиша ҳар бир кўмита стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот аъзолигига бир киши овоз билан сайланади.

1970 йилдан бошлаб 14 октябр Халқаро стандартлаштириш куни деб эълон қилинди.

1972 йилгача Халқаро стандартлар «стандартлаш бўйича Халқаро ташкилот тавсияси» деган ном билан юритилган. Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг тавсиясига биноан 1970 йил Анкара шаҳрида VIII Бош Ассамблеянинг стандартлаштириш бўйича Халқаро, ташкилотида «Халқаро стандартлар» деб қабул қилинди ва 1972 йилдан бошлаб кучга кирди.

Халқаро стандартлар халқаро савдодаги барча техник тўсиклардан четлаштиришда самарали восита бўлиб хисобланади. Шу билан биргаликда, бу ташкилот илмий-техник миқёсини ва маҳсулот сифатини аниклайди.

Кейинги пайтларда стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот ва Халқаро электротехник комиссия билан ҳамкорликда меъёрий хужжатларни яратиш бўйича иш олиб бормоқда.

Халқаро стандартни кўпчиллик мамлакатлар ўзгаришсиз миллийлик сифатида қабул қилмоқдалар, чунки, халқаро савдо ва мамлакатлар ўртасида ўзаро келишувчанликнинг ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш бўйича регионлараро Ассоциациясига Ўзстандарт Агентлигини танитди.

Миллӣ идораларнинг мувофиқлик фаолияти учун савдодаги техник түсикларни олиб ташлаш максадида, Болтикбўйи мамлакатларидан ташкари бўлган барча мухитда 1992 йил стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича МДҲавлатлари орасида Халқаро давлат Совети яратилди.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Озарбайжон Республикаси, Белоруссия Республикаси, Грузия, Қирғизистон Республикаси, Россия-Федерасияси, Латвия, Литва, Молдавия Республикаси, Украина, Туркманистон, Туркия Республикалари билан уч томонлама хамкорлик шартномалари тузилди.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Стандарт сўзининг асли таърифини келтиринг.
2. Халқаро стандартлаштириш ташкилотларининг турлари ҳакида маълумот беринг.
3. Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг асосий фоёллиги нималардан иборат?
4. Бош Ассамблеяning асосий вазифаси нималардан иборат?

Эслаб қолинг!

Стандарт, метрология, аккредитлаштириш, Бош Ассамблея, вице-президент, марказий котибият, бош котиб, электротехник комиссия.

Ўкув материаллари таъминоти

1. O'zDst 1.1-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Республика стандартларини ишлаб чикиш, келишиб олиш, тасдиклаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
2. O'zDst 1.2-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Техникавий шартларни ишлаб чикиш, келишиб олиш, тасдиклаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
3. O'zDst 1.3-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Корхона стандартларини ишлаб чиқариш, келишиб олиш, тасдиклаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.
4. O'zDst 1.4-99. Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизими. Стандартлар ва техникавий шартлар билан таъминлаш тартиби.
5. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.
6. Ўз ДСТ ИСО 9001:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
7. Уз ДСТ ИСО 9002:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
8. Уз ДСТ ИСО 9003:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях.

2.7.МАҲСУЛОТ СИФАТ КЎРСАТКИЧИ

Маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва уларнинг ассортиментларини кенгайтириши хозирги бозор иқтисодиётининг асосий вазифаларидан бири хисобланади.

Кейинги пайтларда истеъмолчиларнинг тўқимачилик буюмларига бўлган талаби кундан кунга ортиб бормокда. Чунки, ҳозирги пайтда Республикаизнинг ички бозорлари хориждан келтирилаётган сифатли маҳсулотларга бўлган талаби катта. Бизнинг асосий мақсадимиз ички бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли кийим-кечаклар билан тўлдириш, ҳамда республикамиз экспорт салоҳиятини оширишдан иборатдир. Демак, тўқимачилик маҳсулотлари дунё ва ички бозорларда ракобатлаша оладиган бўлиши керак.

Маҳсулот сифат кўрсаткичлари нафакат маҳсулотнинг барча кўринишдаги хоссалари даражасига ёки уларни аниқ ўлчамига мувофиқлиги бўлибгина қолмай, балки бу хоссаларига бўлган талаб даражасига ҳам боғлиқдир. Энг мухими сифат кўрсаткичларини тўгри танлаш ва етарлича асослаш натижасида, маҳсулотнинг ишлатилиши бўйича унинг кайта ишланилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қатор қарорларига биноан, кейинги йилларда республикамиз олдидаги турган энг долзарб масалалардан биро сифатида аҳолини моддий ва маънавий жихатдан рағбатлантириш, корхона ва саноат корхоналарини замонавий бошқариш услублари асосида маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш, харидорбоп маҳсулотлар микдорини ошириш каби муаммоларни кўйди.

1995 йил феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз И.Каримов «Энг мухим вазифа-ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш, жаҳон стандартлари даражасига мос равища маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг ракобатбардошлигини ошириш» деб мухим масалани кўндаланг кўйди.

2000 йилнинг бошларида мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес билан шугулланувчи янги турдаги корхоналар ўз иш фаолиятини бошладилар ва республикамиз ички бозорларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди, ҳамда янги ишчи ўринлари яратилди.

Шундай килиб, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг ракобатбардошлигини ошириш ва таъминлаш масаласи республикамиз иқтисодиётини янада ҳам ривожлантириш учун катта ахамиятга эгадир.

Юкори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, таъминлаш ва режалаштиришда замонавий баҳолаш услублари ва сифат кўрсаткичларининг стандартларини яхши билишлари лозим.

Тўқимачилик материалларининг сифатини яхшилаш учун қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Халқаро ИСО ташкилотига 1992 йилда аъзо бўлган Ўзбекистон Республикасида метрология ва стандартлаштириш бўйича асосий талабларни бажариш борасида «Сифат» тизими жорий этилмоқда. Демак, маҳсулот сифатини яхшилаш ва уни ошириш мухим

ахамиятга эгадир. Бунинг учун мухандис техник ходимлардан янги турдаги асбоб-усқуналардан фойдаланиш, ҳамда материалларни сифатли баҳолашда математик усулда асослашни билишларини талаб этади. Булардан кутилаётган асosий максад назарий ва амалий билимларни жамлаб, тұқимачилик материалларининг сифатини баҳолаш ва стандартлаштириш ишларини амалға оширишидір.

Махсулот сифатини ўлчаш ва баҳолашнинг назарий ва амалий жиҳатдан боғланиш масалалари кейинги пайтларда мустақил илмий йұналишда шаклланиб бормоқда. Тұқимачилик материалларининг сифат күрсаткичларини стандартлаштиришда «сифат» түшунчаси ва уни баҳолаш услубларини күриб чикиш лозим бўлади.

Махсулот сифати- маҳсулотнинг жами хоссалари бўлиб, унинг ишлатилиш давридаги истеъмолчилар талабини кондириш демакдир.

Махсулотнинг сифатини ишлатилиш даврида аниклаш, талаб даражасига қараб ўзгариб боради. Шу сабабли, бир ёки бошқа бир турдаги маҳсулот учун, айниска кўп максадларда ишлатиладиган маҳсулотларнинг сифатини баҳолаш доимий ўлчамда бўлмайди. Масалан, зигир газламасидан енгил ёпингич ва маҳсус кийим-кечак тайёрланади, лекин уларнинг сифат кўрсаткичлари турлича бўлади.

Кўпгина илмий-тадқикот ишларida ва адабиётларда «*сифат*» түшунчаси кенгрок ишлатилади ва унга берилаетган таърифлар ҳам турли Chadир. Баъзида, проф.А.Н.Соловьев «*сифат*» түшунчасини кўйидагича баҳолайди: “Материал сифати - бу талаб хоссаларига боғлиқ бўлиб, материалнинг қайта ишланилиши ва ишлатилиши учун яроқлилиги демакдир”.

Махсулотнинг сифат кўрсаткичи - ГОСТ 15467-70 стандартига биноан маҳсулот хоссасининг микдорий ҳусусияти бўлиб, сифат таркибиغا киради, яъни уни яратиш ва ишлатиш, ҳамда истеъмолчиларга етказишдаги талабини кондириш.

Тұқимачилик материалларининг сифат кўрсаткичлари бўйича талаб шартлари стандартлар, техник шартлар ёки қандайдир бир меъёрий-техник хужжатларда келтирилган бўлади.

Барча маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари ифодаланиши бўйича **ўлчамли ва ўлчамсизга** (нисбий ёки балли) бўлинади.

Сифатни баҳолаш дараҷаси - бу жараёнларнинг жами бўлиб, ўзига сифат кўрсаткичларининг номенклатурасини кўшади ва маҳсулот сифатини бошқариша уларнинг сонли кийматини, шу билан биргаликда базали ва нисбий кўрсаткичларини аниклайди.

Махсулот хоссаси – маҳсулотнинг яратилиши, ишлатилиши ёки истеъмолида ҳосил бўлувчи объектив имкониятлар.

Хозирги пайтда меъёрий-техник хужжатларнинг талабларини хисобга олган ҳолда, тұқимачилик материалларининг сифат кўрсаткичларини баҳолашда маҳсулотнинг нави аникланади, аттестациялаш даврида эса унинг сифат боскичи белгиланади.

Махсулот сифатини назорат килиши - бу төкширишга боғлиқ бўлган маҳсулот сифат кўрсаткичлари талабларида белгиланади.

Синов - объектни микдорий ёки сифат хоссалари бўйича экспериментал аниклаш демакдир.

Синов услуги – синов ишларини ўтказиш учун белгиланган принципларнинг кўлланилишидаги жами қоидалари.

Махсулот сифати бошлангич қийматга эга бўлади. Шу сабабли маҳсулот сифатини баҳолаш ёки ўлчашда куйидагиларни аниклаш ва асослаш лозим:

-тўла-тўқис ишончли баҳолаш усуслари материал хоссаларининг меъёрий шартларига боғликлиги бўлиб, бу хоссаларни аниклашда хатоликлар хисобга олинади;

-сифат кўрсаткичларини танлаш, материалнинг ишлатилишга тўла-тўқис яреклигини қўрсатади;

-таъминловчи имкониятларини хисобга олган холда меъёрий шартларнинг рационал даражаси.

Махсулот сифат кўрсаткичини ифода этган бирлигига караб куйидагиларга ажратиш мумкин:

-микдорий бирликларда акс этган;

-микдорий бўлмаган бирликларда акс этган;

-асосга биноан синаш йўли билан олинган;

-биргина хоссасини ифода этувчи;

-бутун бир неча хоссасини ифода этувчи.

Махсулот сифатини баҳолашда натижанинг қанчалик тўғри ва ҳақиқатга яқин бўлиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Масалан, бир тўп матонинг сифат кўрсаткичини аниклашда одатда оддий стандарт синаш усули ишлатилади. Ўлчашнинг хатолиги 5 фоиздан ошмайдиган маҳсус асбоб-ускуналар ёрдамида бажарилади. Синов ишларини олиб боришдан олдин намуна белгиланган шароитда сакланиши лозим. Бунда бошлангич кўрсаткичларини белгилаш катта аҳамиятга эга. Бошлангич кўрсаткичлар ўз навбатида тўғри ёки нотўғри, аҳамиятли ёки аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Текшириш орқали аникланган ўлчашлар маҳсулот сифат даражасини мужассамлаштирган негизли кўрсаткичлар билан таққосланади. Шунинг натижасида, бу даража ё ўзгаради, ё ўзгармайди, ёки умуман доимий колиши мумкин.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Махсулот сифати ҳақида маълумот беринг.
2. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи нима?
3. Махсулот сифат кўрсаткичига таъриф беринг.
4. Махсулот хоссаси деганда нимани тушунасиз?
5. Сифатни баҳолаш даражаси тучунчасининг таърифини келтиринг.
6. Синов услуги нимани билдиради?

Эслаб қолинг!

Маҳсулот сифати- маҳсулотнинг жами хоссалари, маҳсулот хоссаси – маҳсулотнинг истеъмолида хосил бўлувчи объектив имкониятлар.

Ўқув материаллари таъминоти

1. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.

2. Ўз ДСТ ИСО 9001:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.

3. Уз ДСТ ИСО 9002:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.

4. Уз ДСТ ИСО 9003:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях.

5. РСТ Уз 5.0-98 НСС Уз. Основные положения.

6. Ўз ДСТ 5.5:1998. НСС Уз. Основные термины и определения.

7. РСТ Уз 16.0-98 СА Уз. Основные положения.

2.8. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Тўқимачилик материаллари ва бошқа турдаги маҳсулотларнинг сифатини баҳолаш, унинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва ўлчаш ишлари бўйича олинган натижаларни ҳамда стандарт ва мөъбрий-хужжатларга солиширилгандаги баҳосига асосланган бўлади. Чунки, маҳсулот хоссаларини аниқлаш услублари асосан стандартлар ва бошқа мөъбрий хужжатларда батафсил келтирилган бўлади.

Тўқимачилик материалларнинг сифатини баҳолашнинг бир қанча услублари мавжуд бўлиб, уларга экспериментал, органолептик, эксперт, социологик, хисобланган, дифференциал, комплекс ва аралаш кабилар киради.

Экспериментал услуг – тўқимачилик материалларининг хоссаларини ўлчаш йўли билан (инструментал услуг) ёки нуксонларнинг сонини хисоблаш ва санаш йўли билан олинади.

Органолептик услуг – инсониёт танасининг ҳислари ва сезигирлигига караб, ҳамда синаалаётган тўқимачилик материалларини еталонга солиштириш йўли билан сифат кўрсаткичлари аниқланади. Бу услуг ёрдамида тўқимачилик материалларининг сифатига тўғри баҳо бериш кераклиги, ҳамда мутахассисларнинг малакасига ва билим савиёсига кўпроқ бөглиқ бўлади. Чунки, мутахассисларнинг хуносасига караб маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи белгиланади.

Эксперт услуг – тўқимачилик материаллари ва буюмларининг сифат кўрсаткичларини сони 7 тадан 12 тагача ташкил топган мутахassis-экспертларнинг баҳоларига асосан аниқлайди ва улар кичик-кичик

гурухчаларни ташкил этади, ҳамда баҳолашда экспериментал ва органолептик услублардан ҳам фойдаланилади. Экспертлар талаб субъектиниң баҳосини камайтириш ишләрини күйидаги тартибда амалга оширади. Башланышида эксперктар бир-бирига боғликсиз равиша маҳсулот сифатини қайд этади, кейин эса биргаликда муҳокама килади ва ҳар бир эксперт ўзининг хулосасини билдиради, ҳамда олинган умумий эксперт-мутахассисларнинг хулосаларидан кейин маҳсулотнинг сифатига янги баҳо беради.

Олинган аник натижка кўрсаткичлари мутахассис-экспертларнинг камидан учтасининг овоз бериш натижасига караб баҳоланади. Ундан ташқари, овоз бериш натижалари учтадан кўпроқ бўлишилиги ҳам мумкин. У мутахассисларнинг билим даражаси ва малакасига боғлик бўлади. Сифат босқичи бўйича тўқимачилик материаллари аттестацияланади ва мутахассис-экспертларнинг ўзаро овоз бериш тартибига биноан хулоса чиқарилади. Агар маҳсулот сифатли деб топса, унда шу маҳсулотга сифат белгиси берилади.

Социологик услуг – истеъмолчиларнинг таклиф ва муроҷаузаларидан келиб чиқкан ҳолда маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи баҳоланади. Бу ерда асосий эътиборни тўғри ва аник маълумотларни йигишга қаратилади, ҳамда сифат кўрсаткичларини баҳолаш бўйича етарли даражадаги хулоса эга бўлиши шарт. Акс ҳолда маҳсулот сифатига салбий тучунчани келтириб чиқариш мумкин.

Хисоблаш услуги – тўқимачилик материалларининг сифат кўрсаткичлари ва тузилиши кўпгина омилларга, масалан, технологик жараёнларнинг таъсири ва шу билан биргаликда бошлангич материал хоссаларига боғликлиги хисоблаб чиқилади. Бу услуг тўқимачилик материаллар сифатини ва технологик жараёнларни лойихалашда кенг кўлланилади.

Тўқимачилик материалларининг сифат кўрсаткичларини баҳолашда ишлатилган барча услублардан турли якуний хулосалар келиб чиқади, шу сабабли маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини баҳолашда дифференциал, комплекс ва аралаш услублар ишлатилади.

Сифатни дифференциал баҳолаш услуги – маҳсулотнинг алоҳида хоссалари, ҳамда буюмларнинг нуксонли бўлган қисмларининг ўлчамсиз кўрсаткичлари бўйича сифатни баҳолаш ишлари амалга оширилади, шу билан биргаликда комплекс ва аралаш сифатни баҳолаш услублари ҳам мустакил равиша ишлатишга тўғри келади. Биринчи ҳолатда, маҳсулотнинг баъзи бир сифат кўрсаткичлари бўйича кўпгина алоҳида бўлган ўлчамли ёки ўлчамсиз баҳолашни беради. Иккинчи ҳолатда эса жами маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари бўйича нави, синфи, гурухи ва бошка сифат кўрсаткич натижаларининг оралиғи аникланади, ҳамда умумий йигиндили индекси, коэффицентлар ёки кўрсаткичлари хисобланади.

Сифатни комплекс баҳолаш услуги – сифатнинг алоҳида кўрсаткичлари бўйича материални биргаликда баҳолаш ишлари баъзидан материалнинг битта кўрсаткичидан бир канча комплекс асосий хоссаларини умумий баҳолаш

кераклигини келтириб чикаради. Натижада, бу түкимачылык материалларининг сифатини ўмумий баҳолаш дейилади, масалан, зигир толали ҳом ашенинг номери, бир жинсли жуннинг сифати ва бошқалар.

Махсулот сифат кўрсаткичлари комплекс баҳолашнинг мөхиятига боғлиқлиги ҳакиқий ва тақрибий комплекс баҳолашга бўлинади.

Ҳакикий комплекс баҳолаш белгиланган физик мақсадга эга бўлиб, улар кўпинча толанинг йигирилувчанлик кобилияти, ҳамда буюмнинг ишлатилишидаги хизмат муддатини ифодалайди.

Хәкикүй комплекс баҳолаш ҳар доимий тақрибий баҳолашга нисбатан яхшироқдир. Масалан, пахта толаси таркибидағы нұқсан ва чикиндилар міндері хәкикүй комплексінде хүсусияттың дейилдігі.

Комплекс баҳолашнинг афзаллiği шундаки, унда бир сонли якуний баҳолаш бўйича хуоса килинади. Бу баҳолаш афзаликлар билан бир каторда, камчиликлардан ҳам ҳоли эмас, яъни алоҳида хоссалари ҳакида тўлик маълумотга эга бўлмаймиз. Ҳом ашёни тўғри танлаш учун, технологик жараённи бошқариш ва ишлатилиш даврида материалдан расионал фойдаланишни билиш лозим. Шуни эътиборга олиш лозимки, у ёки бу материалнинг бошлангич хоссалари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига ижобий ва технологик жараён ҳаракатига салбий таъсири этиши мумкин. Тола қанчалик ингичка бўлса, ундан тайёрланаётган ипнинг солиштирма мустаҳкамлиги шунчалик юкори ва нотекислиги кам бўлади, ҳамда ташки кўриниши силликрок бўлади. Шуни унутмаслик керакки, у ёки бу сифатни комплекс баҳолашни алоҳида сифат кўрсаткичларини турли ҳисоблашдан олиш мумкин. Бир қанча сифат кўрсаткичларнинг даражаси бўйича ўртача комплекс баҳолаш Ўзгармаслиги мумкин, уларнинг бир кисми пастки даражага, бир кисми юкори даражага эга бўлиши мумкин.

Шундай килиб, материалнинг алоҳида сифат кўрсаткичларини ўзгартирмасдан комплекс баҳолашни тўлдириб бориц мумкин.

Сифатни аралаш баҳолаш услуги – жами сифат кўрсаткичлари жуда юкори бўлгандагина ишлатилиди, битта комплекс сифат кўрсаткич махсулотнинг бутун имкониятларини тўлиқ характерлашга имконияти етмайди.

Аралаш баҳолаш услубида бир қанчага комплексли баҳолаш ёки алоҳидадифференциал билан комплекс баҳолаш биргаликда ишлатилади, ҳамдамахсулотнинг сифат босқичини, навини ва бошқаларни олишга имконияттуғдиради. Тўқимачилик материаллари учун баъзида комплекс сифаткўрсаткичларидан энг ёмони бўйича баҳоланади, кейин эса бу баҳони бошқакўрсаткичларнинг кийматлари бўйича аниклаштирилади.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Экспериментал услубни изохланг.
 2. Органолептик услуг тушунчасининг таърифини келтиринг.
 3. Эксперт услуби қандай услуг?
 4. Ҳисоблаш услугига тушунча беринг.
 5. Сифатни дифференциал баҳолаш услуги хакида маълумот беринг.
 6. Сифатни комплекс баҳолаш услуги қандай амалга оширилади?

Эслаб колинг!

Экспериментал, органолептик, эксперт, социологик, хисобланган, дифференциал, комплекс ва аралаш услублар.

Ўқув материаллари таъминоти

1. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.

2. Ўз ДСТ ИСО 9001:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.

3. Ўз ДСТ ИСО 9002:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.

4. Ўз ДСТ ИСО 9003:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях.

5. РСТ Уз 5.0-98 НСС Уз. Основные положения.

6. Ўз ДСТ 5.5-1998 НСС Уз. Основные термины и определения.

7. РСТ Уз 16.0-98 СА Уз. Основные положения.

2.9. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ

Саноат вужудуга келгунга қадар маҳсулот алоҳида шахслар ёки кичик гурухлар томонидан, кўпинча бир оила доирасида ишлаб чиқарилган. Якка хунармандларнинг ўзлари сифатни бошқариш бўйича ҳам маъмурий, ҳам техник ишларни бажаришган. Улар истеъмолчиларнинг талабларини билишган, уларни кондиришни режалаштиришганлар ва ассортиментини белгилашган.

Аста-секинлик билан ер юзида саноат ривожланиб борган сари ишлаб чиқариш воситалари ва ташкилий шакллар мураккаблашган сари сифатни таъминлаш муаммоси ҳам ортиб борди. Барча турдаги ишларни режалаштириш, назорат килиш бўйича бошқарув фаолиятини бир нечта шахслар ўртасида тақсимлашга тўғри келди. Лекин, сифат мезъёларини белгилаш, эришилган натижани баҳолаш, мухим тадбирларни амалга ошириш каби масалалар ечимини ҳал килиш иши бошқарувчи томонидан амалга оширилди.

Фан ва техниканинг ривожланиши натижасида сифат боскичининг мояхияти ортиб борди, чунки баъзи бир ҳолларда сифатнинг бузилиши нафақат маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонага, балки ахолига ҳам зиён келтириши мумкин.

Йирик корхоналарнинг пайдо бўлиши натижасида, техник мутахассисларни шакилланишига, бу эса техникага оид кийинчиликларни ҳал қилишига сабаб бўлсада, лекин сифатни бошқариш соҳасидаги турли хил кийинчиликларни бартараф этиш имконияти бўлмади. Шу пайтларда бутун корхона микиёсида режалаштириш ва назорат килиш ишларининг ягона тизимини яратиш ўрнига, ҳар бир бўлум ўз манфаатини кўзлаган ҳолларда иш килар ва ўз назоратларини жорий этардилар. Натижада, турли

бўлинмалар ўртасидаги мувофиқлашув бузилиб, мунтазам ўзаро ихтилофларнинг келиб чикишига сабаб бўлар эди.

Махсулот сифатини бошқариш, яхши буюмни ёмон буюмдан ажратиш билан кифояланадиган назоратдан фарқ килади. Буюм сифатини ишлаб чикариш жараёни тугагандан сўнг назорат натижаси бўйича ўзгартириб бўлмайди, худди шундай маҳсулот сифати ва ишончлилигини, сифатиз буюмларни сифатини аниклаш йўли билан кўтариб бўлмайди.

Сифатни бошқаришнинг асосий вазифаларидан бирি нуксонли маҳсулотнинг каерда пайдо бўлишидан катъий назар, унинг сабабларини аниклаш, сўнгра бу сабабларни бартараф этиш ва юкори сифатли маҳсулот ишлаб чикаришни таъминлашdir.

Маҳсулотлар сифатини яхшилаш авваламбор турли саноат корхоналарининг ишини мувофиқлаштириш билан, шу жумладан, маҳсулот ишлаб чикаришни режалаштириш, лойихасини ишлаб чикариш, такомиллаштириш ва ишлатишнинг барча босқичларида кўпгина илмий-текшириш, синов-конструкторлик ишларини олиб бориш, ҳамда бошка ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

Бундай шароитларда янги сифатни бошқариш атамаси пайдо бўлиши билан боғлиқ тизимли ёндашув зарур бўлиб қолди. Бу маҳсулот сифатини зарурий даражасини белгилаш, таъминлаш ва қувватлаш максадида уни яратишда ва ишлатишда ёки истеъмол қилишда бажариладиган фаолиятни англатади.



I-расм. Maҳsulotning haётii даври


Сифатнинг зарурий даражаси ҳалқ ҳўяжалиги эҳтиёжларини кам ҳаражатлар билан қондириш учун мамлакатимиз, ҳамда хорижий давлатларнинг илфор илмий-техник ютуқларига таянган холда, тадқикот ва лойихалаш даврида тайинланади. Сифатни бошқариш даври мухим аҳамият касб этади, чунки айнан шу ерда конструкторлик-технологик ҳужжатларда қайд этилган ишлаб чикарилаётган маҳсулотнинг техник-иқтисодий ва ишлатилишдаги асослари шаклланади ва ҳисобланади. Маҳсулот сифати ишлаб чикариш даврида таъминланади. Турли шароитларда дастлабки ишланаётган ҳом ашё ва ишлаб чикарилаётган тайёр маҳсулотлар сифати меъёрий ҳужжатлар билан белгilanади. Маҳсулот ишлаб чикариш даврида сифатини баҳолаш мезони бўлиб ишлаб чикарилган буюмнинг ҳакиқий

техник-иқтисодий кўрсаткичлари, ҳамда унинг лойинча ҳужжатларида кўрсатилган кўрсаткичларига мослих дараҷаси хизмат килади (1-расм).

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини назорат килиб бориш ишлари саклаш, сотиш, ишлатилиш ва истеъмол килиниш даврида кузатиб борилади. Бундай холларда маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, таъминланган сифат дараҷасини йўқотмаслик муҳим ҳисобланади. Ишлатилиш даврида маҳсулотнинг ҳақиқий сифат дараҷаси тўлиқ ва тўла намоён бўлади. Факат истеъмолчигина бевосита ишлатиш даврида тайёр маҳсулотнинг барча афзалликлари ва камчиликларини объектив ва муносиб баҳолай олади. Ишлатилиш даврида сифатни баҳолаш мезони бўлиб маҳсулотни техник ҳужжатларида қайд этилган кўрсаткичларини унинг сифат кўрсаткичларига мослиги, яъни уни яратишда реал истеъмолни кондириш учун хизмат килади. Ишлатиш даврида маҳсулот сифатини саклаб туриш, ишлатиш ва таъмирлаш ҳужжатларига, эҳтиёт кисмлар ва ишлатувчи ва таъмирловчи ходимлар меҳнати сифатига боғлиқдир. 2-расмда сифатни тайинлаш, таъминлаш ва саклаб туришни асосий босқичлари келтирилган.

Шундай килиб, сифат барча турдаги саноат маҳсулотининг хусусиятлари маъмуаси бўлиб, илмий изланишлар, конструкторлик ва технологик ишланмалар пайтида асос солинади, ишлаб чиқариш ва ишлатиш даврида намоён бўлади.

Фараз киласиз, биз осма китоб жавони ясашга қарор килдик. Бу ерда сифатни бошқариш тизими йўқдек туюлади, лекин бизга мураккаб ишлаб чиқариш жараённига эга бўлган корхонада учрайдиган бошқаришни барча босқичларини босиб ўтишга тўғри келади. Фарки шундаки, бу босқичлар анча содда бўлади.



2-расм. Маҳсулот сифатини шакллантириш ва таъминлаш босқичлари

Жавонни уйда ясашни корхона шароитида ясашга нисбатан афзалликлари бор. Буюртмачи ва ижрочининг бир шахс эканлиги барча фаолиятни бошидан охиригача мувофиқлаштириши идеал имкониятини беради. Корхонада вазифани бажариш учун кўп ишлини хизматчилар жалб килинади, уларнинг хар бири ўз вазифасини аник билиши ва тушуниши керак бўлади. Биринчидан, истеъмолчиларнинг талабларини билиш ва маҳсулот сифатининг мос дараҷасини белгилаш керак. Маҳсулотни лойиҳалашда лойиҳаловчилар факат истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чикмасдан, ишлаб чиқарувчи корхонанинг имкониятларини ҳам ҳисобга олиши керак.

Белгиланган сифат дараҷасига эришиш учун етарли шарт шароитлар яратилади, технологиялар ишлаб чиқарилади, дастгоҳлар ва ускуналар тайёрланади, керакли материаллар харид килинади, техник назорат этилади, ишлини хизматчиларнинг малакаси оширилади. Биринчи маҳсулотдан ишлаб чиқариш жараёни созланади, аникланган камчиликлар бартараф этилади ва ишлаб чиқариш даврида эришилган сифат дараҷаси таъминланиб борилади.

Маҳсулот сифатини ўзгармас деб бўлмайди. У жамиятнинг вакт ўтиши билан ўзгариб борувчи эҳтиёжига боғлик равишда ўзгариб туради. Кеча ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулот бугун сифатсиз бўлади, бугун сифатли деб хисоблангани эртага сифатини йўқотади. «Ҳечдан кўра кеч» мақоли маҳсулот сифати учун мутлоко тўғри келмайди. Сифатни ўз вактида таъминлаш керак, акс холда маҳсулот мақсадга мувофиқ бўлмайди ва яроксиз хисобланади.

Маҳсулот сифати ҳақида факат унинг кўрсаткичлари бўйича хулоса чиқариш тўғри бўлмайди. Бу кўрсаткичларни истеъмолчи талаблари билан мувофиқлаштириш зарур. Маҳсулотга бўлган талаб унинг сифатига, нархига ва етказиб бериш муддатига боғлик (3-расм).

Ахолининг турмуш дараҷаси, унинг ўқимишлилик ва маданият дараҷасининг ўсиб бориши билан сифат биринчи дараҷали аҳамият касб этади. Сифатнинг пасайиши, нархи баланд бўлган бир хилдаги маҳсулотларни кўп микдорда ишлаб чиқариши, ҳамда уни зарур вактда етказиб берилмаслиги истеъмолни камайтиради.



3-расм. Маҳсулотга бўлган асосий талаблар ва уларнинг зарурий мезонлари

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жамият эҳтиёжига мувофиқлигининг зарўрияти ишлаб чиқариш воситаларига ҳам, истеъмол молларига ҳам бир хилда таъллуклидир.

Саноат корхоналарининг асосий мақсади сифат, микдор, нарх ва вакт кўрсаткичлари билан белгиланувчи ҳалқ ҳўжалиги ва ахоли эҳтиёжини тўлик кондиришини таъминлаш деб хулоса қиласа бўлади.

Халқ ҳўжалигига, истеъмолчига имконияти борича арzon нархда (танинархда), етарли микдорда ва керакли вактда энг юкори сифатли маҳсулот (шу жумладан хизмат кўрсатиш ва ишлатишда ҳам) яратиб бериш керак. Бу ҳалқ ҳўжалигини бошқаришнинг энг асосий ва бош вазифасидир.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Маҳсулот хусусияти деб нимага айтилади?
2. Маҳсулот сифати тушунчасига таъриф беринг.
3. Умумлашган кўрсаткич деб нимага айтилади?
4. Гурӯхли кўрсаткич тушунчасига таъриф беринг.
5. Интеграл сифат кўрсаткич тушунчасини изоҳланг.

Эслаб қолинг!

Базали киймат, номинал киймат, белгиловчи кўрсаткич, умумлашган кўрсаткич, гурӯхли кўрсаткич, маҳсулотнинг танҳо сифат кўрсаткичи.

Ўкув материаллари таъминоти

1. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.
2. Ўз ДСТ ИСО 9001:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
3. Уз ДСТ ИСО 9002:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
4. Уз ДСТ ИСО 9003:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях.
5. РСТ Уз 5.0-98 НСС Уз. Основные положения.
6. Ўз ДСТ 5.5:1998. НСС Уз. Основные термины и определения.
7. РСТ Уз 16.0-98 СА Уз. Основные положения.

2.10. БАРЧА ҲАЁТИЙ БОСҚИЧЛАРДА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ

Маҳсулот сифатини бошқариш барча ҳаётий босқичларда, яъни тадқиқот ва лойиҳалаш, тайёрлаш, истеъмол ёки ишлатилишида амалга оширилади.

Тадқикот ва лойихалаш боскичлари маҳсулот сифатини оширишда катта ахамиятга эгадир. Тадқикот ва лойихалаш боскичларидан бошвариш максадлари юкори сифат боскичига боғлиқ холда маҳсулот сифат даражасини мунтазам равиша шакллантириб бориш, замонавий илмий-техник жараёнларнинг ютуклари ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараённида истеъмол талабини тахлил этиш, маҳсулотни тайёрлаш, истеъмол ёки ишлатилиш даври учун меъёрий-техник хужжатларнинг жамини тайёрлаш ёки белгиланган иктиносидий кўрсаткичларга амал қилиш муҳим рол ўйнайди.

Бу боскичда куйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- техник топшириклар ва мавжуд стандартлар, техник талаблар ва бошқа меъёрий-техник хужжатларга боғлиқ равиша сифат кўрсаткичларига эга бўлган моделлар, ҳамда намуналарни яратишга йўналтирилган илмий-тадқикот, синов-конструкторлик ва бошқа ишларни бажариш;
- меъёрий-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва уни кенг кўламда тадбик этиш;
- стандартларни назорат қилиш учун назорат меъёрини амалга ошириш;
- маҳсулот сифат даражасини ҳар томонлама тахлил қилиш ва оптимиллаштириш;
- маҳсулот сифатини режалаштирилган даражага кўтариш мақсадига йўналтирилган конструкторлик ва технологик тадбирларни ишлаб чиқиш, уларнинг тайёрланиш услублари ва воситаларини яратиш, синов ва назорат қилиш;
- республикамиз миқёсида ва хорижий давлатларда ишлаб чиқарилаётган барча турдаги маҳсулотларнинг сифати ҳакидаги маълумотларни мунтазам тахлил килиб бориш;
- маҳсулот сифат кўрсаткичларини синфлаш ва аниқлаш, шу билан биргаликда сифат даражасини баҳолаш;
- маҳсулот сифатини аттестациядан ўтказиш учун хужжатларни тайёрлаш;
- илмий-тадқикот ишлари, агарда у маҳсулотни тайёрловчи-корхонада ўтказилаётган бўлса, конструкторлик ва технологик бўлимларда амалга ошириш.

Маҳсулот ишлаб чиқарилаётганда унга сифат даражаси берилади, кейинчалик ишлаб чиқаришда таъминланади, ишлатилаётганида, ҳамда истеъмол қилиш даврида сақланиб колади. Ишлаб чиқариш боскичида маҳсулотнинг сифатини бошқариш тизими янги яратилаётган маҳсулотнинг сифатини доимий ва юкори техник даражада таъминлайди. Ишлаб чиқариш боскичида сифатни бошқариш бўйича мураккаб ва масъул бўлган маҳсус дастурлар тузилади.

Маҳсулотларнинг янги намуналарини ишлаб чиқариш соҳанинг маҳсус илмий-тадқикот ёки лойихалаш институтларида, конструкторлик ва технологик бўлимларида ишлаб чиқарилади. Такомиллаштирилган ишларни ва маҳсулотларнинг янги намуналарини принципијал яратилиш

боскичларини, ҳамда барча саноатда мавжуд ишларни ҳарактери бўйича ажратиш керак.

Махсулотнинг янги турдаги намуналари маҳсус илмий-тадқикот конструкторлик ёки лойиҳалаш институтларининг конструкторлик ва технологик бўлинмаларида яратилиди.

Махсулотни яратилиш боскичидаги тайёрланиш жараёнларида, ҳамда уларни ўтказишида мавжуд стандартларнинг шартларини тарқатиш ва ўрганиш ҳамда ягона конструкторлик хужжатларининг тизими (ЕСКД) ва ягона технологик хужжатлар тизимини кўллаш керак бўлади.

«Лойиҳалашни ишлаб чиқаришда жорий этиш» даврини кискартириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Берилган боскичда мақсад ва вазифаларнинг ютуғи илмий-тадқикот, лойиҳалаш, конструкторлик ва технологик ташкилотларда сифатни бошқариш тизимини яратиш имкониятига эгалигидир.

Тайёрланиш боскичида сифатни бошқариш мақсади режадаги топширик билан боғлиқ ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ва биринчи ҳаётий жараён давридаги сифат даражаси билан, ҳамда белгиланган иктиносидий кўрсаткичларга риоя қилган ҳолда, маҳсулот сифатини мунтазам равиша ошириб бориш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш йўли билан синов ёки ишлатилиш асосида маҳсулот сифатини яхшилашдир.

Тайёрланиш боскичида сифат кўрсаткичларини бошқариш маҳсулотни тайёрлаш даврида оптималь технологик жараёнларни танлаш ва ишлаб чиқаришнинг иктиносидий кўрсаткичларини оширишдир. Тайёрланиш боскичида маҳсулот сифатини ошириш корхонанинг асосий вазифаси хисобланади.

Ишлаб чиқариш боскичида қуйидаги тадбирлар амалға оширилади:

- маҳсулотни боғлиқсиз тайёрлаш;
- назорат-ўлчаш техникалари, дастгохларнинг керакли сифат даражасини таъминлаш ва назорат қилиш;
- маҳсулот сифатини ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни яратиш ва амалга ошириш, меъёрий-техник хужжатларнинг шартларига мос келмаган нуксонли маҳсулотнинг сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш йўлларини излаб топиш;
- меъёрий-техник хужжатларни яратиш ва риоя қилиш;
- корхонага келадиган хом ашё ва хомаки маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни синаш ва назорат этиш;
- меъёрий-техник хужжатларнинг шартларига риоя қилишини назорат қилиш;
- ишлатилиш боскичида, нуксонларини хисобга олган ҳолда маҳсулот сифати ҳакида маълумотларни йиғиш ва тўлдириш;
- меъёрий-техник хужжатларнинг шартларига риоя қилиб бориш ва уни назорат этиш;

- хом ашё, материаллар, хомаки ва тайёр маҳсулотларни меъёрий-техник ҳужжатларнинг шартларига боғлиқ ҳолда, омборхоналарда саклашни ва завод ички транспортларида ташишни таъминлаш ва назорат килиш.

Ишлаб чиқариш корхонаси ва ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот сифатини бошқариш тизими орқали ишлаб чиқариш боскичида қўйилган мақсад ва масалаларга эришилади.

Ташиш вактида маҳсулотнинг ифлосланиши, намлик таъсири, силкиниш ва зарбалардан сакланиш усуслари, маҳсулотни тўғри ортиш, жойлаштириш ва тушириш тартиблари келтирилган бўлиши керак.

Тайёр маҳсулотларни саклаш вактида икlim ва бошқа номақбул таъсирлардан ҳимоя қилинган бўлиши керак. Бу ерда тайёр маҳсулот сифатини максимал даражада саклаш ва уни истеъмолчиларга ўз вактида етказиш керак, яъни бу ишларни транспорт ва сотувдаги маҳсулот сифатини бошқариш тизими таъминлайди. Корхона ўзида ишлаб чиқарган маҳсулотларни ишлатиш вактида ва шу жараёндаги барча тадбирларда, фаоллиги ва самараси учун ҳар томонлама қайгуриши керак. Бу масала фойдаланиш ва таъмирлаш корхоналари, саклаш омборлари ва базалари, илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюоролари, лойиҳалаш ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ҳал килиниши лозим.

Бу максадларга эришиш учун маҳсулот тайёрловчи корхонада қуйидаги тадбирларни амалга ошириши лозим:

- истеъмолчиларда мавжуд бўлган буюмнинг сифати ҳакидаги маълумотларни йигиши, қайта ишлаши ва тахлил килиши;
- истеъмолчиларни фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатлари, ҳамда оптимал оралиқ таъмирлаш ресурси билан таъминлаш;
- маҳсулотнинг кафолатли таъмирланиш ишларини мунтазам бажариш;
- истеъмолчиларни захира қисмлари, асбоб-ускуналар ва буюмларни ишлаб чиқаришга ярокли бўлган керакли асбоблар билан таъминлаш.

Бу тизим маҳсулот сифатини оширишга таъсир килувчи техник, иктисодий, социал, ташкилий ва идеологик тадбирларни бир-бири билан боғлайди ва бирлаштиради.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Маҳсулот сифатини бошқариш боскичлари қандай?
2. Ишлаб чиқариш боскичида қандай тадбирлар ўтказилади?
3. Маҳсулот тайёрловчи корхонада қандай тадбирларни ўтказади?

Эслаб колинг!

Сифатни бошқариш, меъёрий-техник ҳужжат, ўлчаш асбоблари, истеъмолчи, маҳсулотнинг кафолатли таъмирланиши, тадбир, оптимал оралиқ.

Ўқув материаллари таъминоти

1. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.
2. Ўз ДСТ ИСО 9001:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
3. Уз ДСТ ИСО 9002:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
4. Уз ДСТ ИСО 9003:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях.
5. РСТ Уз 5.0-98 НСС Уз. Основные положения.
6. Ўз ДСТ 5.5:1998. НСС Уз. Основные термины и определения.
7. РСТ Уз 16.0-98 СА Уз. Основные положения.

2.11. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ УСЛУБЛАРИ

Маҳсулот сифатини бошқариш ишлари бошқариш объектларига боғлиқсиз равишда бўлиб, маҳсулот сифат кўрсаткичлари ва турли омилларга боғлиқ бўлади. Бошқарув вазифаларини қайта ишлаш бошқарув дастурида берилган бошқариш жараёнининг ҳакиқий холати ҳакидаги маълумотларни солиштириш асосида амалга оширилади.

Бошқарув объектларининг таъсири бошқарув жараёнининг ҳакиқий холатини сақлашга ёки бу холатни тузатишга каратилган бўлиши лозим. Маҳсулот сифатини бошқариш тизими-бошқарув идораларини ва бошқарув объектларининг жами маҳсулот сифатини бошқариш даврида материал-техник ва маълумотли воситалар ёрдамида ўзаро таъсирида бўлади. У маҳсулот сифатини бошқариш мақсадини таъминлаш бўйича ўзаро боғликларидаги бўлган корхоналар, ташкилотлар, иктиносидий ва социал тадбирларин кўриб чиқади. Бошқариш мақсади талаф этилаётган маҳсулот сифат даражаси дейилади.

Маҳсулот сифатини бошқариш тизими жамоа, техник курилмалар, материал воситалари ва маълумотлар оқимини ўз ичига камраб олади. Маҳсулот сифатини бошқариш умумий бўлган барча турдаги функциялар учун куйидаги бошқарув давридаги намунавий элементларни ўзига кўшади: олдиндан айтиб бериш ёки режалаштириш; ишни ташкил этиш; ўзаро мувофиқлаштириш ва тартибга келтириш; активлаштириш ва рағбатлантириш; назорат, хисоб ва тахлил.

Маҳсулот сифатини бошқариш тизимида бошқариш жараёнлари умумий ҳолатда икки гурухга бўлинади:

1) ишлаб чиқариш тизимини юкори даражага кўтариш, яъни маҳсулотларни юкори технологик жараёнга ва сифатга эгалигини яратишни таъминлаш;

2) мұстахкам холатидаги ишлаб чиқариш тизимиға ёрдам беріш валежалаштирилған сифат даражасидаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда үзлаштиришины таъминлаш.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни умумий бошқариш назариясига боғлиқлик холда қуидаги жараёнлардан иборат бўлади:

- бошқариш дастурини яратиш, маҳсулот сифатини оширишини режалаштириш;
- маҳсулот сифатига таъсир этувчи турли обьектлар холати ҳақидаги маълумотни олиш ва таҳлил этиш;
- сифатни бошқариш ва обьектга таъсирини тайёрлаш бўйича чоратадбирлар кабул килиш;
- бошқарув таъсирига узатиш;
- обьект сифатида ўзгатириш ҳақидаги маълумотларни олиш ва таҳлил этиш.

Маҳсулот сифатини бошқаришда бошқарув идораларидан турли манбалардан иборат бўлмиш маълумотлар мунтазам олиб борилади. Бу маълумотларда маҳсулотнинг ишлатилиши ва истеъмол талаблари келтирилади. Бу маълумотлар илмий-тадқикот ва лойиҳалаш-конструкторлик ишлари, ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифат даражасини режалаштириш ва олдиндан айтиб бериш учун асосий манба хисобланади.

Маҳсулотни тайёрлаш учун айнан маҳсулот сифатини характеристерлайдиган, уларни ишлаб чиқариш услублари, ишлатилиши ва тикланиши учун маълумотлар керак бўлади. Маҳсулотлар тайёрловчи корхона сифатни бошқариш бўйича тезкор ишлар учун тайёрланиш сифати, йигма кисмлари ва деталлари, технологик жараёнлар аниқлиги, нуксонларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бошка кўрсаткичлар ҳақида маълумотларга тўлиқ эга бўлиши лозим.

Бошқарув идоралари бошқариш таъсиrlарига боғлиқликда хулоса чиқаради. Бу таъсиrlар маҳсулотнинг якуний сифатига таъсир этувчи барча турдаги жараён ва обьектларга таъллуклидир.

Хозирги пайтда йирик саноат корхоналари автоматлаштирилған сифатни бошқариш тизимиға эга бўлиб, ЭҲМ ёрдамида маҳсулот сифати ҳақидаги, меъёрий-техник хужжатларни хисобга олиш, тайёрланаётган буюмлардаги нуксонларни таҳлил этиш каби маълумотларни таҳлил этиб боради.

Мақсадли бошқариш-бу бошқаришга профессионал ёндошиш бўлиб; қуидаги белгилаш мумкин:

- нима қилинган бўлиши лозим;
- нима учун килиниши лозим;
- качон килиниши керак;
- каерда килиниши керак;
- ким килиши керак;
- қандай килиниши керак (дастурни яратиш).

Махсулот сифатини ошириш муаммосига комплекс ёндошиша маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар ва шароитларни ўрганиш керак бўлади. Ҳайтий даврнинг турли боскичларидан маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар техник, ташкилий, иқтисодий ва социалга бўлинади.

Техник омилларга асбоб ускуналарнинг ҳолати, назорат воситалари ва асбоблари, техник хужжатлари, материал ва хомаки маҳсулотларнинг бошлангич сифат кўрсаткичлари киради.

Ташкилий омилларга ишнинг бир маромдаги, техник хизмат бўлими ва ускуналарни созлаш, материаллар билан таъминлаш, асбоблар, техник хужжатлар ва назорат воситалари; ишлаб чиқариш маданияти, ишнинг илмий жиҳатдан ташкил этиш, ишда истеъмол ва дам олишни ташкил этиш.

Иқтисодий омилларга иш хақининг микдори, сифат даражаси, нуқсондан кочиш, таннархи, маҳсулот нархи киради.

Социологик омилларга эса танлаш, кадрларни тўғри танлаш ва жойлаштириш, ишчи ва хизматчиларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш, илмий-техник ижод, яратувчанлик, майший-хизмат шароитлари, ишчи гурӯхига ўзаро муносабатда бўлиш ва ҳоказолар киради.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёнида техник, ташкилий, иқтисодий, социал ва идеологик тадбирларни яратиш ва бажариш керак.

Маҳсулот сифатини бошқаришда олдинги бошқариш услублари ишлатилади: иқтисодий, административ, социал-психологик ва идеологик.

Бошқариш услубида бошқарув идоралари ёрдамида маҳсулот сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар келтирилади.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Бошқарув вазифалари нималардан иборат?
2. Бошқариш жараёниларининг гурӯхлари ҳакида маълумот беринг?
3. Максадли бошқариш қандай белгиланади?
4. Маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларга нималар киради?

Эслаб колинг!

Бошқариш обьекти, бошқариш тизими, дастур, максадли бошқариш, техник омил, ташкилий, социал, социал-психологик ва идеологик бошқариш услуби.

Ўқув материаллари таъминоти

1. РСТ Уз ИСО 8402:1998. Управления качеством и обеспечение качества. Словарь.
2. Ўз ДСТ ИСО 9001:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.

3. Уз. ДСТ ИСО 9002:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при проектировании, разработке, производстве, монтаже и обслуживании.
4. Уз. ДСТ ИСО 9003:1999. Системы качества. Модель для обеспечения качества при окончательном контроле и испытаниях.
5. РСТ Уз 5.0-98 НСС Уз. Основные положения.
6. Уз ДСТ 5.5:1998. НСС Уз. Основные термины и определения.
7. РСТ Уз 16.0-98 СА Уз. Основные положения.

ІІІ-ҚИСМ. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

3.1. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш даврида саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхцилаш мухим объектив қонуниятга айланди, чунки «сифат» маҳсулотларнинг жаҳон бозорида ракобатбардошлигини таъминлайдиган асосий омиллардан биридир, албатта, маҳсулотнинг кўпга чидамлилиги, кафолатли муддатда хизмат килиб бериши бундан мустасно эмасdir.

Демак, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш унинг жаҳон бозорида ракобатбардошлигини таъминлаш учун барча саноат корхоналаридаги эски асбоб-ускуналар ўрнига замонавий бўлган хорижий давлатларнинг асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришда, қадоклаш, саклаш ва ташишда, ҳамда улардан самарали фойдаланганда қўйилган талабларга риоя килиш, маҳсулот сифатининг барқарорлигини таъминлаш лозимdir. Бу талаблар турли даражадаги меъёрий хужжатлар билан расмийлаштирилган.

Давлатлар орасида иқтисодий, техникавий, маданий алоқаларнинг ривожланиши халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган стандартлар жаҳон бозорида ракобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш билан уйгунлашади. Давлатлараро савдо-сотик муносабатларининг самарали бўлишида маҳсулот сертификацияси катта аҳамиятга эга. Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда қандай мамлакат бўлишидан катъий назар шу маҳсулот сифатига кафолат берувчи сертификациядан фойдаланади.

Маҳсулотни сертификациялаштириш товар ишлаб чиқарувчилар орасида ракобатли курашда ўзларининг савдо-сотикдаги мавкеини мустаҳкамлашда асосий воситалардан хисобланади. Мувофиқликни сертификациялаштириш-бу белгиланган маҳсулот, жараён ёки хизматнинг маълум стандартга ёки бошқа меъёрий хужжатга мос келишини етарли даражада исботлайдиган учинчи томон фаолиятидир. Маҳсулот ишлаб чиқаришда сертификацияни кўллаш оркали унинг сотув бозорида ракобатбардошлиги таъминланса, истеъмолчи олган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларининг барқарорлиги ва уларнинг меъёрий хужжатларга мос келиши кафолатланади.

Амалда ўз-ўзини сертификациялаштириш фаолияти ҳам айrim ҳолларда қўлланилади. Мувофиқликни сертификациялаштиришнинг асосий мақсади истеъмолчи истакларини, маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги ҳавфсизлик, инсон саломатлиги, атроф-мухит муҳофазаси масалалари бўйича химоя килиш, маҳсулотнинг ракобатбардошлигини таъминлашда учрайдиган турли техникавий тўсикларни бартараф килишдан иборат.

Стандартлаштириш ва сертификациялаштириш бўйича хукукий савдо ва қонуний боғланишлар куйидаги халқаро ташкилотлар оркали амалга оширилади:

- БМТ кошидаги Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭК);
- стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО);

- сертификациялаштириш бўйича ИСО қўмитаси (ИСО/СЕРТИКО);
- мувофиликни баҳолаш ИСО қўмитаси (ИСО/КАСКО);
- савдо ва таърифлар бўйича бош ассамблея (ГАТТ);
- ўлчов ва бирликлар халқаро ташкилоти (МОМВ);
- конуний метрология бўйича халқаро ташкилот (МОЗМ);
- сифат бўйича Европа ташкилоти (ЕОК);

Ўзбекистон Республикасида мувофиликни сертификациялаштиришда маҳсулот, жараён ёки хизмат:

- МДҲ давлатлари стандартлари;
- Ўзбекистон Республикаси миллий стандартлари;
- Ўзбекистон Республикасида кабул килинган халқаро стандартлар-нинг талаблари билан таъкосланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Маҳсулот ва хизмат сертификацияси тўғрисидаги» конунида хизмат обьектлари сертификациясининг иктисодий, ташкилий, хукукий томонларини расмийлаштиришдаги конун бўлиб, сертификация катнашчиларининг хукуклари, мажбуриятлари ва уларнинг нимага жавоб беришлигини англатади.

Бу конун тўртта бўлим ва 23 та моддан ташкил топган.

I-бўлим. Умумий тушунчалар.

1-модда. Асосий тушунчалар.

2-модда. Сертификациялаштиришнинг мақсади ва вазифалари.

3-модда. Сертификациялаштириши конунлаштириш.

4-модда. Халқаро шартнома ва келишувлар.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси сертификациялаштириш ташкилотлари.

6-модда. Сертификация обьектлари ва субъектлари.

II-бўлим. Умумий талаблар.

7-модда. Сертификация белгиси.

8-модда. Сертификациялаштириш конуни ва рухсатномаси.

9-модда. Сертификациялаштириш маълумоти.

III-бўлим. Мажбурий талаблар.

10-модда. Сертификацияни жорий килиш.

11-модда. Мажбурий сертификация ўтказишнинг шартлари.

12-модда. Мажбурий сертификация ўтказиладиган маҳсулотга қўйиладиган талаблар.

13-модда. Маҳсулотни мажбурий сертификациялаштиришда тадбиркор-нинг мажбуриятлари.

14-модда. Хориждан келтириладиган ва чикариладиган маҳсулот сертификацияси.

15-модда. Маҳсулотнинг мажбурий сертификациялаштириш бўйича ишларини давлат таъминоти.

16-модда. Мажбурий сертификациялаштириш коидаларининг бажарилишини давлат томонидан назорат килиш ва текшириш.

17-модда. Ихтиёрий сертификациялаштириш.

- 18-модда. Ихтиёрий сертификацияни амалга оширувчи субъектлар.
- 19-модда. Ихтиёрий сертификация тизимлари.
- IV-бўлим. Келишмовчиликларни ҳал этиш.
- 20-модда. Сертификациялаштириш қонунларининг бузилишидаги жавоб-гарлик.

21-модда. Норозилик варакаларини кўриб чикиш.

22-модда. Сертификациялаштириш ташкилотлари ва синон лабораториялари марказларининг жавобгарлиги.

23-модда. Мажбурий сертификация коидаларини бузганлиги тўғрисида корхоналар ва тадбиркорларнинг жавобгарлиги.

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг хукукий асосларини яратиш хукукий давлат қарор топишининг характерли хусусияти ва мажбурий шартидир. Ўзбекистонда бозор иктисодиётини амал килиши учун хукукий негиз яратувчи қонунлар қабул қилинган. Бу қонунларда республиканинг ижтимоий-иктисодий ва миллий хусусиятлари хисобга олинган.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Сертификациялаштириш ишлари кандай амалга оширилади?
2. Сертификациялаштиришнинг 1-нчи бўлими ҳақида маълумот беринг.
3. Сертификациялаштиришнинг умумий талабларига нималар киради?
4. Сертификациялаштиришнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Эслаб қолинг!

Стандартлаштириш ва сертификациялаштириш, маҳсулотнинг талабгорлиги, экспорт, импорт.

Ўқув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износостойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.2. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШГА ОИД АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

Стандартлаштириш, метрология, сертификациялаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш соҳалари бир-бiri билан узвий боғланган бўлиб, бир-бiriни тўлдиради. Жаҳон амалиётида қўлланиладиган, ҳамда юкоридаги соҳалар бўйича тадқикот ва мутахассислар тайёрлаш институтлари, шунингдек вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корхоналар ва ташкилотларнинг фикр ва таклифлари инобатга олиниб ЎзДСТ5.93 «Ўзбекистон Республикаси сертификациялаштириш миллий тизими. Асосий атамалар ва таърифлар» давлат стандарти 1993 йилда ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Мазкур стандартдаги атама ва таърифлар халқаро ташкилотлар (ИСО/МЭК-2) томонидан кабул қилинган атама ва таърифларга, шунингдек ГОСТ 16504-81, ГОСТ 1886-73 ва ЎзДСТ 5.0-92 стандартларига мос келади.

Мувофиқлар-маҳсулот, жарён ёки хизматга белгиланган барча талабларга риоя қилиши.

Учинчи томон- кўриладиган маслаҳат катнашаётган томонларга нисбатан мустақил бўлиб ҳисобланган шах сёки ташкилот.

Мувофиқлик баёноми- таъминловчининг маҳсулот, жараён ёки хизматини аник бир стандартга ёки бошқа меъёрий хужжатга тўла-тўқис мувофиқлиги, ҳамда бутун масъулиятни олганлигини баён этиш.

Мувофиқликни тасдиқлаш- аник бир синалган намунанинг муайян стандартга ёки бошқа меъёрий хужжатга мос келишини исботловчи учинчи томон синов лабораториясининг фаолияти.

Мувофиқликни сертификациялаштириш- белгиланган маҳсулот, жараён ёки хизматнинг маълум стандартга ёки бошқа меъёрий хужжатга мос келиши етарли даражада исботлайдиган учинчи томоннинг фаолияти.

Сертификациялаштириши тизими- мувофиқликни сертификациялаштириш фаолиятини ўтказиш учун ўз иш тартиби ва бошқариш коидаларига эга бўлган тизим.

Сертификациялаштириши тартиби- мувофиқликни сертификациялаштиришини ўтказишда учинчи томон фаолиятининг таркиби ва тартиби.

Сертификациялаштириши идораси- мувофиқликни сертификациялаштириш фаолиятини бажарувчи идора.

Мажбурий сертификациялаштириш- сертификациялаш ваколатига эга бўлган идора томонидан маҳсулот (хизмат)нинг стандартлардаги мажбурий талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш.

Ихтиёрий сертификациялаштириш ишлаб чиқарувчи (бажарувчи), сотовчи (таъминловчи) ёки истеъмолчи ташабbus билан ихтиёрий равишида ўтказиладиган сертификациялаштиришdir.

Назорат кигувчи идора- сертификациялаштириш идорасининг топшириги билан назорат фаолиятини амалга оширувчи идора.

Сертификациялаштириши соҳасидаги гуваҳнома (лицензия)- сертификациялаштириш тизими коидаларига асосан нашр этилган хужжат. Бу хужжат воситасида шахс ёки идорага ўз маҳсулоти, жараёнлари ёки

хизматлари учун · сертификат ёки мувофиқлик · белгисидан тегишли сертификациялаштириш тизимига мувофик фойдаланиш хукуки берилади.

Гувоҳнома давъогари- сертификациялаштириш идорасидан тегишли гувоҳнома олишга интилувчи шахс ёки идора.

Мувофиқлик сертификати- тегишлича белгиланган маҳсулот, жараён ёки хизматларнинг маълум стандартга ёки бошқа меъёрий хужжатга мос келишига ишонтирадиган ва сертификациялаштириш тизими қоидалари асосида нашр этилган.

Гувоҳнома эгаси (лицензиат)- сертификациялаштириш идораси томонидан шахс ёки идорага берилган гувоҳнома.

Мувофиқлик белгиси- ушбу маҳсулот, жараён ёки хизмат маълум стандартга ёки бошқа меъёрий хужжатга мос келишига ишонтирувчи сертификациялаштириш тизими қоидалари асосида белгиланган ёки ишлатиладиган ва маълум тартибда ҳимоя қилинадиган белги.

Сифат сертификати- етказиб берилаётган молга илова қилинадиган ва унинг сифатини тасдиқлайдиган хужжат.

Сертификациялаштириши тизимидан фойдаланишига рухсат- сертификациялаштириш тизимининг қоидалаарига мувофик гувоҳнома талаборига берилган сертификациялаштиришдан фойдаланиш.

Сертификациялаштириши тизими қатнашчиси- ушбу тизимнинг қоидалаарига биноан фаолият кўрсатадиган, лекин тизимни бошқариш имкониятига эга бўлмаган сертификациялаштириш идораси.

Сертификациялаштириши тизими аъзоси- ушбу тизимнинг қоидалаарига биноан фаолият кўрсатадиган ва тизимни бошқаришда қатнашадиган сертификациялаштириш идораси.

Суроҷчи- сертификациялаштириш бўйича бир ёки бир неча ишларни бажариб бериш ҳақида сертификациялаштириш идорасига мурожаат этган корхона, муассаса ёки хусусий шахс.

Лабораторияни аккредитлаштириши- синов лабораториясининг маълум синовлар ёки синовларнинг маълум турларини амалга оширишини расмий жihatдан тан олиш.

Лабораторияни аккредитлаштириши тизими- лабораторияларни аккредитлаштириш тизимини бошқарувчи аккредитлаш ишларини ўтказувчи ва ўтказиш хукуки берувчи идора.

Лабораторияни аккредитлаштириши идораси- лабораторияларни аккредитлаштириш тизимини бошқарувчи аккредитлаш ишларини ўтказувчи ва ўтказиш хукуки берувчи идора.

Лабораторияларни аккредитлаш мезони- синов лабораториясини аккредитлашиши учун каноатлантирилиши лозим бўлган аккредитлаш идораси томонидан ишлатиладиган барча талаблар мажмуи.

Аkkreditlangan laboratoriya- аккредитлашдан ўтган синов лабораторияси.

Лабораторияни аттестациялаш- лабораторияни аккредитлаш учунг белгиланган мезонларга мувофиқлигини аниклаш мақсадида синов лабораториясини текшириш.

Аккредитланган лаборатория синовипинг баённомаси- синов баённомаси лабораториянинг баёнотини ўз ичига олиб, уни синов ўтказиш учун аккредитланғанлигини ва аккредитлаш идораси томонидан мазкур синов шартларга биноан ўтказилғанлигини баён киласи.

Имзолаи хукуқига эга бўлган шахс- аккредитлаш идораси томонидан лаёкатлилигини тан оладиган ва аккредитланган лабораториянинг синов баённомасини имзолайдиган шахс.

Ишлаб чиқариши сертификациялаштириши- сертификациялаштириш идораси ёки бошқа маҳсус ваколатга эга бўлган идора томонидан маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш учун (маълум хизматларни бажариш учун) зарур ва етарли шароитлар мавжудлигини, унга тегишли бўлган меъёрий хужжатларда берилган талабларнинг ва сертификациялаштиришда назорат остига олинишини таъминлашнинг расмий тасдиғи.

Сифат тизимларини сертификациялаштириши- сифат тизимларини халкаро ёки миллий стандарт талабларига мувофик келишини текширишни баҳолаш ва сертификат бериш орқали тасдиқлаш хакидаги фаолият. Изох-сифат тизимларини сертификациялаштириш учун стандарт 9000 серияли ИСО Халкаро стандартлари ёки шу асосда ишлаб чиқарилган миллий стандартларни кўллаш мумкин.

Экспорт-аудиторлар- сертификациялаштириш соҳасида муассаса ва кор-хоналар фаолиятини баҳолаш ва назорат килиш хукуқига эга бўлган аттестатланган шахс. Экспорт-аудиторлар факат назорат килибгина қолмай, балки маслаҳатлар ҳам берадилар.

Текширув назорати- сертификациялаштириш учун аккредитланган идораларнинг синов лабораторияларининг фаолиятини, шунингдек, маҳсулотнинг сертификациялаштирил-ғанлигини, ҳамда ишлаб чиқарилишини назорат этиш.

Сертификациялаштириши синовлари- маҳсулотнинг тавсифлари миллий ва меъёрий халқаро-техникавий хужжатларга мос келишини аниклаш учун ўтказиладиган назоратли синовлар.

Сертификациялаштириши синовлари учун намуна- белгиланган коидалар асосида танланган ва сертификациялаштириш синовлари учун мўлжалланган маҳсулотнинг бир донаси, кисми ёки намунаси.

Танланма- маҳсулотнинг бир гурӯхдан ёки оқимдан назорат учун танлаб олинган буюм мажмуи.

Мунтазам танланма- маҳсулотнинг ўз тартиб раками бўйича ёки олдиндан тартибланган ва назорат остида бўлган маҳсулотлар тўпламида турган жойи бўйича мос тушадиган танланма.

Тан олишилик келишуви- биринчи томон тарафидан иккинчи томондан бир ёки бир нечта сертификациялаштириш тизимининг белгиланган функционал элементларини кўллашдан олинган натижаларни қабул килиш хакидаги келишув. Бига тан олиш хакидаги келишув, назорат хакидаги келишув, сертификатлаштириш хакидаги келишув мисол бўла олади. Ундан

ташқари, тан олиш ҳақидаги келишув миллий, минтақавий ёки халқаро миқёсида қабул килиниши мумкин.

Бир томонлама келишув- биринчи томон тарафидан иккинчи томоннинг иш натижаларининг тан олиш ҳақидаги келишув.

Икки томонлама келишув- икки томоннинг иш натижаларини камраб олувчи тан олиш ҳақидаги келишув.

Кўн томонлама келишув- иккидан ортиқ томонларнинг иш натижаларини ўзаро тан олиш ҳақидаги келишув.

Иазорат саволлари ва топшириклари:

1. Мувофиқлик сертификати деб нимага айтилади?
2. Сертификатлаштириш тартиби кандай амалга оширилади?
3. Лабораторияни аккредитлаштириш нима дегани?
4. Эксперт-аудиторларнинг вазифалари нималардан иборат?
5. Кўп томонлама келишув тушунчасини изохланг.

Эслаб қолинг!

Мувофиқлик сертификати, аккредитлаштириш, мажбурий, уч томонлама келишув, эксперт-аудиторлар.

Ўқув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износстойкости при расчете срока службы трикотажа-В сб: Механические свойства и износстойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.3. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Вазирлар Махкамаси қошидаги Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикасида сертификациялаштириш бўйича Миллий идора хисобланади.

Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификациялаштириш маркази куйидаги ишларни амалга оширади:

- сертификациялаштириш доирасида давлат сиёсатини олиб бориш, сертификациялаштириши ўтказиш бўйича умумий конун-коидаларини белгилаиди, хамда улар хакидаги маҳсус мальумотларни чўп этиб боради;

- сертификациялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича дастур лойихаларини ишлаб чиқади ва уни кўриб чиқиш учун Давлатга тавсия этади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси билан келишилган холда халқаро сертификациялаштириш тизимига боғланади, ундан ташқари сертификациялаштириш натижаларини ўзаро тан олишилги хакида келишиб олинади, хамда сертификациялаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан ўзаро хамкорликни йўлга кўяди;

- мажбурий сертификацияланиши керак бўладиган маҳсулотлар турини аниклади;

- бир турдаги маҳсулотни сертификациялаштириш бўйича идораларни аккредитлаштириш;

- сертификациялаштириш бўйича аккредитланган идоралар, сифатни бошкариш тизими, сертификацияланган маҳсулот, сифат бўйича синов лабораториялари, эксперт аудиторларни Давлат реестридан ўтказади;

- бир турдаги маҳсулот ва синов лабораторияларини сертификациялаштириш бўйича аккредитланган идораларни сертификациялаштириш конун-коидаларига риоя қилишда Давлат назоратини ўтказади.

Сертификациялаштириш доирасида Ўзбекистон стандартлаш-тириш агентлигининг молиявий манбай бўлиб, давлат бюджети, хамда хизмат ҳаки хисобланади.

Маҳсулот бирлигини сертификациялаштириш бўйича аккредитланган идоралар:

- бирлик маҳсулот сертификатининг тизимини яратади ва унинг функционалигини таъминлайди;

- сертификациялаштириш ишларини ташкил киласди ва ўтказади;

- расмийлаштиради, миллий ёки халқаро мувофиқлик сертификатини беради;

-сертификациялаштирилган маҳсулотларни назорат килиб боради.

Сертификациялаштириш объектига маҳсулот, хизмат, хамда сифат тизими киради.

Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги, сертификациялаштириш бўйича идоралар Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги томонидан тан олинган ёки аккредитланган, сертификациялаштириш доирасида назорат идоралари, синов лабораториялари, сифат бўйича экспертлар-аудиторлар, ундан ташқари корхона ва ташкилотлар, сертификациялаштирилган маҳсулотлар, жисмоний шахслар сертификациялаштириш субъекти дейилади.

Сертификациялаштириш субъектлари-миллый сертификатлаштириш тизими рамкасида юридик шахсларнинг сертификациялаштириш тизимини яратиш. Юридик шахслар сертификациялаштириш тизими Ўзбекистон

стандартлаштириш агентлигининг белгиланган тартибда мажбурий Давлат кайдномасидан ўтган бўлади.

Сертификациялаштиришда куйидаги асосий тушунчалар мавжуд:

- миллий сертификациялаштириш тизими-давлат миқёсида таъсир этувчи тизим бўлиб хисобланади;
- маҳсулот сертификати-белгиланган шартларга маҳсулотнинг боғлиқ-лигини тасдиқлаш бўйича фаолияти;
- боғлиқлик сертификати – белгиланган шартларга сертификациялашган маҳсулотнинг боғликлигини тасдиқлаш учун сертификациялаштириш тизими қоидалари бўйича берилган хужожат;
- мувофиқлик белгиси- белгиланган тартибда белгининг қайд этилиши бўлиб, маҳсулот ёки хужожат хизматга маркировка қилинади, яъни ушбу маҳсулот ёки хизмат тури аниқ стандарт ёки бошқа меъёрий хужожатларга боғлиқ бўлади;
- битталик маҳсулотни сертификациялаштириш тизими-сертификациялаштириш тизими бўлиб, белгиланган маҳсулот, иш ёки хизматга тегишли бўлиб, шу йўсингдаги аниқ стандарт ва қоидаларда кўлланилади;
- синов лабораториясини аккредитлаштириш – синов лабораториясининг маълум синовлар ёки синовларнинг маълум турларини амалга оширишни расмий жихатдан тан олиш;
- сифат бўйича эксперт-аудиторлар – сертификациялаштириш соҳасида муассаса ва корхоналар фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш ҳукуқига эга бўлган аттестациядан ўтган шахс. Эксперт-аудиторлар факат назорат килибгина қолмай, балки маслаҳатлар ҳам беради;
- сертификациялаштириш доирасида назорат идораси – сертификатланган маҳсулотни баҳолаш ва сифатни бошқариш тизими сертификацияси бўйича идора топшириғига биноан белгиланган тартибда аккредитланган бўлади;
- назорат инспекцияси – сертификациялашган маҳсулотни қайтадан баҳолаш, сифатни бошқариш тизими ёки ишлаб чиқариш, сертификациялаштириш бўйича идоранинг фаолияти, белгиланган шартларга боғликлигини тасдиқлаш мақсадидаги сертификациялаштириш ва аккредитлаштиришда белгиланган синов лабораторияси.

Сертификациялаштиришнинг асосий мақсади ва вазифалари куйидагилардан иборат:

- маҳсулотни тарқатиш, инсонларнинг ҳаётига ҳавф солувчи фавқулодда бўладиган ҳодисаларни олдини олиш-чора тадбирларини, юридик ва жисмоний шахс буюмлари, атроф-мухит таъсирларини назорат килиб бориш;
- маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг жаҳон бозорларида ракобатбардошлигини ошириш;
- халқаро иктисодий, илмий-техник ва халқаро савдода тадбиркорларни кўшма корхоналарда иштирок этиши учун шароит яратиб бериш;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг виждонсизлигини истеъмолчи-
лардан химоялаш;

- ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулот сифат кўрсаткичларини
тасдиқлашдан иборат.

Сертификациялаштириш доирасига бўлган муносабат . ҳозирги
конунлар ва Ўзбекистон Республикаси конунлаштирилган актлари ёрдамида
тартибига келтириб турилади.

*Четдан олиб келинадиган ва четга олиб чиқиб кетиладиган
маҳсулотчарни мажбурий сертификациялаштириши.* Мажбурий
сертификациялаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон
Республикасига етказиб бериш учун . тузиладиган қонтрактлар
(шартномалар) шартида маҳсулотларнинг белгиланган талабларга
мувофиқлигини тасдиқловчи, Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги
томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва
мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак.

Миллий мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари ёки
бошқа давлатларнинг Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги томонидан
эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари
аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона назорати
идораларига юкка тааллукли божхона декларацияси билан биргаликда
такдим этилади **ва** улар маҳсулотни республика худудига олиб киришга
руҳсатнома олиш учун зарур хужжатлар хисобланади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотнинг хавфсиз эканлигини
тасдиқловчи хужжати бўлмаган тақдирда божхона назорати идоралари бу
хусусда «Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги»ни хабардор этадилар,
хамда маҳсулотни сертификациялаштиришдан ўтказиш ёки чет эл
сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификациялаштириш
миллий тизими қоидаларига мувофиқ ҳал этилгунга қадар бу маҳсулотни
четдан олиб киришни таъкилаб кўядилар.

Сертификациялаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон
Республикаси худудидан олиб чиқиш тартибини Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Махкамаси белгилайди.

*Мажбурий сертификациялаштириш ишларининг давлат
томонидан молиявий таъминоти.* Куйидаги ишлар:

- сертификациялаштириши ривожлантиришининг истиқболларини,
хамда уни ўтказиш қоидалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш;

- сертификациялаштириш соҳасида расмий ахборотлар билан
таъминлаш;

- ҳалқаро (минтакавий) сертификациялаштириш ташкилотлари ишида
катнашиш, хамда чет эл миллий сертификациялаштириш идоралари билан
биргаликда ишлаб ўтказиш;

- сертификациялаштириш юзасидан ҳалқаро (минтакавий) қоидалар ва
тавсиялар ишлаб чиқиш, хамда уларни ишлаб чиқиша катнашиш;

- сертификациялаштириш юзасидан умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот йашлари ва бошка ишлар олиб бориш;

- сертификациялаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан хамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви назорати олиб бориш ишлари давлат томонидан молиявий таъминланади.

Мажбурий сертификациялаштириш қоидаларига риоя

этшишини давлат томонидан текшириши ва назорат қилиши. Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг, сотувчиларнинг, ижрочиликнинг), синов лабораторияларининг (марказларининг), сертификациялаштириш идораларининг мажбурий сертификациялаштириш қоидаларига риоя этишлари устидан хамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратини «Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги»нинг давлат инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатларида белгилаб кўйилган тартибида ва шартларда амалга оширадилар.

Ихтиёрий сертификациялаштириши. Хар кандай маҳсулот меъёрий хужжатларнинг талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний шахснинг ташаббуси билан ихтиёрий сертификациялаштиришдан ўтказилиши мумкин.

Ихтиёрий сертификациялаштиришини амалга оширувчи субъектлар. Ихтиёрий сертификациялаштиришни Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги белгилаб кўйган тартибида аккредитация килинган юридик ва жисмоний шахслар амалга оширишга ҳаклидир.

Ихтиёрий сертификациялаштириши тизимлари. Сертификациялаштириш қоидалари ва тартибини белгиловчи ихтиёрий сертификациялаштириш тизимларини аккредитация килинган идоралар Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги билан келишган холда белгилайдилар.

Сертификациялаштириши бўйича иш фаолиятига умумий талаблар. Сертификациялаштириш бўйича идора томонидан белгиланган шартларга маҳсулотнинг мос келишилигини тасдиқланган вактида мувофиқлик сертификати берилади, унинг асосида таъминловчи боғликлיק белгисини кўллаш хуқукига эга.

Мувофиқлик сертификати намуналари, аккредитлаштириш ҳакидаги гувохнома, миллый боғликлик белгисининг ўлчами ва шакли сертификациялаштириш тизимида ишлатилади, Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланади.

Мувофиқлик сертификати, боғликлик белгиси, сертификациялаштириш ва синов лабораторияси бўйича идорани аккредитлаштириш ҳакидаги гувохнома Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланган бўлиб, Давлат реестрига белгиланган тартибида қайд килиниши мажбурий.

Агар мувофиқлик сертификати, боғликлик белгиси, сертификациялаштириш ва синов лабораторияси бўйича идорани

аккредитлаштириш ҳакидаги гувоҳнома Давлат реестрида белгиланган тартибдә кайд этилмаган бўлса, ноконуний хисобланади.

Гувоҳнома эгаси мувофиқлик сертификатини, боғлиқлик белгиси ва сертификациялаштириш ва синон лабораторияси бўйича идорани аккредитлаштириш ҳакидаги гувоҳномани бошка юридик ёки жисмоний шахсларга ишлатиш учун бериб юбориц катиъян ман этилади:

Лицензия шартномаларини тузиш тартибини Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги белгилаб туради.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Четдан олиниб келинадиган маҳсулотни мажбурий сертификатлаштириш кандай амалга оширилади?
2. Мажбурий сертификатлаштиришнинг молиявий таъминоти кандай?
3. Мажбурий сертификатлаштиришни давлат томонидан назорат килиш фандай амалга оширилади?
4. Сертификациялаштиришнинг асосий мақсадлари нималардан иборат?

Эслаб қолинг!

Сертификациялаштириш, мажбурий сертификатлаштириш, молиявий таъминоти, назорат, умумий талаб.

Ўкув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износстойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износстойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению: Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ИДОРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш идорасидир.

Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги мазкур Конунга мувофиқ:

-сертификациялаштириш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади, сертификациялаштириш ўтказиш юзасидан умумий қоидаларни белгилайди, улар тўғрисида расмий ахборотларни эълон килиб боради;

-сертификациялаштириш тизимини такомиллаштириш дастурларининг лойихаларини ишлаб чикади, ҳамда уларни хукумат мухокамасига тақдим этади;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси билан келишган холда сертификациялаштиришнинг халкаро тизимларига қўшилиш тўғрисида карорлар кабул киласди, шунингдек сертификациялаштириш натижаларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида битимлар тузади, сертификациялаштириш масалалари бўйича бошка давлатлар билан ўзаро муносабатларда ва халкаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

-мажбурий равишда сертификатланадиган маҳсулотларнинг рўйхатини белгилайди;

-бир турдаги маҳсулотларни сертификациялаштириш идораларини ва синов лабораторияларини (марказларини) аккредитация киласди;

-сертификатланган маҳсулотларнинг, аккредитация килинган сертификациялаштириш идоралари ва синов лабораторияларининг (марказларининг), эксперталарнинг Давлат реестрини юритади;

-бир турдаги маҳсулотларни сертификациялаштиришга аккредитация килинган идоралар ва синов лабораториялари (марказлари) сертификациялаштириш қоидаларига риоя этиш устидан ва сертификатланган маҳсулотлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалга оширади;

-конун ҳужжатларининг меъёлларини бузилганлиги учун мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгиларини бекор киласди ҳамда амал килишини тўхтатиб қўяди, сертификациялаштириш идораларининг аккредитация килинганлик тўғрисидаги гувохномаларини бекор киласди, синов лабораторияларининг (марказларининг) фаолиятини тугатади.

Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигининг сертификациялаштириш соҳасидаги фаолиятини молиявий таъминлаш манбаи — давлат бюджети маблағи, шунингдек Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги кўрсатаётган хизмат учун олинадиган хакдан иборат.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификациялаштиришга аккредитация килинган идоралар:

-бир турдаги маҳсулотларни сертификациялаштириш тизимларини тузадилар ва уларнинг амал килишини таъминлайдилар;

-сертификациялаштиришни ташкил этадилар ва ўтказадилар;

-миллий мувофиқлик сертификатларини расмийлаштирадилар, берадилар ёки чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этадилар;

-сертификатланган маҳсулотлар устидан назоратни амалга оширадилар.

Синов лабораторияларини (марказларини) ва сертификациялаштириш идораларини аккредитация килиш билан боғлик сарф - харажатларни аризачи коплади.

Тегишли сертификациялаштириш тизими белгилаган тартибда аккредитация килинган синов лабораториялари (марказлари) муайян маҳсулотларнинг синовини ёки муайян синов турини амалга оширадилар хамда сертификациялаштириш мақсадлари учун баённомалар берадилар.

Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги ўз вазифаларининг бир кисмини бир турдаги маҳсулотларни сертификациялаштириш идораларига ва синов лабораторияларига (марказларига) ўтказишига ҳаклидири.

ЎзДСТ 5.2-93 стандарти жорий этилган бўлиб, бу стандарт . сертификациялаштириш идорасига Ўзбекистон Республикаси-нинг Миллий тизимининг ваколатли идораси сифатида тан олиниши учун зарур бўлган талабларни белгилайди. Бу стандарт Халкаро ИСО/МЭК нинг 40, 28, ИСО.27, ИСО/МЭК 2-кўрсатмасига биноан ИСО 8402 стандартига мувофиқ келади.

Сертификациялаш ташкилотига қуйиладиган талаблар қуйидаги мезонларга мувофиқ:

1. Сертификациялаш ташкилотининг мустакиллиги.
2. Сертификациялаш масалаларининг аниқ бажарилишини таъминловчи ташкилий тизимнинг мавжудлиги.
3. Сертификациялашни ўтказишига мувофиқ келувчи сифат тизими, маҳсулот ва синаш усуллари учун меъёрий ва техникавий ҳужожатлар фондларининг мавжудлиги.
4. Сертификация ўтказиш хукукига эга бўлган аккредитланган синов лабораторияларининг мавжудлиги.

5. Маҳсус тайёргарлик ва аттестациядан ўтган малакали ходимларнинг мавжудлиги.

6. Сертификациялаш Миллий идораси. Ўзбекистон Давлат стандартларининг талабига биноан сертификациялаш соҳасидаги зарур хизматларни кўришда ўзининг имкониятларини тегишли савида намойиш эта билиш қобилияти. Идора мустакиллигини таъминловчи зарурий шартлар: маъмурий, иктисадий ва юридик жиҳатдан мустакил юридик шахс бўлиши керак. Қуйидагилар бўлмаслиги керак:

а) сертификациялаштирилаётган маҳсулот етказиб берувчилар ёки ишлатувчилар билан тижоратдаги манфаатдорлик;

б) сертификациялаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришда ёки лойихалашда хўжалик фаолияти;

Сертификациялаш идорасининг сифат тизимига бўлган талаблар:

а) сертификациялаш идораси ҳакида низом;

б) сифат бўйича кўрсатма;

в) ходимларни ўқитиш ва аттестациялаш;

г) маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш тизимининг тартиби;

д) ҳар бир ходимлар учун ўйрингнома;

- е) маҳсулот тизимларини сертификациялаш учун экспорт-аудиторларнинг рўйхати;
- ё) мувофиқлик сертификацияларини рўйхатга олиш учун сертификациялаш натижаларини расмийлаштириш тартиби;
- ж) аппелляцияни кўриб чикиш;
- з) сертификациялаштириш идораси ўз фаолиятини ўзи баҳолаш тартиби;
- и) сертификациялаштириш хужжатларини хисобга олиш ва саклаш тартиби.

Ўзини ўзи баҳолашда таҳлил килинадиган объектлар:

- сертификациялаш идорасининг амалий фаолияти қабул килинган сифат сиёсатига мос келиши;
- сертификациялаштириш натижалари хакидаги хисоботлар тўғрисидаги маълумотлар, ҳодимлар малакаси тўғрисида хисоботлар;
- сертификациялаштириш идорасининг фаолиятини сертификациялаштириш бўйича Миллий идора томонидан текширувчи назорат ҳакида хуласа.

Сертификациялаштириш идорасининг тузилиши ва вазифалари. Сертификациялаштириш идорасининг ташкилий тузилиши тизимда ва тегишли вазифаларни бажарилишини таъминлаш керак. Сертификациялаштириш идораси куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Бошқарув кенгаши.
2. Ижро этувчи бўлинмалар.
3. Экспорт-аудиторлар гурухи.

Бошқарув кенгаши куйидагиларни амалга оширади:

- сертификациялаштириш идорасининг фаолиятини белгиловчи сиёсатни ишлаб чиқиши;
- бу сиёсатни олиб бориш бўйича назорат килиш;
- сертификациялаштириш идорасининг молиявий фаолиятини назорат килиш;
- зарурат бўлганда маҳсулотнинг сифатли ишлаб чикариш тизимларини сертификациялаштириш тизимида аник соҳа бўйича фаолият кўрсатувчи бўлинмаларнинг тизими;
- сертификациялаштириш бўйича Миллий идора билан мулокотда бўлиш;
- ижро этувчи бўлинмалар фаолиятини назорат килиш.

Сертификациялаштириш идорасининг керакли хужжатлари:

- сертификациялаш-идораси, маҳсулотлар, жараёнлар ёки хизматлар, сифат тизимлари ишлаб чикариш бўйича меъёрий тўпламларга эга бўлиш керак, яъни, ҳалқаро, давлатлараро, Ўзбекистон Республика Кенгашининг давлат ва чет эл мамлакатларининг Миллий маҳсулот бўлган меъёрий талаблар синов натижалари ва экспертизаларнинг маълумотлари бўлиши керак.

Идорани аккредитлаштириши. Улар куйидаги боскичларни кўзда тутади. Хужжатларни тақдим этиш ва текшириш. Аккредитлаш ташкилотни

аттестация қилиш. Аттестация натижаларини кўриб чикиш. Қарор қабул қилиш рўйхатдан ўтказиш, аккредитлаштириш шаходатномасини бериш.

Аkkредитлаштиришга дъвогар ташкилот сертификациялаштириш ташкилотига қабул учун сўровнома йўллайди. Сўровнома тузилиши тасдикланган.

Сертификациялаштириш идораларининг аккредитлаштириш бўйича ишларини сертификациялаш Миллий идораси ташкил қилади ва қуйидаги босқичларни кўзда тутади:

- хужжатларни тақдим этиш ва экспертиза қилиш;
- аккредитланётган ташкилотни текшириш бўйича комиссияни тайинлаш;
- аккредитланётган ташкилотни аттестациялаш;
- хужжатларни текшириш ва аттестациялаш натижаларини кўриб чикиш;
- қарор қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва аккредитлаш шаходатномасини тақдим этиш.

Экспертиза натижалари ижобий бўлганда Миллий идора сўровчи ташкилот манзилгоҳига аттестациялаш ишларини ўтказиш шартномасининг лойиҳасини йўллайди. Шартномани имзолаш жараёнида муддатлар белгиланади.

Шартнома имзолангандан кейин, белгиланган муддатлар хисобига олинган ҳолда Миллий идора томонидан комиссия тузилади. Бу комиссия Тизим эксперт-аудиторларидан, Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги вакилларидан, зарур бўлганда илмий-текшириш ташкилотлари, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар жамиятлари, табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Республика Согликни саклаш вазирлиги ва бошқа манбаатдор ташкилотларнинг мутахассисларидан иборат бўлиши керак.

Сертификациялаштириш идорасини аттестациялаш. Экспертиза натижалари ижобий бўлган ҳолда Миллий идора сўровчи ташкилот манзилгоҳига аттестация ўтказиш лойиҳасини йўллайди. Шартнома имзолангандан кейин аттестациялаш комиссияси тузилади ва белгиланган муддатларда текшириш ўтказилади.

Аттестациялаш натижалари ижобий бўлса, хужжатларни Миллий идора расмийлаштиради, яъни:

- сертификациялаштириш идораси хақидаги Низомни тасдиклади;
- лицензион келишувини имзолайди;
- сертификациялаштириш Миллий тизимидағи аккредитлаш шаходатномасини расмийлаштириб, рўйхатга олиб, сертификациялаш идорасига тақдим этади. Аккредитлаш шаходатномасини таъсир муддати - 3 йил.

Миллий идора сертификациялаш идорасининг фаолияти устидан текширувчан назоратни белгиланган тартибда амалга оширади, керак булса, аккредитлаш шаходатномасининг таъсирини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш ва лицензион шартномани бузиш ҳакида қарор қабул қилади.

Сертификациялаштириши объектлари ва субъектлари.
Махсулотлар (шу жумладан дастурий ва бошка илмий-техникавий махсулотлар), хизматлар, шунингдек сифат тизимлари сертификациялаштириш объектлари хисобланади.

Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги ва давлат бошқарувининг бошка идоралари, Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги томонидан аккредитация килинган ёки эътироф этилган сертификациялаштириш идоралари, синов лабораториялари (марказлари), мулк шаклидан катый назар, махсулоти сертификациялаштирилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, жисмоний шахслар сертификациялаштириш субъектлари хисобланадилар.

Сертификациялаштириш субъектлари-юридик шахслар сертификациялаштириш миллий тизими доирасида сертификациялаштириш тизимлари тузишлари мумкин. Юридик шахсларнинг сертификациялаштириш тизимлари Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги белгилаган тартибда давлат руйхатидан ўтказилиши шарт.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Бир турдаги махсулотни сертификатлаштиришга аккредитация килинган идоралар хакида маълумот беринг.
2. Сертификациялаштириш объектларига нималар киради?
3. Сертификациялаштириш субъектларига нималар киради?

Эслаб колинг!

Объект, субъект, аккредитация, метрология, стандартлаш, ахборот, тизим, экспертылар, назорат, сертификат.

Ўкув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износостойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.5. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ КОНУНИЙ АСОСЛАРИ

Вазирлар Мажкамаси кошидаги Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги сертификатлаштириш бўйича миллий идора ва сертификатлаштириш тизими катнашчиларини аккредитлаштириш бўйича идора хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасида тасдиқланган, хамда шу билан биргаликда конунлаштирилган актларда кўриб чикилган мажбурий сертификациялаштиридан ўтиши керак бўладиган маҳсулотларнинг тартиби асосан сертификациялаштириш бўйича конунларга биноан амалга оширилади. Мажбурий сертификациялаштиришни ўtkазиш бўйича ташкилий ишлар Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигига келтирилган. Сертификациялаштириш ишлари мажбурий аккредитлаштиришдан ўтган бир турдаги маҳсулотларни сертификациялаштириш бўйича идора томонидан амалга оширилади.

Мажбурий сертификациялаштиришнинг субъектига Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги, сертификациялаштириш бўйича идора, синов лабораторияси (марказ), назорат идоралари, маҳсулот тайёрловчилар киради.

Сертификациялаштириш бўйича идора бир турдаги маҳсулотни сертификациялаштириш тизимини яратиш хукукига эга бўлиб, сертификациялаштириш схемасини танлаш ва сертификациялаштирилаётган маҳсулот учун талабгорга мувофиқлик сертификатини кўллаш хукукини беради.

Конун импорт ва экспорт қилинаётган сертификациялаштириш шароитларини аниклайди. Мажбурий сертификациялаштиришдан ўтадиган маҳсулот белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланган холда, сертификат ва мувофиқлик белгиси билан таъминланиши керак. Агар мувофиқлик сертификати бўлмаса, унда Божхона назорат идоралари томонидан ушланади, хамда Миллий сертификациялаштириш тизимининг конун-коидалари бўйича сертификациялаштиридан ўтгандан кейингина кўйиб юборилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз хошиш ва истаклари бўйича, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари меъёрий хужжатларининг тегишли талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун исталган маҳсулотларини сертификациялаштиришдан ўtkазишлари мумкин ва бу нарса конунда кўрсатилган.

Конун назорат саволларини тартибга келтириб туради. Давлат идоралари маҳсулот тайёрловчининг мажбурий сертификациялаштиришнинг коидаларига риоя қилишини давлат инспекторлари томонидан амалга оширади. Сертификацияланаёт-ган маҳсулотлар, сифат тизимини назорат килиш ишлари сертификациялаштириш идоралари томонидан амалга оширилади. Аккредитлаштирилган синов лабораториялари (марказ), сертификациялаштириш бўйича идоралар ва сертификациялаштириш доирасидаги назорат идоралари худди аккредит-лаштирилган идоралар каби Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги томонидан олиб борилади.

Ушбу конунларда сертификациялаштиришни ўтказиш бўйича келишмовчилик масалалари келтирилган. Агар келишмовчилик чиккан холда сертификациялаштириш натижаларига асосан кизикувчи томонларнинг хошилшаридан келиб чикиб, Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигининг Аппеляция советига мурожаат килиш мумкин. Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигининг Аппеляция совети сертификациялаштириш ва синов лабораториялари (марказ) бўйича тушган эътиrozларни хам кўриб чиқади.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар, таъминловчилар ва мол сотувчиларнинг маъсуллиги шундан иборатки, мажбурий сертификациялаштириш қоидаларини бузганлари учун. Конун олдида жавобгар хисобланадилар. Агар маҳсулот сертификациялаштирилмаган бўлса, уни тарқатиш ва сотиш қатъян ман этилади, акс холда шу маҳсулотларнинг умумий нархи бўйича жарима ундирилади. Жарима миқдори Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги давлат инспекторининг крори бўйича белгиланади. Бу жарима маҳсулотни сертификациялаш вактида олиб ташланмайди.

1996 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида «Истемолчилар ҳуқукини химоя килиш» тўғрисидаги қонун қабул килинди ва тасдикланди. Бу нарса сертификациялаштириш асосларига кўшимча ҳуқук берди. Мажбурий сертификациялаштиришда турувчи молларни тарқатиш вактида унинг сертификациялаштиришдан ўтганлиги ҳакидаги маълумотни кўрсатиш лозим. Агар бу керакли маълумотлар бўлмаса, давлат бошқариш идораларига мурожаат килинади. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи барча турдаги корхона ва ташкилотлар, фирма ва бирлашмалар, тадбиркорлик билан шугуулланувчилар маҳсулотни узок муддатга чидамлилиги учун кафолат беришлари керак бўлади.

Сертификациялаштиришнинг конуний асослари «Озик-овқатларнинг сифати ва хавфсизлиги ҳакида» конуни бўлиб хисобланади, хамда гигиеник сертификациялаштиришни расмийлаштириш кераклиги аникланди ва унинг асосида озик-овқатларига мувофиқ бўлган давлат қайдномаси ва сертификациялаштиришдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси «Ўсимликларни саклаш ҳакида»ги қонунига мувофиқ 1997 йил ўсимлик маҳсулотларини Ўзбекистонга транзит орқали олиб келтириш ҳакида қарорлар чиқди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 9 сонли 189-нчи статиясига мувофиқ). Ҳар бир сакланайтган маҳсулот тўдаси ўсимликларнинг сакланиши бўйича давлат инспекцияси идоралари томонидан фитосанитарли сертификациялаштиришдан ўтказилиши керак. Фитосанитария назоратигача ўсимлик маҳсулотларини кўшимча киритишда импорт килиниши учун рұхсатнома расмийлаштирилиши лозим.

Экологик сертификациялаштириши мақсади – тайёрловчилар шундай технологик жараёнларни яратиши ва молларни ишлаб чиқариши керакки, унда бу нарсалар атроф-муҳитни кам даражада ифлослантирилиши, хамда инсон саломатлигига зарар етказмайдиган бўлиши шарт.

Хозирги пайтда Ўзбекистонда экологик сертификациялаштириш ривожланиш боскичида турибди, лекин бу йўналишда бир катёр ишлар олиб борилмоқда.

ИСО 14000 ракамли Халқаро стандарт кабул килинди. Бу стандартда атроф-мухитни бошқариш бўйича ва экологик аудит бўйича раҳбарлик ишлари йўлга кўйилади, натижада бунинг асосида экологик сертификациялаштиришни ўтказиш ва ташкил этиш мумкин.

Агар корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мажбурий сертификациялаштиришнинг рўйхатида турган бўлса, унда сертификациялаштиришдан ўтиши шарт.

Назорат саволлари ва топшириклари:

- 1.Қандай қонунлар Ўзбекистонда сертификатлаштиришнинг ҳукукий асослари белгиланади?
- 2.Маҳсулотни мажбурий сертификатлаштириш рўйхатида туришини ким белгилайди?
- 3.Экологик сертификатлаштиришнинг мақсади нима?

Эслаб қолинг!

Сертификатлаштириш, аккредитлаштириш, экологик сертификатлаштириш, ўсимлик маҳсулотлари, фитосанитар, мувофикалик белгиси.

Ўқув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.-
2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износстойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износстойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каunas, 1971, с.304.

3.6. ИСТЕММОЛЧИЛАР ХҮҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТҮӨРИСИДАГИ ҚОНУН

Бозор иқтисодиети шароити ўзига хос конунларга эга бўлиб, бозорда маҳсулот тақчиллиги бўлмаслигини тақозо этади. Бирок ишлаб чикариш ва импорт қилинишининг чекланмаслиги истеъмолчини паст сифатли маҳсулот олиш хавфини орттиради. Айнисса бу ҳолат бозор иқтисодига ўтаётган давлатларда юкори бўлиш эҳтимоли бор. Яна бир муаммо, истеъмолчида ортиқча маблағ бўлмаганлиги сабабли паст сифатли бўлса ҳам арzonрок маҳсулот сотиб олишга тайёр бўлади. Буни билган ишлаб чиқарувчи ёки тадбиркор маҳсулот сифатини оширишга ҳаракат қилмайди. Бундай ҳолатда истеъмолчи хавфсизлигини таъминлашда ва назорат этишда шубҳасиз давлат катта роль йўнаши зарур.

Бу муаммоларни ечишда биринчи навбатда мамлакатда хар томонлама мукаммал ишлаб чиқилган сертификациялаш тизимини яратиш лозим. Сертификациялаш тизимини яратишда бир катор вазифаларни бажариш зарур:

- меъёрий таъминот. Зарур хужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этиш;
- моддий техника базасини яратиш. Турли хил замонавий, юкори аникликда ишлайдиган синов жихозларини сотиб олиш. Уларни калибрлаш, яъни метрология хизматини тўғри йўлга кўйиш;
- юкоридаги вазифаларни бажариш учун юкори малакали, замон талабига мос кадрлар тайёрлаш.

Инсон ҳаёт фаолияти учун озиқ-овқат биринчи навбатда турса ундан кейинги ўринни албатта кийиниши эгаллади. Кийинганда ҳам чиройли, эстетик дид билан кийиниши замон талаб этади. Бундан кўриниб турибдики инсонларнинг тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талаби хеч качон пасаймайди, балки ортади. Буни хисобга олганда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни импорт қилиш етакчи ўринларни эгаллаб тураверади. Агар талаб бозордаги маҳсулотдан юкори бўлса демак бозорга паст сифатли маҳсулотлар ҳам келиши ортади. Натижада истеъмолчи сифатсиз маҳсулот сотиб олишига тўғри келади. Юкорида айтиб ўтилганидек бу ҳолатни назорат қилиш учун мукаммал ишлаб чиқилган сертификациялаш тизимини яратиш лозим бўлади.

Сифат-объектга кўйилган ва кўзда тутилган талабларни қондирувчи хусусиятлари жамланмасидир. Маҳсулотга кўйилган ва кўзда тутилган талабалар деганда бир канча хусусиятлари тушунилади, яъни ташки кўриниши, кўпга чидамлилиги, кафолатланган муддатда хизмат қилиши ва бошкалар. Сифат текширилиши ва тасдиқланиши лозим.

Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки юкори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг жаҳон бозорида мухим жой эгаллаб туришини таъминлаш учун ишлаб чиқариш жараёнларида, идишларга жойлашда, саклаш ва ташишда ва улардан фойдаланишда кўйилган талабларга риоя қилиш ҳамда маҳсулот сифатини баркарорлигини таъминлаш лозим. Бу

талаблар турли хил даражада мөърий хужожатлар билан расмийлаштирилган.

Махсулотлар куйидаги мақсадда сертификация килинади:

- 1) инсон саломатлигига ва атроф мухитга зарарли бўлган маҳсулотларни реализация килиши назорат килиш;
- 2) халқаро бозорда маҳсулотнинг ракобатбардошлигини таъминлаш;
- 3) халқаро иқтисодий ва савдо, кўшма тадбиркорлик ва бошқа тадбирларда катнашишини таъминлаш;
- 4) истеъмолчиларни тайёрловчиларнинг маъсулятсизлигидан химоя килиш ва маҳсулот сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш.

Куйидагилар сертификация килиниши мумкин: маҳсулотлар, хизматлар, жараёнлар, иш, сифат тизими ва ишлаб чиқариш.

Давлатлар ўргасида савдо ва иқтисодий, техникавий, маданий алокаларнинг ривожланиши халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган мөърий хужожатлар билан жаҳон бозорига юкори сифатли ракобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш билан уйғунлашади. Давлатларо савдо-сотик муносабатлари самарали бўлиши учун маҳсулотларни сертификация килишнинг аҳамияти кеттадир. Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда турли мамлакатларда бўлишидан катъий назар шу маҳсулот сифатига кафолат берувчи сертификациядан фойдаланадилар.

Махсулотни сертификациялаш маҳсулот ишлаб чиқарувчилар орасида ракобатли курашда ўзларининг савдо-сотикдаги мавқенини мустаҳкамлашда асосий воситалардан бири хисобланади.

Товар-тайёрловчининг фаолияти натижасида олинган маҳсулот, шу жумладан истеъмолчига шартнома асосида сотиш учун импорт килинган маҳсулот.

Истеъмолчи- бирор бир товарни маҳсулотни ёки хизматни фойда олиш билан боғлик бўлмаган, ўзининг шахсий эҳтиёжини кондириш максадида сотиб олувчи, буюртмачи ёки сотиб олмокчи, буюртма бермокчи бўлган фуқаро (жисмоний шахс).

Тайёрловчи-истеъмолчига реализация килиш учун товар ишлаб чиқрувчи корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор.

Товар хавфсизлиги- оддий истеъмол шароитида фойдаланилганда, сакланганда, ташилганда ёки уларни утилизация килинганда инсон хаётига, саломатлигига раҳна солмайдиган, истеъмолчи мулкига ва атроф мухитга зарар етказмайдиган товар ёки хизмат натижалари.

Товар камчилиги- товар ёки хизматнинг мөърий хужожатларда кўрсатилган шартларига, шартнома ёки оддий сифат талабларига мос келмаслиги.

Кафолатли муддат-товарнинг эксплуатация килиш коидаларига амал қилган ҳолда, мөърий хужожатларда кўрсатилган сифатли хизмат килиш муддати(кўрсаткич ой, соат, цикл, км в.б).

Хизмат муддати- товардан фойдаланишнинг мөърий хужожатларда белгиланган даври. Бу давр тугагандан сўнг товарнинг техник ҳолатидан катъий назар эксплуатация килиш тўхтатилади.

Яроқлилик (сакланиш) муддати- товар ўз истеъмол хусусиятларини саклай оладиган маълум муддат. Бу муддат тугагандан сўнг товар инсон саломатлиги ва ҳаётига хафвли бўлиши мумкин.

«Истеъмолчилар ҳуқуқини химоя килиш» тўғрисидаги конун. 1996 йил 26 апрелда «Истеъмолчилар ҳуқуқини химоя килиш» тўғрисидаги конун қабул килинди. Конун 30 та банддан иборат.

Истеъмолчининг ҳуқуклари:

-товар ва товар ишлаб чиқарувчи тўғрисида тўлиқ ва ҳакконий маълумот олиш;

- товар ва товар сифатини эркин танлаши;

- товар хафсизлиги;

■ сифатсиз товардан етказилган моддий, маънавий зарарни тўла ундирилиши;

■ истеъмолчи ҳуқуки бузилганда суд ёки бошка давлат идораларига ҳуқукларини химоя килиш учун мурожаат қилиши.

- истеъмолчилар жамоат ташкилотини тузиш;

■ айрим тоифадаги истеъмолчилар учун, ижтимоий химояга муҳтоҷ кишиларга конун томонидан савдо ва майший хизмат турларига енгилликлар ўрнатилиши мумкин.

Конун 30 та моддадан иборат бўлиб, истеъмолчиларнинг ҳуқукларини химоя килиш учун хизмат килади. Конуннинг 1-моддасида конунда келтириладиган асосий тушунчалар келтирилади. Ундан ташкари куйидаги тушунчалар киритилган.

Касса чеки – товарни сотиб олганлиги ёки хизмат учун ҳак тўланганлигини тасдиклайдиган ҳужжат бўлиб, касса аппаратининг номери ўрнатилган булади.

Товар чеки-хизмат учун ҳак тўланганлиги тасдикловчи ҳужжат бўлиб, унда баҳо, сана, сотовчининг номи ва манзили ёзилган бўлади.

Конуннинг 2-моддасига: истеъмолчиларнинг ҳуқукларини химоя килиш тўғрисида конун ҳужжатлари кўрсатилган.

3-моддасида, ҳалқаро шартномалар ва битимлар билан муддати кўрсатилган.

- 4-модда. Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуклари кўрсатилган.

5-моддада. Ишлаб чиқарувчи савдо ва хизмат кўрсатиш коидалари тўғрисида ёзилган.

- 6-модда. Товарлар тўғрисида маълумот бериш тартиби кўрсатилган.

Товар хакидаги маълумотда куйидагилар бўлиши шарт:

■ товар мажбурий талабларга мувофик қилиниши шарт бўлган меъёрий ҳужжатнинг номи;

■ товарнинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлари;

- баҳоси ва сотиб олиш шартлари;

- айрим турдаги товарлари ишлаб чиқариш вақти;

- ишлаб чиқарувчининг кафиллик мажбуриятлари;

- товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш шартлари.

■ товарнинг хизмат муддати ва шу муддат тугагандан сўнг истеъмолчи нима ишлар килиш зарурлиги шунингдек бу ишларни бажармасдан келиб чиқиш оқибатлари.

■ ишлаб чикарувчининг номи ва мулкнилик шакли рўйхатга олиш номери.

■ ишлаб чикарувчининг ҳамда унинг истеъмолчидан даъво қабул килишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган техникавий корхоналар манзиллари.

■ товарни саклаш хавфсиз утилизация килиш усуслари ва коидалари.

■ сертификацияланиш шарт бўлган товар хақида истеъмолчига товар сертификация (бериш) бор эканини кўриш.

Товар хақидағи зарур ахборотнинг йўклиги бундай товарни реализация килиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқарув идораининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

7- модда. Товар хақида нотўгри маълумот беришда истеъмолчининг хукуклари кўрсатилган.

8- модда. Истеъмолчининг савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида сифатини текшириш хукуклари кўрсатилган.

Ушбу конунни ҳаётга тадбик этишда албатта ҳар бир фуқаро ўз хукукларини тўлиқ билиши ва уни талаб эта олиши лозим. Ўтиш даврида ҳар бир давлатда ўзига хос шароитлар вужудга келадики, буни айланиб ўтиш кийиндир. Шунинг учун қабул килинган конунлар қанчалик тез татбик этилса шунчалик соҳада бир текис ривожланиш вужудга келади.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Сертификатлаштириш тизимини яратишида қандай вазифалар кўлланилади?

2. Маҳсулот қандай максадда сертификацияланади?

3. Истеъмолчилар хукукини химоя килиш тўғрисидаги конунга нималар киритилган?

4. Товар хақидағи маълумотда нималар бўлиши шарт?

Эслаб қолинг!

Товар, истеъмолчи, тайёрловчи, товар хавфсизлиги, товар камчилиги, кафолатли муддат, хизмат муддати, сакланиш муддати, касса чеки, товар чеки.

Ўқув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.

2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.

3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.

4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.

5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износостойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каunas, 1971, с.304.

3.7. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ КҮРИНИШИ

Мажбурий сертификатлаштириш меъёрий хужжатларнинг мажбурий талаблари маҳсулот, жараён, хизматга боғликларини исботлашни таъминлайди. Мажбурий талабларига хавфсизлик, инсонларнинг соғлиги ва атроф-муҳитнинг хавфсизлигини химоя килиш, ўзароалмашинувчанлиги, ҳамкорлиги ва ҳоказолар киради.

Мажбурий сертификациялаштириш рўйхатига кирувчи маҳсулотлар тури 1994 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорининг 1-нчи иловасида тасдиқланган. Бу қарорга қўшимча равишда Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги ва Божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган, ҳамда 2000 йил 26 февралда 901 сонли рақам билан Юстиция Вазирлигига кайд этилган «Мажбурий сертификациялаштириш рўйхатига кирувчи маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси территориясига киритиш ёки чиқариб кетиши тартиби хакидаги инструкция» киритилди.

Маҳсулот ва хизматларни мажбурий сертификациялаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификациялаштириш тизими доирасида амалга оширилади.

Ундан ташкари, Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификациялаштириш тизимида ихтиёрий сертификациялаштириш ишлари кўриб чиқилган. Бундай сертификациялаштириш ишлари ишлаб чиқарувчиларнинг ихтиёрий истаклари бўйича ўтказилади. Ихтиёрий сертификациялаштириш маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширади, мол алмашинувчанлик жараёнини тезлаштиради.

Сертификациялаштириш тизимини яратиш мақсади мувофиқлик сертификатини амалга ошириш учун ўтказиш ва бошқариш коидаларини белгилайди.

Сертификациялаштириш тизимининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- сертификациялаштиришда иштирок этувчи яхлит хужжатларни белгилаш;
- ягона имло ва тушунчаларни белгилаш;
- сертификациялаштиришни ўтказиш (синовли сертификациялаштиришни) учун синовни ўтказишдаги коидаларни белгилаш;

- давлат бошқариш идоралари билан бирга сертификациялаштириш аъзоларининг ўзаро таъсирининг тартиби니 аниклади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификациялаштириш тизими тизим коидаларини тан олган бошка давлат ва ташкилотларнинг сертификациялаштиришдаги талабгорлари учун очиқдир.

Сертификациялаштириш Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификациялаштириш тизимида белгиланган мөърий хужожатларнинг талаблари, хизмат ва жараёнлар, ҳамда маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиклади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификациялаштириш тизими . мувофиқликка боғлиқлик тизими билан биргаликда иш олиб боради, ҳамда давлат бошқариш идоралари томонидан кайд этади (Согликни саклаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза килиш Давлат қўмитаси, Архитектура ва курилиш Давлат қўмитаси).

Маҳсулотни сертификациялаштириш бир турдаги маҳсулотларни сертификациялаштириш бўйича аккредитлаштирилган идоралар томонидан амалга оширилади.

Сифат тизими ва ишлаб чиқариш сертификати сифат тизими ва ишлаб чиқаришни сертификациялаштириш бўйича аккредитлаштирилган идоралар томонидан амалга оширилади.

Аниқ бир маҳсулотни сертификациялаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасида аккредитлаштирилган идоралари бўлмаса, бу саволни сертификациялаштириш бўйича Миллий идора ҳал қиласди.

Сертификациялаштирилган синовни аккредитлаштирилган синов лабораториялари ўтказади.

Сертификациялаштириш бўйича (Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги) Миллий идора куйидаги функцияларни амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификациялаштириш тизимининг ягона коидаларини белгилайди;

- уларнинг кўлланилиши учун мувофиқлик белгиси ва коидаларини белгилайди;

- Халқаро сертификациялаштириш тизими билан бирикиши ҳакида карор қабул қиласди, ундан ташқари сертификациялаштириш натижаларини ўзаро тан олишлиги ҳакида битим тузади;

- сертификациялаштириш масалалари бўйича халқаро ташкилотда ва бошка давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни Ўзбекистон Республикаси намойиш этади;

- республикада сертификациялаштириш бўйича ишларни ташкил этади ва уларни ўтказиш коидаларини назорат қиласди;

- бир турдаги маҳсулотлар, сифат тизими, ишлаб чиқариш ва синов лабораториясини сертификациялаштириш бўйича идораларни аккредитлаштиради;

- сифати бўйича эксперт-аудиторлар аттестациядан ўтади ва уларнинг иш фаолияти назорат килинади;

- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификациялаштириш тизими коидаларини бузғанларнинг мувофиқлик сертификатларининг таъсири тұхтатилади, ҳамда синов лабораториялари ва сертификациялаштириш бүйіча идораларни аккредитлаштириш ҳақидағы аттестация таҳлил этилади;

-сертификациялаштириш ва аккредитлаштириш натижаларини аппеляция күриб чықади;

Ўзбекистон Республикасидеги сертификациялаштириш бүйіча Миллий идораның алохуда функцияларини бажарып ишлары стандартлаштириш, метрология ва сертификациялаш-тиришнинг Регионал марказы (СМСРМ) бажаради.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификациялаштиришнинг Регионал марказы қуидаги функцияларни амалга оширади:

- маҳсулотни таъминловчи ва тайёрловчиларни сертификациялаштириш коидалари билан таништиради;

- сертификациялаштириш коидаларига риоя килиш ва маҳсулотларни сертификациялаштиришни назорат килиш ишлары давлат назорати томондан амалга оширади;

- регионда сертификатланған маҳсулотларининг реестрини ўтказади;

Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигининг топширикларига биноан синов лабораториялари ва сертификациялаштириш бүйіча регионал идораларини аккредитлаштиришдаги комиссияда иштирок этади, ташкиллаштиради ва уларнинг фаолияти ҳақида назорат ишларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификациялаштириш тизимининг илмий-услубий маркази стандартлаштириш, метрология, сертификациялаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш доирасыда Ўзбекистон тадқиқот ва кадрлар тайёрлаш институты хисобланади (ЎзТКТИ).

Ўзбекистон тадқиқот ва кадрлар тайёрлаш институты функцияси таркибиға қуидагилар киради:

- маҳсулотни сертификациялаштириш ва аккредитлаштириш бүйіча меъерій хужожатларни яратып ва киритиш;

- сертификациялаштириш, синов ва социологик лабораторияларнинг идораларида ишлаш учун сертификациялаштириш ва эксперт-аудиторлар бүйіча сифатли мутахассис кадрларни ўргатып тайёрлаш;

- бир турдаги маҳсулотнинг сертификациялаштириш тизимини ва сифатни таъминлаш тизимини яратышда услугуби жиҳатдан ёрдамларни ташкиллаштириш;

Маҳсулотни тайёрловчи ёки таъминловчи:

- маҳсулотни сертификациялаштиришдан ўтказиш учун билдириги жүйнатади;

- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификациялаштириш тизимининг кодаларига мувофиқ равища текшириш ёки сифат тизимига ишлаб чыкаришни тайёрлайди;

- тарқатилаётган маҳсулотларнинг мөъёрий хўжжатларга мувофиқлигини таъминлайди;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификациялаштириш тизимининг коидаларида белгиланган тартибда сертификациялаштирилган маҳсулот мувофиқлик белгиси билан таъминланади;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификациялаштириш тизимининг коидалари ва Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси ишлатилади;
- сертификациялаштириш ва назорат идораси бўйича эксперт-аудиторларнинг назорат ўтказишлари учун шароитни таъминлаб беради;
- сертификациялаштириш бўйича ишларга ҳақ тўланади;
- мувофиқлик сертификатининг таъсир муддати тугаган бўлса, мажбурий сертификациялаштириш рўйхатида турувчи маҳсулотларни тарқатиш тўхатилади.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Сертификатлаштириш тизими қандай мақсадларда яратилади?
2. Мувофиқлик сертификатини ким бериш ҳукукига эга?
3. Сертификатлаштирилган синовни ким ўтказади?
4. Сертификатлаштириш тизимида Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигининг қандай функциялари мавжуд?

Эслаб колинг!

Мувофиқлик сертификати, сертификатлаштириш, мажбурий сертификатлаштириш, эксперт-аудиторлар, мөъёрий хўжжат, Миллий идора, аккредитлаштирилган.

Ўкув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
2. Соловьев А.Н.. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчёте срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износостойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.8. МАЖБУРИЙ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш ишларини ташкил этиш Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги зиммасига ёки унинг топшириғига биноан уларни албатта аккредитация килган холда бошка сертификатлаштириш идоралариға юқлатиласы.

Сертификациялаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиклади.

Одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг молмулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотларни тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиб ёки саклаш хавфсизлигини таъминловчи талаблар бўлмаган тақдирда давлат бошқарувининг тегишли идораси бундай талабномаларни кечкитирмай ишлаб чикиши ва амалга киритиши шарт.

Мажбурий сертификациялаштиришни ўтказиш шартлари.
Мажбурий Сертификациялаштириш меъёрий хужжатларнинг талабларига мувофиқ масхулот хусусиятини аниклаш учун уни синашни, сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати ўрнатишни ўз ичига олади.

Синовлар аккредитация килинган синов лабораториялари (марказлари) томонидан тегишли меъёрий хужжатларда белгиланган усулларда, бундай хужжатлар бўлмаган тақдирда эса тегишли сертификациялаштириш идоралари ишлаб чиккан усулларда амалга оширилади.

Мажбуран сертификациялаштириш ишлари учун аризачи конун хужжатларида белигилаб қўйилган тартибда ҳак тўлади.

Аризачи ўз маҳсулотини мажбурий сертификациялаштиришдан ўтказишга сарфлаган маблағлар жами шу маҳсулот таннархиға қўшилади.

Мажбурий сертификациялаштирилиши лозим бўлган, аммо мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган маҳсулотни тарғиб килиш ман этилади.

Мажбурий сертификациялаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларга қўшиладиган талаблар.

Мажбурий сертификациялаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар қўйидаги холларда Ўзбекистон Республикаси худудида реализация килиниши мумкин эмас:

-сертификациялаштиришга тақдим этилмаган бўлса;

-сертификациялаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификациялаштиришдан ўтмаган бўлса;

-агар сертификатнинг амал килиш муддати тугаган ёки унинг амал килиши тўхтатиб қўйилган (бекор килинган) бўлса.

Конунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни реализация килиш ман этилади.

Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) маҳсулотларини мажбурий сертификациялаштириши вактидаги мажбуриятлари. Мажбурий сертификациялаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни реализация киувчи тайёрловчилар (тадбиркорлар):

-мажбурий сертификациялаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификациялаштиришга тақдим этишлари;

-сертификатланган маҳсулотни сертификациялаш идораларининг ўзи ёки улар эътироф этган идоралар берган сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина реализация килишлари ва унинг меъёрий хужожатлар талабларига мос бўлишини таъминлашлари;

-сертификатланган маҳсулотни, башарти, у меъёрий хужожат талабларига мувофиқ келмаса, шунингдек сертификатнинг амал килиш муддати тугаган ёхуд унинг амал килиши сертификациялаштириш идорасининг карори билан тўхтатиб қўйилган ёки бекор килинган бўлса, реализация килишни тўхтатиб қўйишлари ёки тугатишлари;

-мажбурий сертификациялаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификациялаштирувчи ва сертификатланган маҳсулотни назорат киувчи идораларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларини монеликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари;

-сертификатланган маҳсулот ишлаб чикаришнинг техникавий хужжатларига ёки технологик жараённига киритилган ўзгартишлар хакида сертификациялаштириш идорасини белгиланган тартибда хабардор этишлари;

-илова килинган техник хужжатда маҳсулотга мувофиқ келиши лозим бўлган сертификациялаштириш тўғрисидаги маълумотларни хамда меъёрий хужжатларни кўрсатишлари ва бу маълумотлар истеъмолчи (харидор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Мажбурий сертификациядан ўтказиш шартлари кандай?
2. Мажбурий сертификациялаштириш лозим бўлган маҳсулотларга кўйиладиган талаблари нималардан иборат?
3. Тайёрловчининг маҳсулотларини мажбурий сертификациялаштириш вактидаги мажбуриятлари кандай?
4. Мажбурий сертификациялаштириш хакида маълумот беринг.

Эслаб қолинг!

Мажбурий сертификациялаштириш, меъёрий - хужжат, мажбурий талаб, аккредитация, назорат.

Ўқув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.

2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износостойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.9. НИЗОЛАРНИ ҚАРАБ ЧИҚИШ. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТҮҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ушбу қонунни қўллаш билан боғлик низолар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган тартибда қараб чиқилади.

Сертификациялаштириш натижаларидан норози бўлган тақдирда манфаатдор томон «Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги»нинг шикоятларни қараб чиқиш кенгашига мурожаат этишга хаклиди.

Шикоятларни қараб чиқиш кенгаши түғрисидаги низомни Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигишлаб чиқади ва тасдиклайди.

«Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги»нинг шикоятларни қараб чиқиш кенгаши сертификациялаштириш идоралари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) қарорлари устидан берилган шикоят аризаларини қараб чиқади.

Шикоят аризалари икки хафта ичida қараб чиқилади. «Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги»нинг, шикоятларни қараб чиқиш кенгашининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган тартибда Олий судга ёки Олий хўжалик судига шикоят килиш мумкин.

Сертификациялаштириш идораси:

-мувофиқлик сертификатини асоссиз ва қонунга хилоф тарзда берганлик учун;

-аризачига нисбатан қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлар килганлик учун;

-аризачининг тижорат сири хисобланган маълумотларни ошкор этганлик учун жавобгар бўлади.

Аkkредитация килинган синов лабораторияси (маркази) сертификациялаштириш идорасига синовларнинг натижалари ҳакида нотўғри маълумот берганлик учун жавобгар бўлади.

Сертификациялаштириш идоралари ва синов лабораториялари (марказлари) мазкур моддада айтиб ўтилган ҳатти-харакатлар натижасида аризачига етказилган заарнинг ўрнини конун хужжатларида белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шарт.

Тайёрловчилар (тадбиркорлар):

-маҳсулотларни мувофиқлик сертификатисиз, шунингдек конунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси тамғаси босилган маҳсулотни реализация килганлик учун;

-мувофиқлик сертификати бўлмаган маҳсулотларни таргибот килганлик учун;

«Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги»нинг ёки у ваколат берган идораларининг кўрсатмасига биноан реализация қилиш тўхтатиб ёки таъкиклаб кўйилган маҳсулотларни реализация килганлик учун жавобгар бўладилар.

Мажбурий сертификациялаштириш коидаларини бузганлик учун тайёрловчилар (тадбиркорлар) Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги ёки у ваколат берган сертификациялаштириш идораларининг тақдимномаси асосида суднинг карори билан давлат бюджети хисобига реализация килинган маҳсулот киймати миқдорида жарима тўлайдилар.

Тайёрловчилар (тадбиркорлар) истеъмолчи ёки буюртмачига етказилган заарларнинг ўрнини конун хужжатларида белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шарт.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Низоларни караб чиқиш қандай тартибда амалга оширилади?
2. Жавобгарлик ишлари ҳакида мътлумот беринг.
3. Сертификациялаштириш идораларининг жавобгарлиги нималардан иборат?
4. Тайёрловчиларнинг жавобгарлиги нималардан иборат?

Эслаб қолинг!

Сертификациялаштириш, мувофиқлик сертификати, тайёрлов-чи, тадбиркор, конун, ваколат, коида.

Ўқув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.

2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.

3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.

4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.

5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износостойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.10. МУВОФИКЛИК СЕРТИФИКАТИ ВА МУВОФИКЛИК БЕЛГИСИ

Махсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқлангани тақдирда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификати беради, тайёрловчи ана шу сертификат асосида мувофиқлик белгисини ишлатиш хукукига эга бўлади.

Сертификациялаштириш тизимида фойдаланиладиган мувофиқлик сертификатларининг, аккредитация килинганлик тўғрисидаги гувохномаларнинг намуналари, миллий мувофиқлик белгисининг шакллари ва ҳажмлари Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланади.

Мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификациялаштириш идоралари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация килинганлик тўғрисидаги гувохномалари ҳақиқий эмас. Давлат реестридан ўтказилиши шарт.

Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилмаган мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификациялаштириш идоралари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация килинганлик тўғрисидаги гувохномалари ҳақиқий эмас.

Мувофиқлик сертификатидан, мувофиқлик белгисидан фойдаланиш хукукини ҳамда сертификациялаштириш идоралари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация килинганлик тўғрисидаги гувохномаларини аризачи бошка юридик ёки жисмоний шахсга бериши ман этилади.

Сертификациялаштириш фаолиятига лицензия берши. Бир турдаги маҳсулотларни сертификациялаштиришга аккредитация килинган идоралар ва синов лабораториялари (марказлари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйган тартибда бериладиган лицензия асосида мувофиқлик сертификати берадилар ва сертификациялаштириш максадида синов ўтказадилар.

Лицензия шартномалари тузиш тартибини Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги белгилайди.

Маҳсулотларни сертификациялаштириш вактида аризачига мувофилик сертификатини ёки мувофилик белгисини кўллаш хукуки аккредитация килинган тегишли сертификациялаштириш идораси билан тузилган битим асосида берилади.

Сертификациялаштириши тўғрисида ахборот. Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги тайёрловчиларни (ижрочиларни), сотувчиларни, истеъмолчиларни ва бошка манфаатдор шахсларни сертификациялаштиришнинг амалдаги тизимлари, уларнинг идоралари, синов лабораториялари (марказлари), эксперглар тўғрисида, шунингдек мувофилик сертификатлари, мувофилик белгилари ва уларни кўллаш коидалари тўғрисида хабардор этиб боради.

Сертификациялаштириш идоралари аризачига унинг талабига биноан маҳсулотни сертификациялаштириш учун керакли ахборотни беришлари шарт.

Аризачи сертификациялаштириш идорасининг талабига биноан сертификациялаштириш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиши шарт, тижорат сири ҳисобланган маълумотлар бундан мустасно.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Мувофилик сертификати ҳакида маълумот беринг.
2. Сертификациялаштириш фаолиятига лицензия берниш қандай амалга оширилади?
3. Сертификациялаштириш тўғрисида ахборот ҳакида маълумот беринг.

Эслаб колинг!

Мувофилик сертификати, лицензия, ахборот, сертификациялаштириш, шартнома, марказ, гувоҳнома.

Ўқув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и

износостойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.11. СЕРТИФИКАЦИЯЛАШТИРИШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Халқаро сертификациялаштириш қўмитаси - ИСО (СЕРТИКО) томонидан 1980 йилда ишлаб чиқилган ва эълон қилинган «Сертификация, принципы и практика» номли расмий хужжатда сертификациялаштириш схемаларининг (тизимлари) турлари келтирилган.

Учинчи томоннинг мувофиқлиги сертификацияси бўйича таркиби, бажарадиган ишларнинг кетма-кетлиги ва тадбирлари сертификациялаштириш схемаси дейилади.

Сертификациялаштириш схемаларини танлаш ва унда назарда тутилган тадбирларни тўғри бажариш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ёки хизмат турларининг амалда белгиланган шароитда амалга оширилишига кафолат бериши лозим.

Умумий ҳолда, сертификациялаштириш учта асосий гуруҳдаги тадбирларни амалга оширади:

- маҳсулотни лабораторияда синовдан ўтказиш;
- ишлаб чиқариш ёки сифат тизимларининг ҳолатини дастлабки текширувдан ўтказиш;
- ишлаб чиқариш ёки сифат тизимларини кейинчалик текширув назоратидан ўтказиш ишини амалга оширишни назарда тутади.

Куйидаги турдаги сертификациялаштириш схемаларида умумлашган ҳолат ва элементлар, тадбирлар мавжуд бўлади.

1. Намунавий синовлар – факат айни вактда ишлаб чиқарилган маълум маҳсулот тўғрисида маълумот беради, лекин маҳсулот сифатининг барқарорлигига кафолат бермайди, аммо барча сифат сертификация схемаларининг асоси ҳисобланади.

2. Баҳолаш – мувофиқлик сертификати берилганлан кейин сифат тизими текширув назорати.

3. Текшириш (назоратлаш):

- корхоналарда маҳсулот сифатини бошқариш фаолиятини (жараёнини) текширув назорати;
- ажратилган (таниланган) намуналарини кизиқувчи томонларга боғлиқ бўлмаган синов лабораторияларида синовдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Намуна танлаш - ишлаб чиқариш ёки савдо шаҳобчаларидан Сифат тизими талбларига мувофиқ танланди.

Сертификациялаштиришни ўтказиш учун умумий конун-коидалар белгиланган. Бу коидалар сертификациялаштиришнинг барча объектлари учун кўлланилади.

Ўзбекистон сертификати ва мувофилик белгисини тан олишни таъминлаш учун ҳорижий мәмлакатларда Ўз НСС қоидаларининг ИСО/МЭК раҳбарлигида; ИСО Халкаро стандартлар, европа EN 45000' стандарт серияси, ҳамда Халкаро хужжатлардаги мавжуд бўлган Халкаро меъёр ва қоидаларга боғлиқ равишда амалга оширади.

Сертификациялаштириш схемаси аниқ бир ҳолларда сертификациялаштириш бўйича идора талабгорнинг етказиб бериш хажми ва муддати, синов услублари, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ишлатилиш имкониятлари бўйича таклифларини эътиборга олган холда танлайди. Сертификациялаштириш схемаси сертификациялаштиришни ўтказишининг жамиини ташкил этувчи таъсирлар кетма-кетлигини белгилайди.

Ўз НСС да қабул қилинган сертификациялаштириш схемасида қуидаги жараёнлар кўриб чиқилади:

3 схема намуналарни синашни кўриб чиқади, яъни омборхонадаги маҳсулотни тайёрловчи истеъмолчига жўнатишдан олдин намуналарни синаш йўли билан инспекция назорат килади ва сертификат беради.

3 а схема 3 схемага кўшимча бўлиб, сертификат берилгунга қадар ва ундан кейин, ҳамда инспекция назоратини ўтказишдан олдин ишлаб чиқаришни текшириб чиқади.

4 ва 4 а схемалар 3 ва 3 а схемалардан фарқланиб, сотувчидан олинган намуналарни кўшимча равиша инспекция назорат килади.

4 ва 4 а схемалар серияли ишлаб чиқаришдаги маҳсулотни ҳаддан ортиқ ҳар томонлама инспекция назорат килиш учун кўлланилади.

5 схема намунавий синовлар ўтказиш, маҳсулот етказувчи (тайёрловчи) ишлаб чиқаришни ёки сифат тизимини сертификациялаштириш, даврий равишида савдо шахобчаларидан танланган намуналарни, ҳамда корхоналардан олинган намуналарни синовдан ўтказиш, ишлаб чиқарish шароитларининг барқарорлигини ёки сифат тизимини тўғри ишлаётганлигини текшириш.

6 схема сифат тизимида корхонага сертификатнинг канчалик мухимлигини тасдиқлайди. Бу схема сертификациялаштириш бўйича корхонадаги мавжуд бўлган идора тизимини баҳолаш билан тугалланади, аммо агар корхона тизими сертификатга эга бўлса, уни етарли даражада ариза-декларацияда кўрсатиш лозим. Ариза сертификациялаштириш бўйича идорада қайд этилади ва маҳсулотга мувофилик сертификатини расмийлаштириш учун хизмат килади.

7 схема товар тўдасини синаш учун кўлланилади. Бу дегани корхона томонидан тайёрланган ёки импорт қилинаётган товар тўдасидан белгиланган қоидаларга асосан ўртача намуна танлаб олинади, ҳамда сертификат бериш учун аккредитланган лабораторияда синаб кўрилади. Инспекция назорати ўтказилмайди.

9-10 а схемалар белгиланган талабларда кўрсатилган маҳсулотнинг сифатга боғликларини тасдиқловчи хужжатларнинг хакиқийлигини исботлашга асосланган.

Сертификациялаштириш тартиби куйидаги асосий тадбирларни амалга оширишдан иборатдир:

- сертификациялаштириш ўтказиш учун карор ва ариза декларациясини бериш;
- сертификациялаштирилладиган маҳсулотдан тажрибалар ўтказиш учун намуналар танлаш;
- маҳсулот ёки ишлаб чиқариш сертификациялаштириш схемасини танлаш;
- олинган натижаларни таҳлил қилиб, мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида карор қилиш;
- давлат стандарти рўйхатидан маҳсулотни ўтказиш, мувофиқлик сертификатини бериш;
- халқаро сертификациялаш ташкилотлари томонидан берилган муквофиқлик сертификатларини тан олиш;
- сертификациядан ўтган маҳсулотнинг сифат кўрсатмаларининг баркарорлигини назорат килиш;
- сертификация натижаларининг аҳбороти;
- норозиликларни кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси сертификациялаштириши Миллий тизимида маҳсулотни сертификациядан ўтказиш тартиби ва қоидлари. Сертификациялаштирилган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини (сертификациялаштириш хусусиятларини) баркарорлигини текширув назорати маҳсулотни ишлаб чиқараш жараёнида сертификат берган ташкилот томонидан маҳсус режа асосида амалга оширилади. Керак бўлган ҳолларда бетараф мутахассисларни, савдо жамоаларидан, соғликни саклаш, давлат курилиши каби бошқа мутахассислардан текширув назоратига жалб килинадилар.

Текширув назорати натижаларига кўра сертификациялаштириш ташкилоти мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик белгиси фаолиятини бекор қилиш ва тўхтатиб қўйиш куйидаги ҳолларда бўлиши мумкин:

- меъёрий техник хужжатлардаги талаблари ўзгарса;
- маҳсулотнинг таркиби, тузилиши ўзгарса;
- ташкилот ёки ишлаб чиқариш технологияси ўзгарса;
- сифатни тъъминловчи тизим технологияси ва синаш услублари ўзгарса.

Текширув назорати томонидан аникланган камчилик, етишмовчиликларни бартараф килгунга қадар тадбирлар тузилиб, мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик белгиси тўхтатилиб туради. Шу муддатда аҳвол ўзгармаса, мувофиқлик сертификати бекор қилинади. Сертификат бериш ёки мувофиқлик белгисини қўйиш куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- маҳсулотда аникланган камчиликларни бартараф килиб бўлмаса;
- ишлаб чиқарувчи ўзини молиявий мажбуриятларини бажармай қўйса;

- ишлаб чикарувчи сертификатни вактинча тұхтатиб күйганидан кейин тегишли чөралар күрмаса;
- ишлаб чикарувчи сертификациялаштириш мұддатини узайтиргиси келмаса;
- маҳсулотни ишлаб чикариш тұхтаган бўлса.

Сертификациялаштириш ташкилоти барча кизикувчи сертификациялаштириш тизими аъзоларига бу ҳақда расмий ахборот беради ва мазкур маҳсулот, сифат ёки ишлаб чикариш тизимини давлат рўйхатидан чикаради. Бу ҳакида матбуотда эълон қилиниши мумкин.

Информатка таъминоти сертификациялаштириш ташкилоти иштирокчилари билан ҳамжихатликда амалга оширилади.

Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги бир турли маҳсулотни сертификациялаштириш ташкилотларини ва мувофиқлик сертификатлари берилган маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказади ва уларни матбуотда эълон киласди. Сўровчи ташкилот ўз маҳсулотини реклама килиш, матбуотда чикиш хуқукига эга. Системада пайдо бўлган норозиликлар РД Уз НССда кўрсатилган тартибида хал килинади.

Сертификациялаштириш ташкилотилари:

- ишлаб чикариш уюшмалари;
- асосий истеъмолчи ёки истеъмолчилар гурухи;
- йирик савдо ташкилотлари;
- стандартлаштириш бўйича Миллий ташкилот;
- хусусий ташкилотлар (компаниялар);
- корхона ёки маҳсус синаш лабораториялари;
- синов жиҳозларини текшириб турувчи метрологик хизматлар бўлиши мумкин.

Ўз НСС миқёсида сертификацияни ўтказиш учун республика ёки хорижий давлатларнинг талабгорларига бир турдаги маҳсулотни сертификациялаштириш бўйича аккредитланган идорага боғликлигига декларация-талабнома жўнатилади.

Идора шартлари билан талабнома биргаликда сертификациялаштириш бўйича талабгор бутунлай сертификациялаштириш учун керакли ҳужжатларни кўрсатади.

Сертификациялаштириш бўйича идора талабномани узатиш давридан холис бўлганда, декларация-талабнома сертификациялаштириш бўйича Миллий идорага жўнатилади.

Берилган маҳсулотни сертификациялаштириш бўйича бир қанча идоралар мавжуд бўлса, талабгор истаган биттасига декларация-талабномани жўнатиш хуқукига эга.

Сертификациялаштириш бўйича идора декларация-талабномани кўриб чиқади, ҳамда келтирилган ҳужжатларни текширади ва тахлил этади. Шу билан биргаликда ҳужжатларни кабул килгандан 15 кун ўтгандан кейин талабгорга хulosасини етказади, сертификациялаштириш схемасини ва меъёрий ҳужжатлар кераклигини кўрсатади.

Ундан ташқари, хulosада сифат тизими ёки ишлаб чиқаришни сертификациялаштиришни ким ўтказишини аккредитланган синов лабораториясини күрсатади.

Махсулотни сертификациядан ўтказиш муддати бир ойдан кўп бўлмаган ҳолда маҳсулот ва синов услубида белгиланган меърий хужакатларда назорат ва синов муддатига боғлиқ бўлиши керак.

Сертификациялаштирилган синов берилган маҳсулотни сертификациялаштиришда ишлатилган меърий хужжатларда синов ўтказиш хуқукига эгалиги кўрсатиб ўтилган аккредитланган тизимдаги синов лабораториясида ўтказилади. Бутунлай синов берилган маҳсулотга меърий хужжатларга боғликлигини ва маҳсулотнинг ҳақиқий сифат кўрсаткичлари ҳақидаги объектив ва ишончли маълумотларни олади.

Тўдадан олинган маҳсулотларни сертификациялаштиришда синовдан ўтказилади.

Намуналар сони, танлаш тартиби, қонун-коидалари ва тақланиши сертификацияланадиган маҳсулот ва синов услубларидаги меърий хужжатларда белгиланади.

Намуна танлаш синалаётган жойга намуналарни ўз вактида етказиб беришни таъминлаш, ҳамда талабгорнинг иштирокида сертификациялаштириш ва синов лабораторияси бўйича идора томонидан амалга оширилади. Танлаш аник маҳсулот тўдасидан олинган намуналарни баробарлаштиришни ўтказиш зарур. Керакли пайтда маҳфийлигини саклаган ҳолда танланган намуналар босилиши ёки кодланиши мумкин. Унинг учун иккни нусхада танланган намуналар бўйича акт тузилади.

Божхона назоратида турган, импорт килинаётган маҳсулотдан намуна танлаш ишлари божхона назоратчиси ва товар эгаси иштирокида божхона идораси рухсати билан сертификациялаштириш бўйича идора томонидан олиб борилади. Унинг учун танлаш акти учта нусхада тузилиб, ундан иккинчи нусхаси божхона идораларига топширилади.

Талабгор ўз маҳсулотини синаш пайтида иштирок этиш хукукига эгадир. Унинг учун лабораторияда маҳфийлиги ва нормал сакланиш шароитини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилади.

Сакланиши, сифати ва синов намуналарининг ишончлилиги учун жавобгар намуналарни аккредитланган синов лабораториясига олиб боради. Синов баённомаси мутахассис вакил томонидан тузилади ва лаборатория раҳбари томонидан тасдикланади.

Синов баённомаси талабгорга ва сертификациялаштириш бўйича идорага топширилади. Синов баённомасининг нусхаси сертификат муддати ўшга тушмаганга қадар сакланиб турилади. Агар маҳсулот синови турли аккредитланган синов лабораторияларида алоҳида кўрсаткичларга эга бўлса, маҳсулотнинг қоникарли баҳоланиш мувофиқлиги қоникарли синов натижалари билан, барча керакли баённомалар билан хисобланади.

Сертификациялаштириш бўйича идора қоникарсиз синов натижаларига эга бўлса, унда талабгорга сертификат беришда эътироф қилиш сабабларини кўрсатган ҳолда ўз хulosасини беради.

Таъминловчи ва синов лабораторияси томонидан тузилган шартномага мувофик маҳсулот намуналари синалгандан кейин таъминловчига кайтарилади.

Ишлаб чиқариш холатини текширишда сертификациялангаётган маҳсулот бир турдаги маҳсулотни сертификациялаштиришни ўтказиш тартибини белгилайди. Ишлаб чиқаришни тўлиқ текширишда шу корхонанинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти сертификатни ишлаш муддатигача сертификат олиш имкониятига эгалигини тасдиқлади. Текшириш жараёнида мухим кўрсаткичлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш шароити, ҳамда сифат-тизимларининг элементлари таҳлил этилади.

Сертификациялангаётган маҳсулотнинг конструкторлик, технологик, меъёрий хужжатларга мувофиқлиги ва синаш услубларига, сифатни назорат килиш ва уни ташкиллаштириш услубларига, метрологик таъминотга риоя килиниши текширилади.

Текшириш натижалари бўйича сертификат бериш ҳакидаги акт тузилади.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Сертификациялаштириш схемалари ҳакида маълумот беринг.
2. Сертификациялаштириш тадбирлари қандай амалга оширилади?
3. Сертификациялаштириш ташкилотларига нималар киради?
4. Мувофиқлик сертификати қандай холларда бекор килинади?

Эслаб қолинг!

Мувофиқлик сертификати, декларация-талабнома, аккредитланган синов лабораторияси, синов баённомаси, синовлар ўтказиш, баҳолаш, намуна танлаш, намунавий синовлар, учинчи томон.

Ўкув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износостойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.12. СЕРТИФИКАЦИЯЛАШТИРИЛГАН МАҲСУЛОТНИ ИНСПЕКЦИЯ НАЗОРАТИ

Инспекция назорати маҳсулотни сертификациялаштиришдан ўтказишда белгиланган меъёрий ҳужжатларга боғликлигини текшириб боради.

Сертификацияланаётган маҳсулотни инспекция назоратининг кетмакетлиги ва давомийлиги қабул килинган сертификациялаштириш схемаларида келтирилган.

Мувофилик сертификатини беришгача сертификациялаштириш бўйича идоранинг хуносасига мувофиқ инспекция назоратини ўтказиш учун талабгор билан шартнома қилинади.

Бу шартномада иш турлари, ўтказиш муддати ва инспекция назорати бўйича ишга ҳақ тўлаш шарти белгиланади.

Инспекция назорати обьектларига куйидагилар киради:

- маҳсулотга тегишли меъёрий ҳужжатлар, синов услублари ва ишлаб чиқариш технологияси;
- сертификацияланаётган маҳсулот;
- ишлаб чиқариш ёки сифат тизими;
- корхона-тайёрловчилар ва савдо ташкилотларида сертификацияланаётган маҳсулот сакланиш шаронти ва муддати;
- тахлаш, транспорглаш;
- кузатиш ҳужжатлари;
- мувофилик белгисига тамға қўйиш.

Инспекция назорати тасдиқланган дастурга мувофиқ ўтказилади, баъзида комиссия маҳсулот ишлаб чиқариш сифатига боғлик равиша обьектлар ва жараёнлар дастурда хабардор килмасдан текшириши мумкин.

Ишлаб чиқаришни текширишда комиссия қоникарсиз натижаларга эга бўлса, унда баённома расмийлаштириб, корхонани четлаштиради.

Мувофиксизликнинг асосий турларига куйидагилар киради:

- сертификациялаштириш даврида меъёрий ҳужжатларнинг талаблари бузилганда;
- маҳсулот ёки синов услубларига меъёрий ҳужжатларнинг ўзгариши;
- маҳсулотнинг таркиби ёки комплектлиги ўзгарса;
- ишлаб чиқариш технологияси ўзгарса;
- технологияга назорат ва синов услубларига риоя қилинmasa.

Инспекция назорати маҳсулот ёки ишлаб чиқаришдаги белгиланган талабларга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги обьектив жиҳатдан асосланса, тугалланган деб хисобланади.

Мувофиликлиги ҳақидаги қоникарли хуносага эга бўлган акт асосида сертификациялаштириш бўйича идора мувофилик белгисини кўллашга мувофилик сертификати ва лицензия шартномасини тасдиқлаш ҳақида карор кабул килади.

Инспекция назорати натижалари бўйича мувофиқлик сертификатининг ишлаши ва мувофиқлик белгисининг кўлланилишини тўхтатиб кўйиш ёки бекор килиш мумкин.

Тўхтатиб кўйиш хакидаги карорларни тузатувчи корхона сертификациялаштириш бўйича идора билан келишган ҳолда амалга оширади. Бунда талабгор ўз маҳсулотини меъёрий хужжатларга боғликларда аккредитланган синон лабораториясида қайтадан синон ишларини ўтказмасликни бартараф этиши ёки тасдиклаши мумкин. Агар буни амалга ошириш мумкин бўлмаса, унда сертификатнинг таъсири ва мувофиқлик белгисининг ишлатилиш хукуки бекор килинади. Шу даврдан бошлаб бу бекор килиниш ўз НСС реєстрида қайд этилади ва кучга киради.

Бекор килиш хакидаги карор мувофиқлик сертификатига эга бўлган корхонага юборилади. Бу корхона сертификациялаштириш бўйича идорасига мувофиқлик сертификатига боғлиқ бўлган барча хужжатларнинг нусхасини юбориши керак. Маҳсулотга берилган сертификатнинг бекор килинишидан кейин, савдо нукталарига маҳсулотни тарқатиш ёки сотиш бекор килинади.

Сертификациялаштириш бўйича идоранинг бекор килиш хакидаги карорини Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги, божхона идораларига ва оммавий ахборот воситаларига жўнатади.

Инспекция назоратининг берган хулосаси талабгорни кониқтирумаса, унда сертификациялаштириш бўйича идоранинг аппеляция комиссиясига ёки Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигига мурожаат килиши мумкин.

Корхона мувофиқлик сертификатига эга бўлса, унда таъминловчи ишлаб чиқараётган маҳсулотига мувофиқлик белгисини қўяди ва ўз вактида қайтадан мувофиқлик сертификатини олиш учун сертификатнинг таъсир муддатини кузатиб боради.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Инспекция назоратини ким олиб боради?
2. Инспекция назорати нимани текширади?
3. Қандай боғликсизликлар мавжуд?
4. Қайси корхоналар инспекция назоратининг натижалари бўйича иш юритади?

Эслаб қолинг!

Инспекция назорати, меъёрий хужжат, сертификацияланган маҳсулот, акт, тузатувчи корхона, бекор килиниш, аккредитланган лаборатория.

Ўқув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.

2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.- «Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчете срока службы трикотажа.- в сб: Механические свойства и износостойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.13.СЕРТИФИКАЦИЯЛАШТИРИШ НАТИЖАЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Сертификациялаштириш бўйича идора синов баённомаларини кўриб чиққандан кейин, ишлаб чиқариш холатини баҳолаш ва қоникарли хулоса қабул килиш учун мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади ва талабгорга бериш учун Ўз НСС Давлат реестрида қайд килади.

Сертификат давлат ёки рус тилида расмийлаштирилади.

Берилган мувофиқлик сертификати асосида ва белгиланган сертификациялаштириш схемасини хисобга олган ҳолда лицензияли шартнома тузилади.

Мувофиқлик белгиси серияли тарзда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга белгиланади. Мувофиқлик белгиси корхона-тайёрловчи ўзига масъульятни олишига олиб келади, ҳамда барча тарқатилаётган маҳсулотларнинг меъёрий хужжатларининг талаблари ва синалган намуналарга мувофиқлигини таъминлайди.

Бирлик маҳсулотга сертификат беришда мувофиқлик белгиси билан **тамғаланган маҳсулот тұдаси** ўтказилмайди.

Талабгор ва таъминловчи сертификацияланадиган маҳсулот ва хизматни мувофиқлик белгиси билан кодлайди.

Мувофиқлик белгисининг коди сертификацияланадиган маҳсулот ёки хизматта таълтукли бўлиб, сертификациялаштириш бўйича идора ва ғир турдаги маҳсулотлар гурухи кўшимча белгиси кўринишида ифодаланади.

Белгиланиш XXXX/YYYY кўринишида бўлиб, бу ерда X-бир турдаги маҳсулот белгиси; XXX-давлат реестридаги сертификациялаштириш бўйича идоранинг аккредитлаштириш аттестатининг тартиб раками; YYYY-мувофиқлик белгисига эга бўлган корхона ёки ташкилотнинг тартиб раками.

Мисол тарикасида код билан белгиланган мувофиқлик белгисини келтирдик.



Үс 009/001

Расмга илова:

Үе-маиший-хизмат ва енгил саноатга таъллукли бўлган сертификациялаштирилган маҳсулот;

009-Бухоро РЦМС сертификациялаштириш бўйича идора томонидан берилган сертификат;

001-Бухоро тўқимачилик комбинати.

Сифат тизимида мувофилик сертификатини кўлланилиш ҳуқуки маҳсулотга кузатув ҳужжатида реклама қилинаётган материаллар сифат тизимини сертификациялаштириш идораси томонидан кўрсатилади. Маҳсулотга мувофилик белгиси сифат тизимига боғлиқсиз қўйилмайди.

Сертификатни бериш бўйича барча ишлар, шу билан биргаликда талабномани кўриб чиқиш, ишлаб чиқаришни текшириш, синов ва инспекция назорати, ҳужжатларни қайд этиш ва керакли материалларни ўтказиш талабгор томонидан тўланади.

Мувофилик белгисининг муддатини сертификациялаштириши ўтказиш шароити, маҳсулотга меъёрий ҳужжатларнинг таъсир муддатини хисобга олган холда, уч йилдан кўп бўлмаган муддатда сертификациялаштириш идораси белгилайди.

Маҳсулот тўдаси ёки бирлик маҳсулотларга мувофилик сертификатининг таъсири йиллик хизмат муддатига эга бўлиб, маҳсулотнинг йиллик муддатидан кўп бўлмаган муддатда ишлатилиши керак.

Мувофилик сертификати муддатининг тугашига уч ой қолганда, талабгор белгиланган тартибида қайтадан сертификат олиши учун сертификациялаштириш идорасига талабнома беради.

Сертификациялаштириш идораси инспекция назоратининг текширишидан олинган натижаларга асосан қайтадан киска текшириш олиб беради.

Сертификациялаштириш бўйича Миллий идора талабгорнинг илтимосига биноан маҳсулотни сертификациялаштириш натижаларини қайд этишда қўйидагиларни эътиборга олади:

- сертификатга эга бўлган маҳсулот тартиби ва унинг сертификациялаштириш хусусиятлари;
- бирлик маҳсулот, сифат тизими ва ишлаб чиқаришни сертификациялаштириш бўйича аккредитланган идораларнинг тартиби;
- аккредитлаштирилган лабораторияларнинг тартиби;
- сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг аттестацияси ҳакидаги маълумот;

- четлаштирилган сертификатлар ва аккредитлаштириш аттестатлари ҳақидаги маълумотлар.

Талабгор мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгисига эга бўлган ўзи ишлаб чикараётган маҳсулотларини реклама килиш хукуқига эга.

Мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган мажбурий сертификациялаштиришдаги маҳсулотни реклама килиш таъкиланади.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Мувофиқлик сертификатининг хизмат муддатини ким белгилайди?
2. Олинган мувофиқлик сертификати ҳақидаги маълумотларни қаердан олиши мумкин?
3. Мувофиқлик белгиси қаерга кўйилади?

Эслаб колинг!

Мувофиқлик сертификати, мувофиқлик белгиси, мувофиқлик белгисининг коди, мувофиқлик белгисининг сифат тизими.

Ўқув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износостойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.14. СИНОВ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИНИ АККРЕДИТЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг сертификациялаштириш Миллий тизимида, синов лабораторияларига ва уни аккредитлашга кўйиладиган талаблар ва аккредитлаштириш тартиби Ўз ДСТ 5.3-92 стандартида келтирилган.

Лабораторияни аккредитлаштириш тармокнинг тури ва мулкчилик мақомига боғлиқ эмас. Сертификациялаштириш мақсадида синовлар

техникавий лойиклиги ва мустакиллиги бўйича аккредитлаштирилган лабораторияяда ўтказилади.

Факат техникавий лаёкатлилиги бўйича аккредитланган лабораторияда сертификациялаштириш ташкилотининг назоратида бир турли маҳсулотларни сертификациялаштириш максадида синовлар ўтказишга рухсат этилади.

Синов лабораториясини аккредитлаштиришда уларнинг техник лаёкатлиги ва мустакиллигини исботловчи тегишли шаклда аккредитлаш аттестати тақдим этилади. Аккредитлаш аттестати 5 йилгача муддатга берилади ва унда синов лабораториясининг аккредитлаш, соҳаси, синаувчан маҳсулотнинг номи, меъёрий хужжатлар ва синаш усиублари белгиланган бўлади.

Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги ва сертификациялаштириш ташкилотлари синов лабора-ториясини аккредитлаш ва уларни текширувчан назоратни амалга оширади.

Синов лабораториясини аккредитлаш, хужжатларни экспертизадан ўтказиш ва текширувчан назоратлар учун ҳаражатларни лецензион келишувга асосан сўровчи қоплади. Аккредитлаштиришга даъвогар синов лабораторияси маҳсулотни синашга сўровчи томонга боғлик эмаслигини таъминловчи аник хукукий ва ташкилий ўтказиладиган синовларнинг ишончлилиги тизимиға эга бўлиш керак.

Лабораториянинг маъмурй боғлиқлиги ва ходимларга ҳақ тўлаш тизимида тижорий, молиявий, маъмурий ва бошқача йўл билан синов натижаларига таъсир кўрсатиш имконияти бўлмаслиги керак.

Ҳар бир синов жиҳозлари ва ўлчов воситалари рўйхатдан ўтказилади. Рўйхат хужжатида жихознинг тури ва номи, ишлаб чиқарган корхона номи, ишлаб чиқарилган вакти, кабул килинган хамда фойдаланиш бошланган муддати, сотиб олишдаги холати, текшириш ва ростлаш тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Маҳсулотларни синовдан ўтказиша танланган намуналарнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, лозим бўлганда бу намуналарни маҳсус тартибда саклаш ва назорат қилиб тuriш, синовдан кейин кайта топшириш механизмлари аник ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Синов натижаларини кайд этиш ва шунга таъллуқли хужжатларни саклашга алоҳида эътибор берилади. Улар учун саклаш муддати белгиланмайди.

Аккредитлаштирилган синов лабораториясининг вазифалари ва хукуклари ЎзДСТ -5.3-92 стандартида келтирилган. Улар реклама материаллари ва бошқа хужжатларда тизим изнида аккредитланганлигини кўрсатиш, сертификациялаштирилаётган маҳсулотни текширув назоратидан ўтказиш, сертификациялаштириш ташкилотлари билан биргаликда сифат тизимини ёки ишлаб чиқаришни сертификациядан ўтказиша иштирок этиш каби хукукларга эга.

Синов лабораторияларини аккредитлаштириш билан боғлик бўлган йўналтириш ишларини Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги амалга

оширади. Аккредитлаштириш тартиби сертификациялаштириш ташкилотларини аккредитлаштириш тартибига мос келади ва улар куйидаги тадбирлардан иборат:

- аккредитлашга даъвогар лабораториянинг аризасини тақдим этиш ва кўриб чикиш;

аккредитлаш учун тақдим этилган хужоатларни экспертизадан ўтказиш;

- аккредитлаштирилаётган лабораторияни ва уни ўтказиш муддатларини аниклаш бўйича текширув комиссиясини тайинлаш;

- синов лабораториясини аттестациядан ўтказиш;

- лабораторияни аккредитлаштириш бўйича қарор қабул қилиш;

- аккредитлаш аттестатини тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва тақдим этиш.

Синов лабораториясини аккредитлаштириш аттестатини бериш масаласи сертификациялаштириш Миллий ташкилотида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг Миллий сертификациялаштириш тизими Давлат рўйхатидан ўтказилади ва шу кундан бошлаб мазкур синов лабораторияси аккредитланган ҳисобланади ва бу ҳакида аттестат топширилади.

Аккредитлаштириш муддати тугашига б ой колганда кайта аккредитлашга расмий ариза топширилади ва мазкур лабораториянинг Ўзбекистон стандартлаштириш агентлиги билан ўзаро муносабатларига мос равища кайтадан аккредитлаштириши ёки аттестатнинг муддати узайтирилиши мумкин.

Аккредитланиш муддатида аккредитлаштирилган лабораториянинг текширувчан назоратини сертификациялаштириш ташкилот ташкил этади ва керак бўлганда бошқа мутасадди ташкилотларни жалб қилган холда амалга оширади.

Лаборатория фаолиятининг текширувчан назорати куйидагича бўлиши мумкин:

- лаборатория фаолиятини жойида текширувдан ўтказиш;

- аккредитланган лабораторияда аккредитланаётган ташкилот вакилларининг доимий иштирок этиши;

- синов лабораторияси томонидан аккредитлаштирилаётган ташкилотга ўтказилаётган таҳрибаларнинг сифати, синовлар сифатини яхшилаш борасида ўтказилаётган ички назорат натижалари, мижозлар томонидан билдирилаётган рекламация ва бошқа ахборотларни тақдим этиши;

- маҳсулотнинг сифати бўйича истеъмолчилар, савдо ташкилотлари ва бошқа жамоат ва давлат назоратлари кўрсаткичлари ва ахборотларини йигиб, уларни таҳлил қилиш;

- аккредитлаштирилаётган ташкилотларнинг ишончини таъминлаш бўйича ҳар кандай кузатув — текширув орқали аккредитлаштирилган синов лабораториясига кўйилган талабларга жавоб беришни таъминлаш ва хоказо.

Текширувчан назорат ўтқазадиган мутахассислар ўз соҳаси бўйича маҳсус тайёргарчиликдан ўтган ва мазкур кासбга лаёқатли бўлиши зарур.

Текширувчан назорат шарт-шароитлари ва ташкилий ишлар маҳсус келишув билан расмийлаштирилади. Текширувчан назорат билан боғлик харажатларни аккредитлаштирилаётган сўровчи лаборатория амалга оширади.

Сўровчи синов лабораторияси томонидан 15 кун ичидаги Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигининг аккредитлаштириш масаласи бўйича комиссиясига аккредитлаштириш муддатини муддатдан аввал тўхтатиш бўйича карорга норозилигини билдириб ариза берилиши мумкин.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Синов лабораторияларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Лабораторияни аккредитлаштириш мезони кандай амалга оширилади?
3. Синов лабораторияларини аккредитлаштириш тартибини изохлаб беринг.
4. Аккредитланган лаборатория фаолиятини текширувчан назорати кандай тартибда амалга оширилади?

Эслаб колинг!

Аккредитлаш аттестати, лабораторияни аккредитлаштириш, сўровчи, Ўзбекистон Республикасининг Миллий сертификациялаштириш тизими, сўровчи синов лабораторияси.

Ўқув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износстойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износстойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.15. ЧИЗИКЛИ КОД

Чизиқли код – турли қалынлик ва қадамдаги паралел чизиқлы тұпламлар ёрдамидағы белги бўлиб, кўндаланг сканерлаш йўли билан оптик аникланади. Чизиқли код – маълумотларни компьютерга тез ва аник киритиш учун турли энликдаги оралиқ ва чизикларни кетма-кетлиги кўринишидаги сон, ҳарфлар ва бетларни кодлаштириш усуларидан бири хисобланади.

Чизиқли кодлаштириши – натижаларни йигиш ва автоматик баробарлаштириш технологиясига зга бўлиб, хисоблаш машинасига автоматик равища киритиш учун белгиланган шакл, ўлчам, ранг, қайталанувчи шикастлангандан комбинацияланган элементларни босилган шаклланиш кўринишидаги коидаларни аниклаш бўйича маълумотларни кўрсатишига асосланганdir.

EAN-13 иштемол товарининг чизиқли код белгиси мисолида кўриб чиқамиз (18.1-расм).



18.1-расм. EAN-13 кодининг структураси

Белгидаги натижаларни кодлаштириш учун аникланган энликдаги чизиқлар ва ораликлар ишлатилиди. Исталган сонли ракамнинг улуши ёки маълумотнинг турли кўринишидаги кодланиш чизиқли код кўринишида босилади (масалан, буюртма ракам ёки товар тўдасининг раками).

Чизиқли кодни сканерлаш жуда мухим бўлиб, компьютер ракамидаги босилган пастки код тенг кийматли бўлади. Клавиатура ва хисобланган чизиқли код билан натижалар киритилмаса унда учинчи кўрсаткич ўзгармай колади. Чизиқли код белгисидаги маълумотларни ўкиш учун скенарланатётган курилмадаги нурлар чизиқли кодга караб йўналади.

Дикодер ёрдамида чизиқли коддаги кодлаштирилган натижаларни оламиз. Чизиқли ва ораликли кўринишидаги кодлаштирилган ракамли

маълумотлар чизикли кодлар пастидан босилади. Чизикли код амалиётда кўп жойларда ишлатилади.

Компьютерга натижалар кўл ёрдамида киритилади. Таъминловчилар, чакана сотувчилар, молиявий хизмат, комунал хизмат кўрсатиш корхоналари соғлиқни саклаш корхоналари, хукумат агентлиги, транспорт компанияси ва кўпгина тармоқлар маълумотларни кўл ёрдамида киритиш ўрнига чизикли код ишлатишиади.

Хом ашё ва тайёр маҳсулотларни хисобга олиш, конверт ёки ўрамда юк ёки кутиларни автоматик саралаш; товар тўдасини кузатиб бориш; ишлаб чиқариш аллокаси; иштироки ва ишчи вактини хисобга олиш; саклаш, танлашва юкланиши назорат килиш; кириш йўлининг назорати; асбобни саклаш ва кўшимча кисмларни юклаш; чакана савдо.

Товар алмашиниши – автоматик саралаш, синфлаш тизими; юкларни кабул килиш тизими; автоматик тахлаш; турар жойи; ордер бўйича иш олиб бориш; омборхонадаги хазинани қайта ишлаш; омборхона ва сотувда хисобга олиш жараёнлари; юклашдан олдин товарларни текшириш; юкланаётган товарларни қайта ишлаш; идора хужжатларини қайта ўраш; ордер китоби; курилиш материалларини қайта ишлаш.

Ишлаб чиқариши-тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш; ишлаб чиқариш жараёнида назорат.

Чизикили кодлар аниқдир, улар натижаларни кўл ёрдамида киритишида хатоликлардан холисдир. Тадқикот ишлари шу нарсани кўрсатдиги, чизикли кодларни хисоблашдаги хатоликлар сони бир фоиздан кам бўлади. Тестлар чизикли кодлар кўринишида кодлаштирилган маълумотларни кўрсатади ва 10 млн.1 та хатолик аниқлигига эга. Кўл ёрдамида киритиш билан солиштирилганда 10 та белгига 1 та хатолик бўлади. Чизикли код натижаларни тезликда киритади.

ССД ва лазерли сканерлар натижаларнинг кириш жараёнини янада тезлаштиради. Чизикли коднинг ишлатилиш афзаллиги натижаларни автоматик йигиши жуда оддий бўлиб, тез ва аник амалга оширади.

Чизикли коднинг ишлатилишининг бир канча афзалликлари мавжуд:

-захираларни аник назорат килиш;

-материалларни ўз вактида келишини кечикиши натижасида хосил бўлувчи оддий ишлаб чиқарининг вактини кисқартириш;

-ишлаб чиқариш холати ва статистик жиҳатдан яхшиланган маълумотли натижаларни тез киритиш;

-натижаларни қайта ишлашдаги аниқлик ва доимий оралиқларни тенглаштириш;

-буюртма жараёнини тезлаштириш хисобига ишлаб чиқариш захираларини қолдириш вактини кисқартириш;

-бошқариш вактини кисқартириш хужжат айланишининг ўртача савиясини камайтиришга олиб келади.

Товарларни экспортга тайёрлашда бу товар чизикли кодга эга бўлмаса, кабул килинмайди. **Маҳсулотнинг чизикли коди**– товар ишлаб

чиқарувчининг визит карточкаси бўлиб хисобланади. Барча чизикли кодлар элементларига ўхшаш бўлади. Бу чизик ва ораликлар инсон кўзи илғайдиган кўринишда бўлиб, ёруғ майдончаларга эгадир.

Чизиклар ва ораликлар кодлаштирилган натижаларни аниклади.

Ҳар бир белги сикилишдаги енгил босимли дикодирланган тезлик ва енгиллигига боғлиқ бўлиб, бу андозаларнинг турлича яратилишидаги етарлилигини кўрсатади.

Инсон ўкийй опадиган белгилар инсон ўқиши учун кодлаштирилган чизик ва оралик натижаларини кўрсатади.

Ёруғ майдон – олд ва кейинги чизик ва ораликларнинг тоза юзасидир.

Ёруғ майдоннинг мавжудлиги-чизикли кодни ўқилишидаги энг муҳим шартларидан бири бўлиб хисобланади. Чизикли код ёруғ майдонсиз хисобланмайди ва эътиборга олинмайди.

Чизикли кодларнинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, шулардан кўпроқ ишлатиладиган кодларни кўриб чикишимиз мумкин:

- EAN, EAN-8;
- 128 коди;
- 39 коди;
- 5 тадан 2 таси алмашади (ITF-14).

Бу турли рамзларнинг белгили тўпламлари босим зичлигига фарқланади. Замонавий чизикли кодли сканерлар бу рамзларни автоматик равишда ўқиш ва фарклаш имкониятiga эга. Чакана савдодаги барча товарларда EAN-13 ва EAN-8 кодлари кўпроқ ишлатилади. Бу кўринишдаги кодлар чакана савдодаги товарлар учун стандарт чизикли код бўлиб хисобланади.

Код-13 ёки код-8 аҳамиятли сонлар тўпламида кодланади. EAN дегани Evtojan Article Number дегани бўлиб, EAN кодлари Ўзбекистон давлат стандартларига асосланади. Ўзаро алмашувчанликка эга бўлиб Европа Осиё, Марказий ва Жанубий Америка, ҳамда Океан мамлакатларида ишлатилади. Ҳар бир мамлакат ўз кодига эга.

Масалан: Ўзбекистонда биринчи учта коднинг раками миллий ташкилотга оид, кейинги коднинг олтига раками корхона раками ёки шу турдаги маҳсулот меросхўри, кейинги коднинг учта раками товарни тенглаштириш блоки, охирги раками назоратни билдиради.

Ҳар бир турдаги товар алоҳида ноёб EAN ракамига эга бўлиб, фарқланувчи имкониятнинг кераклигини билдиради.

EAN-13 чизикли код ёруғ майдонининг чап томонидан 3,63 ммли, ўнг томонидан эса 2,31 ммли жой ташланган бўлади. EAN чизикли коддаги чап ва ўнг томондан ташланган масофа 2,31 ммдан кам бўлмайди.

Товар ишлаб чиқарувчининг чизикли кодининг финал макетини Ўзбекистон стандартлаштириш агентлигининг марказий чизикли кодидан олиш мумкин. Бир вақтнинг ўзида чизикли код давлат реестрининг чизикли кодига киритилади. Ўз ДСТ 6.1703 стандарти билан боғликликда давлат реестрининг кайд килинувчи раками код устига олиб келинади.

Чизикли кодлаштириш марказида чизикли кодлаштириш масалалари бўйича маслаҳат олиш мумкин.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Чизикли код хақида маълумот беринг.
2. Чизикли код кандай ишлатилади?
3. Чизикли кодлаштиришга таъриф беринг.
4. Чизикли коднинг кандай турлари мавжуд?

Эслаб қолинг!

Чизикли код, чизикли кодлаштириш, товар алмашиш, сканер, ёруғ майдон, давлат реестри, маҳсулотнинг чизикли коди.

Ўқув материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износостойкость текстильных материалов. Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

3.16. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ

Маҳсулот, жараён, хизматларнинг хавфсизлигини назорат килиш бўйича ишлар бутун жаҳон амалиётида ўтказилади. Хавфсизликни назорат килишнинг бир қанча тадбир ва услублари мавжуд бўлиб, турли идора ёки ташкилотлар томонидан бажарилади.

Бу давлат назорати маҳсулотнинг сифатини назорат килиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун стандарт шартларига риоя килган ҳолда санитария-гигиеник, маҳсулотни қабул килишдаги бир қанча ишларни олиб боради.

Кўпгина давлатларнинг конунияти маҳсулотнинг аник турлари ва гурухларига белгиланган шартларида алоҳида конунларидан иборат бўлади.

Стандартлаштириш бўйича Француз уюшмаси (AFNOR)нинг натижаларига асосан Европа ѹктисидий жамияти аъзолари (ЕЭС) ва эркин савдо Европа уюшмаси (ЕАСТ) 5000 дан ортиқ буюмларни сертификатлайди, ҳамда сертификациялаштириш бўйича 300 дан ортиқ сертификатлар ва 700 дан ортиқ идораларга таъсир этади.

Сертификациялаштириш ривожланган ва ривожланиб келаётган бир канча давлатларда кўлланилиб келган. Натижада, бу давлатлар миллий стандартларига, ҳамда бошқа таъсир этувчи техник меъёрларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бозорларини химоя килиб келишган.

Турли давлатларнинг у ёки бу маҳсулотларининг стандартлари ва техник меъёрлари турлича бўлган, ҳамда сертификациялаштиришни ўтказиш тартибида ҳалқаро савдода техник тўсикларни келтириб чиқарган. Шу сабабли, энг муҳим омиллардан бири, ҳалқаро миқёсда жаҳон бозорларида ҳал қилувчи рол йўнашда тенг ҳамкорлик рагибини таъминлайди. Натижада, маҳсулот ва сертификациялаштириш конун-қоидаларига стандартларнинг уйгуналашви дейилади.

Барча мамлакатларнинг сертификациялаштириш идораларидан ташқари, чегарада жойлашган маҳсус хизматга эга бўлиб, улар ҳайвон ва ҳайвон маҳсулотлари ветеринари, ўсимлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари фито-санитарияси, тез бузилувчан маҳсулотлар, ўта ҳавфли кимёвий моддалар, транспорт воситалари устидан турли назорат ишларини олиб беради.

Жаҳон бозорлари савдосидаги конун-коидаларни яратувчи ҳалқаро ташкилот мувофиқ бўлган молларни тасдиқловчи усуулларни кўриб чиқади. Унга тариф ва савдо бўйича Бош битим дейилади (ГАТТ). Бу битим 1947 йилдан ишлаб келаётти.

1993 йил Бош битим бўйича Уругвайдаги саккизинчи кўп ёклама савдо келишувида бутун жаҳон савдо ташкилоти (ВТО) деб юритилди.

Хозирги пайтда Бош битимнинг аъзолари 125 давлатдан иборат бўлиб, у жаҳон мол алмаштиришнинг 90 фоиз улушига тўғри келади. 20 га яқин давлатлар Бош битимга кўшилиш арафасида турибди. Секториал келишувидан бири савдода техник тўсиклар бўйича келишишdir.

Бу келишувнинг асосий талаблари учта гурухга бўлинади.

Стандартлаштириш доираси. Яратилаётган стандартлар ҳалқаро савдода келишмовчиликларни келтириб чиқармаслик учун томонларнинг кафолат бериши керак бўлади. Баъзизда бу яратилаётган стандартлар ҳалқаро стандартларга боғлиқ бўлиши керак. Акс ҳолда бошқа томондан яратилаётган ҳалқаро стандартлардан фарқланувчи стандартлар бўйича хабар бериши керак бўлади.

Мувофиқликни баҳолаш доираси. Яратилаётган ва кўлланилаётган мувофиқликни баҳолаш тизимини ҳалқаро савдода келишмовчиликларни келтириб чиқармаслиги учун томонлар кафолат бериши лозим.

Агар миллий баҳолаш тизими ҳалқаро конун-коидаларидан фарқланса, унда томонлар куйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- мувофикалик баҳосининг тизимини киритиш ҳакидаги маълумотни киритиб, кизиқувчи томонларнинг ўз вактида танишишини йўлга кўйиш;

- тариф ва савдо бўйича (ГАТТ/ВТО) Бош битим котибияти маҳсулот ҳакида, ҳамда таклиф этилаётган тизимнинг кискача мақсади билан унинг кенг кўламда кўлланилиши ҳакида хабар бериш;

- бошқа томонларнинг камситилишсиз талаблари бўйича таклиф этилаётган тизимининг конун-қидалари ёки бу конун-қидаларнинг нусхаси ҳакидаги тўлиқ маълумотни намойиш этиш ёки кўрсатиш.

Маълумот доирасида. Хар бир томон бошқа кизиқувчи томонларнинг маҳсулотга меърий ҳужжатлар, хизмат, жараёнлар, ҳамда шу билан биргаликда мувофиглигини тасдиқловчи услубларнинг назорати ва тизим конун-қидаларига тегишли барча жавоблар учун маълумотни яратишни таъминлайди.

Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот (ИСО) жаҳон миқёсида сертификациялаштиришни ташкилий-услубий жихатдан таъминлашни амалга оширади. Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот (ИСО) биринчирилган Халқаро электротехник комиссия (МЭК) дан ташқари барча техник доираларни ўз ичига қамраб олади. Баъзида ИСО 9000 ракамли стандартларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш бўйича талабларини белгилайди.

Электротехника, электроника, радио алоқа, асбобсозлик доирасидаги ҳалқаро стандартлаштириш ва сертификациялаштириш билан Халқаро электротехника комиссияси (МЭК) шугулланади.

Халқаро миқёсда синов ташкилотларини аккредитлаштириш ва тан олиш доирасида давлатларо ҳамкорлик 1977 йилда биринчи марта яратилган ва йўлга кўйилган синов лабораторияларини аккредитлаштириш бўйича Халқаро конференцияси доирасида амалга (ИЛАК) оширилади.

Синов лабораторияларини аккредитлаштириш бўйича Халқаро конференция (ИЛАК)- ҳалқаро форум бўлиб, лабораторияларни аккредитлаштириш бўйича Халқаро миқёсда уйунлаштириш, ҳамда ҳалқаро савдода техник тўсикларни бартараф этиш, ҳалқаро ва миллий даражадаги сертификациялаштириш бўйича идора билан актив ҳамкорликда иш олиб бориши лозим.

Назорат саволлари ва топшириклари:

1. Жаҳонда молларнинг хавфсизлигини таъминлашни назорат килиш кандай ўтказилади?

2. Сертификатлаштириш ишлари кимга қулай?

3. Кайси ташкилот Халқаро савдо бўйича конун-қидаларни яратади?

Эслаб қолинг!

Бош битим, тариф ва савдо, секториал келишув, стандартлаштириш доираси, мувофикаликни баҳолаш доираси, маълумот доираси, стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот, Халқаро электротехник комиссия, аккредитлаштириш.

Үкүв материаллари таъминоти

1. А.Н.Соловьев, С.М.Кирюхин. Оценка качества и стандартизация текстильных материалов. М., Легкая индустрия, 1974.
2. Соловьев А.Н. Выбор показателей качества и оценка их значимости.-«Технология текстильной промышленности», 1972, №2, с.134.
3. Виноградов Ю.С., Соловьев А.Н. О доверительных интервалах при оценке генеральных статистических характеристик по малым выборкам.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №5, с.15.
4. Симоненко Д.Ф., Соловьев А.Н. Неограниченный выбор и оценка значимости показателей качества.-«Технология текстильной промышленности», 1973, №3, с.19.
5. Симоненко Д.Ф. Определение остаточной износостойкости при расчете срока службы трикотажа.-В сб: Механические свойства и износостойкость текстильных материалов: Доклады VII Всесоюзной конференции по текстильному материаловедению. Вильнюс-Каунас, 1971, с.304.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
I-Қисм. Метрология асослари (Т.А.Очилов)	5
1.1. Асосий атамалар ва таърифлар	5
1.2. Метрологик таъминотнинг асосий мақсади	10
1.3. Физикавий катталикларнинг бирликлар тизими	15
1.4. СИ тизимини ишлаб чикиш ва қабул килиш	18
1.5. Ўлчаш	23
1.5.1. Ўлчаш соҳалари	25
1.5.2. Ўлчашнинг турлари ва усууллари	25
1.5.3. Ўлчаш воситаларининг конструктив тузилиши	26
1.6. Ўлчаш воситалари ва уларнинг метрологик хусусияти	30
1.6.1. Асбобларнинг ва ўлчашнинг аниклиги	33
1.6.2. Ўлчаш бирлигини таъминлаш асослари	35
II-Қисм. Стандартлаштириш асослари (Т.А.Очилов, X.З.Исматуллаева)	37
2.1. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими	37
2.1.1. Стандартлаштиришнинг мақсади ва вазифалари	39
2.1.2. Саноат корхоналарида стандартлаштиришнинг турлари	41
2.2. Стандартлаштиришнинг асосий конун-коидалари	43
2.3. Стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати	50
2.3.1. Стандарт лойихасини ишлаб чикиш (биринчи таҳрири) ва уни фикр мулоҳазалар олиш учун юбориш	52
2.3.2. Фикр-мулоҳазалар устида ишлаш, стандарт лойихасини ишлаб чикиш, келишиш ва уни тасдиқлашга тақдим этиш	53
2.4. Стандартни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш	56
2.4.1. Стандарт лойихасига тушунтириш хатининг тузилиши, баёни, расмийлаштирилиши ва мазмуни	57
2.5. Техникавий шартларнинг лойихаларини ишлаб чикиш	61
2.5.1. Техникавий шартларнинг лойихаларини келишиб олиш	62
2.5.2. Техникавий шартлар лойихасини тасдиқлаш	63
2.5.3. Техникавий шартларни давлат рўйхатидан ўтказиш	64
2.5.4. Корхона стандартларини ишлаб чикиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби	65
2.5.5. Стандартлар ва техникавий шартлар билан таъминлаш тартиби	67

2.5.6.	Стандартлар билан таъминлаш тартиби	68
2.5.7.	Техникавий шартлар ва корхона стандартлари билан таъминланиш тартиби	68
2.6.	Халкаро ва давлатлараро стандартлаштириш	71
2.7.	Махсулот сифат кўрсаткичи	74
2.8.	Махсулот сифатини баҳолаш	77
2.9.	Махсулот сифатини бошқариш асослари	80
2.10.	Барча ҳаётий боскичларда махсулот сифатини бошқариш	84
2.11.	Махсулот сифатини бошқариш услублари	88
III-Кисм	Махсулот сифатини сертификатлаштириш (Т.А.Очилов, Х.З.Исматуллаева)	
3.1.	Сертификатлаштиришнинг аҳамияти	92
3.2.	Сертификатлаштиришга оид атама ва таърифлар	95
3.3.	Сертификатлаштириш ҳакида маълумот	98
3.4.	Ўзбекистон республикасининг сертификатлаштириш идоралари	103
3.5.	Сертификатлаштиришнинг конуний асослари	109
3.6.	Истемолчилар хуқукини химоя килиш тўғрисидаги конун	112
3.7.	Сертификатлаштириш тизимининг асосий кўриниши	116
3.8.	Мажбурий сертификатлаштиришни жорий этиш	120
3.9.	Низоларни караб чикиш. Сертификатлаштириш тўғрисидаги конун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик	122
3.10.	Мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси	124
3.11.	Сертификациялаштиришнинг ўтказиш тартиби ва коидалари	126
3.12.	Сертификациялаштирилган махсулотни инспекция назорати	132
3.13.	Сертификациялаштириш натижалари ҳакида маълумот	134
3.14.	Синов лабораторияларини аккредитлаштириш	136
3.15.	Чизикли код	140
3.16.	Хорижий давлатларда сертификатлаштириш амалиёти	143

Очилов Тўлқин Ашуро维奇
Исматуллаева Холида Зикруллаевна

**«МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ»**

Муҳаррир **Бозоров Э.**

Босишга рухсат этилди 15.09.2007й. Қоғоз бичими $60 \times 84^{1/8}$
Хисоб-нашр табоги 9,3 адади 100
Буйюртма рақами № 80

«IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тайёрланди.
100084. Тошкент кичик халқа йўли, 7-үй

Низомий номидаги
“ТДПУ” босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри. Юсуф Ҳос Ҳожиб, 103

